

1-son

ISSN: 2181-3310



# MUTAFAKKIR

Scientific Journal / Научный журнал / Илмий журнал



INDEX  COPERNICUS  
INTERNATIONAL



O'zbekiston Respublikasi  
Prezidenti  
Administratsiyasi  
huzuridagi Axborot  
va ommaviy  
kommunikatsiyalar  
agentligi

№ 3581-7562-457c-e28f-2bb4-0408-4786  
Hujjat yaratilingan sana: 2022-03-31  
Ariza raqami: 40184843

Hujjat berilgan: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "МУТАФАККИР"  
Qabul qiluvchining identifikatsiya raqami: 307818257

Ommaviy axborot vositasi davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

№ 1470

**Nomi:** "Mutafakkir"

**Tarqatish shakli:** jurnal

**Til(lar)i:** o'zbek, rus va ingliz

**Muassis(lar)i:** «Мутафаккир» МЧЖ

**Ixtisoslashuvi:** Аник фанлар, Табиий фанлар, гуманитар фанлар, тиббий фанлар

**Tahririyat manzili:** Тошкент шаҳри, Юнус обод тумани

**Tarqatish hududi:** O'zbekistin Respublikasi

**Berilgan sanasi:** 01-12-2021

**Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ rahbari:** Xodjayev Asadjon Azadbekovich

Mazkur hujjat Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 15 sentyabrdagi 728-son qaroriga muvofiq Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalida shakllantirilgan elektron hujjatning nusxasi bo'lib, davlat organlari tomonidan ushbu hujjatni qabul qilishni rad etishlari qat'iy taqiqlanadi. Hujjat haqiqiylikini repo.gov.uz veb-saytida hujjatning noyob raqamini kiritib yoki mobil telefon yordamida QR- kodni skaner qilish orqali tekshirish mumkin.

8497



**Bosh Muharrir:**  
Shohinur Mirzayev

**Jamoatchilik kengashi:**  
Baxtinur Xudanov  
Akbar Elmurodov  
Shuhrat Ziyadullayev

**Tahrir hay'ati**  
Muxtor Xudoyqulov  
Ulug'bek Vohidov  
Nazira Toshpo'latova  
Latofat  
Toshmuhammedova

**ALISHER NAVOIY  
NOMIDAGI O'ZBEKISTON  
MILLIY KUTUBXONASI**

Kitob va turkum  
nashrlarga ISBN va ISSN  
raqamlarni biriktirish  
to'g'risida

**MA'LUMOTNOMA**

Turkum nashrlarning  
chiqish ma'lumotlarini GOST  
7.4-95 «Nashrlar. Chiqish  
ma'lumotlari» hamda GOST  
7.56-2002 « Xalqaro standart  
turkum raqami» davlatlararo  
standartlar talablari asosida  
bo'lishini to'liq ta'minlash  
maqsadida, Alisher Navoiy  
nomidagi O'zbekiston Milliy  
kutubxonasi va «Mutafakkir»  
1ta 2022 yil 11-apreldagi  
№ ISSN-C-35583 sonli  
hisob-kitob shartnoma va  
2022 yil 19-aprel yildagi №  
ISSN-I-35583 schet-fakturaga  
asosan turkum nashrlarini  
ISSN bilan belgilash uchun  
quyidagi raqamni taqdim

Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining ilovasida mavjud bo'lgan xalqaro indeksatsiya **index copernicus** bazasiga kiritilgan. OAK ilmiy nashrlarda chop eilgan maqola sifatida qabul qilinadi.

Asos: O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati

<sup>1</sup> Maqola chop etilgan paytda xalqaro miqyosda faoliyat kursoratadigan kuyidagi iyririk nashriyotlar eki ma'lumotlar bazasi asosida «impekt-faktor»ga ega bulgan ilmiy jurnallarda nashr etilgan maqolalar mazkur Ruyxat tarkibiga kiritilgan ilmiy jurnallarda chop etilgan ilmiy maqolalar sifatida qabul qilinadi: (1) Web of Science (Web of Knowledge), (2) Journal Impact Factor, (3) Scopus, (4) Journal Citation Reports, (5) Global Impact Factor, (6) International Impact Factor Services, (7) Agris, (8) Chemical Abstracts CAS, (9) GeoRef, (10) PubMed, (11) Springer, (12) Index Copernicus, (13) Bielefeld Academic Search Engine, (14) ResearchBib, (15) Directory of Research Journals Indexing, (16) Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor, (17) Open Academic Journals Index, (18) Ulrich's Periodicals Directory, (19) Scientific Indexing Services, (20) General Impact Factor, (21) InfoBase Index, (22) International Society for Research Activity, (23) Scientific Journal Impact Factor, (24) Scientific Research Publishing Inc, (25) Directory of Open Access Journals, (26) Academic Journals Database, (27) Academic One File, (28) Advanced Science Index, (29) Anthropological Index Online, (30) Anthropological Literature, (31) Anthropology Plus, (32) Asian Education Index, (33) Bibliography of Asian Studies, (34) Compendex, (35) CrossRef, (36) HINARI, (37) Hindawi, (38) Libraries Resource Directory, (39) Impact Factor Search, (40) ResearchGate, (41) SCImago, (42) Scisearch, (43. z/x) Universal Impact Factor.

Шунингдек, жахоннинг икки юзта энг яхши олий таълим муассасаси руйхатидаги олий таълим муассасалари томонидан chop etilgan ilmiy ishlar va maqolalar tuplamida nashr etilgan ilmiy maqola (material)lar mazkur ruyxatga kiritilgan ilmiy nashrlarda chop etilgan maqolalar sifatida qabul qilinadi.

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТУРИСТИК РЕКЛАМА МАТНИНИНГ СТИЛИСТИК ИФОДА ВОСИТАЛАРИ

Исмаилова Лайло Хондамировна  
ТДИУ Хорижий тиллар кафедраси  
инглиз тили ўқитувчиси.

**Abstract:** The article classifies the stylistic and linguocultural features of the national tourist advertising as well as its various functions.

**Key words:** advertising, stylistics, pragmatics, explicit meaning, implicit meaning, tourism, stylistics, destination

**Аннотация:** В статье классифицируются лингвокультурологические и стилистические особенности национальной туристической рекламы а также ее различные функции.

**Ключевые слова:** реклама, стилистика, прагматика, явное значение, скрытое значение, туризм, стилистика, место назначения

Сайёҳлик рекламаларининг долзарб вазифаларидан бири бу тилнинг тасвирий ва ифодали воситалари тизимидан унумли фойдаланиб, халқ маданиятини намоян этувчи туристик дестинациянинг жонли реклама тасвирини шакллантиришдир. Шунинг учун ҳам, бугунги кундаги аксарият сайёҳлик рекламаларида турли лисоний бирликлардан: фразеология ва сўзлашув тузилмаларидан кенг фойдаланишни кузатиш мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги сайёҳлик реклама таҳлиллари шуни кўрсатадики, уларнинг тузилиши ва услубий хусусиятлари бир-биридан сезиларли фарқ қилиши мумкин. Бироқ, лингвомаданий жиҳатдан анчагина фаркланади бу албатта табиий жараён. Бизга маълумки, нутқ товушларининг ифодавий услубий функциясини фонетик стилистика ўрганади. Бу илмда улардан нутқнинг ифодалилигини ошириш ва ундан фойдаланиш йўллари тушунтирилади. Лексик стилистика сўз ва унинг кўчма маъноларини, синоним, омоним, антонимлар каби бирликларнинг стилистик имкониятларини, шунингдек, услубий бўёқли сўзларнинг, ибораларнинг нутқда қўлланишини тадқиқ этади. Сўз шаклларида услубий бўёғи, уларнинг транспозициясини, синонимларнинг маъно оттенкалари асосида юзага келувчи сўз коннотатив маъноларнинг амалга ошиши ҳам шу билан хос тушунча. Қўшимчалар ўртасидаги синонимлик эса морфологик стилистика деб юритилади.

Ҳар қандай матн каби реклама эълонлари матни ҳам барча ички элементлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва муаллифнинг нуқтаи назари билан маълум бир эстетик ва когнитив маълумотларни узатишга йўналтирилган бўлади. Реклама матни лингвистик воситалардан самарали фойдаланишнинг намунасидир, чунки мулоқот давомидаги муносабатлар деярли барча даражадаги тил бирликлари

ёрдамида амалга оширилади. Реклама услуги кўп қиррали бўлиб, юқорида келтирилган журналистик, илмий, илмий-оммабоп, расмий услублар хусусиятлари билан, шунингдек, нутқий ва ишбилармонлик услубларини ҳам бирлаштириши мумкин. Ушбу меъёр ёки танлов реклама моҳиятидан келиб чиқади.

Кўплаб тилшуносларнинг нишонига айланган рекламанинг стилистик вазифалари ушбу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Рекламанинг функционал ва услубий масалаларини кўриб чиқишда реклама матнининг, яъни тилининг хусусиятлари ва реклама тили тушунчасини чуқур англашимиз лозим. Рус тилшунослари Д. Э. Розенталь ва Н. Н. Кохтев «Реклама матнлари тили» қўлланмасида реклама тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлади. Уларнинг фикрига кўра, реклама тилини бажарадиган асосий вазифалар – ахборот бериш ва ишонтиришдир. Тилнинг ва рекламанинг ўзига хослиги ва мақсадга мувофиқлиги таъкидланиб, реклама қилинаётган матнлар шакли ва мазмуни жиҳатдан қисқа ва ишончли ҳамда мантқан тушунарли бўлиши керак дейилади.

Рекламанинг потенциал сайёҳга таъсирида тилнинг услубий жиҳатларидан унумли фойдаланиш жуда муҳимдир. Шунингдек, реклама тилини тилшунослар ўз қарашлари орқали реклама сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи алоқа воситаси сифатида таъкидлайдилар. Лисоний экспресивлик воситалари жуда хилма-хил ва мавжуд тилнинг барча даражаларида юзага чиқади. Рекламанинг ифодали ва эса қоларли даражада яратиш учун копирайтерлар тилнинг лексик ва стилистик бирликлардан, турли хил структуравий ва семантик хусусиятлардан фойдаланадилар. Рекламанинг экспресивлигини таъминлаш учун махсус лексик-стилистик воситалар: таққослаш, метафора, эпитет ва бошқалардан кенг фойдаланиш мумкин.

Метафора сайёҳлик рекламалари тилининг жозибadorлигини таъминловчи стилистик воситаларидан биридир. Сайёҳлар учун жозибали ва қизиқарли бўлган тасвирини яратишда ушбу стилистик воситанинг ўрни беқиёсдир. Метафора сайёҳнинг диққатини тортиб, унинг ҳаёлидан ўрин олиши мумкин. Ундаги ҳиссиётга бойлик ва баҳоловчи хусусиятлар адресатнинг онгига таъсир кўрсата олиши аниқ. Бу орқали сайёҳларнинг дидига таъсир кўрсатиш ва кутилмаган қарорларни қабул қилишга шароит яратиб бериши мумкин. Метафора реклама тузишда энг оммалашган стилистик воситалардан бири бўлиб, у кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айлангани ҳақиқат. Концептуал метафора инсон тафаккурининг табиий қисмидир, лингвистик метафора эса инсон тилининг табиий қисмидир. Қуйидаги мисоллар орқали рекламадаги стилистик воситаларни таҳлил этайлик:

From the colourful leaves to the granite cliffs and trails around every corner, if you take a trip to New England with us, you'll find an outdoor paradise just waiting to be explored. (Агар сиз биз билан Нью-Англияга саёҳат қилсангиз рангли япроқлардан тортиб, ҳар бир бурчак атрофидаги гранит қояларга ва йўлларга қадар, шунчаки тадқиқ этилишни кутаётган очиқ жаннатни топасиз. ). Ушбу мисолда Янги англиянинг табиати, атроф муҳити, гўзаллиги ер юзидаги “жаннат”дек таърифланган. Бу тасвирий восита орқали ушбу дестинациянинг табиати ўта гўзал эканлигини жаннат сўзи орқали ифодаланган. Бу сўз орқали инсонлар одатда беқиёс гўзал

афсонавий боғни ҳаёлга келтирадилар. Бу реклама сайёҳларнинг онгига аффирматив усулда унумли таъсир кўрсатади.

Демак, сайёҳ рекламасининг матни лексик-грамматик ҳамда стилистик грамматик ва лексик жиҳатдан тўғри тузилганига қараб ҳам мамлакатга сайёҳлик ошишини кўпайтириши мумкин. Сайёҳлик мамлакати ҳақида илк тасаввурга эга бўлиши, реклама матни когнитив ҳамда ҳиссий вазифани бажариши миллий реклама яратувчилари зиммасига улкан мажбуриятларни юклайди. Уларнинг олдидаги яна бир муҳим вазифа шуки, бўлажак сайёҳларга маҳсулотнинг лингвомаданий хусусиятларини йўқотмаган ҳолда етказиш билан бирга сайёҳатга чорловчи, ундовчи маъсулият ҳам туради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

**Розенталь, Д. Э. Язык рекламных текстов. М. : Высш. шк. , 1981. – Б.27**

**Матвеева, Т. В. Учебный словарь. – М. : Флинта, 2003. – Б.24.**

**Куликова, Е. В. Рекламный текст: лингвистические приемы выразительности // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского, 2009. – № 6 (2), С. 276–282. URL:<http://cyberleninka.ru/article/n/reklamnyy-tekst-lingvisticheskie-priemyvyrazitelnosti> (дата обращения: 17. 03. 2017)**

**Кошетарова, Л. Н. Рекламный образ в контексте эстетического смыслообразования /Л. Н. Кошетарова //Вестник Челябинского государственного университета. Сер. Философия. Социология. Культурология. – Вып. 15. – 2009. – № 42 (180). – Б.87**

**Электрон ресурлар**

**<https://uzbekistan.travel/>**

**<https://www.barrheadtravel.co.uk/worldwide/usa/new-england>**

## ОТМ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТИЛНИНГ ПЕДОГОГИК ПОТЕНЦИАЛИ

**Худоярова Зиёда. Маратовна**  
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети,  
“Умумий ва аниқ фанлар”  
кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўз-ўзини ривожлантириш компететциясини такомиллаштиришда хорижий тилнинг ўрни ва ахамияти ҳақида сўз юритилган . Талабаларга ўз бўлажак касбий позицияларини, муносабатларини унинг реал ва идеал форматида аниқ кўриш, тушуниш, англашни таъминлаш муҳим ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** Ўқитиш, таълим, психология, педагогика, компететция, кўникма, шаклланиш, ўқув ва интеллектуал жараён, фикрлаш, инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, педагогик технология, лойиҳа, педагогик жараён.

**Annotation:** The main purpose of this article is that improving student's self-motivation in teaching foreign languages . It is important to provide students with a clear vision, understanding, comprehension of their future professional positions in an ideal format.

**Keywords:** Teaching, education, psychology, pedagogy, competence, skill, formation, learning and intellectual process, thinking, innovation, innovation process, innovative activity, pedagogical technology, project, pedagogical process.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается роль и значение иностранного языка в совершенствовании координатора саморазвития. Важно дать студентам ясное видение, понимание своих будущих профессиональных позиций и взаимоотношений в их реальном и идеальном формате.

**Ключевые слова:** Обучение, образование, психология, педагогика, компетентность, умение, формирование, учебно-интеллектуальный процесс, мышление, инновация, инновационный процесс, инновационная деятельность, педагогическая технология, проект, педагогический процесс.

### КИРИШ

Республикамизда олий таълим муассасалари талабаларида ўз-ўзини ривожлантириш копитетциясини такомиллаштиришнинг мустақил фикрлаш, талабаларда фаол фуқаролик позицияси, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ижтимоий-сиёсий воқеликка онгли муносабат, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик сифатларини ривожлантириш, ҳуқуқий тафаккур ва тасаввури ривожланган шахсни камол топтиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “маънавий етук, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, ватанга содик, қатъий ҳаётий фуқаролик позициясига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини куриш йўлида фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш” каби муҳим вазифалар илгари сурилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Бугунги кунда Олий Таъли Муассасасида таҳсил олаётган талабадан тинимсиз ривожланиш талаб этилмоқда, унинг интеллектуал, ақлий ва ижодий қобилиятларини очиш ва намоён қилишга қулай имкониятлар яратилмоқда. ОТМда хорижий тилларга ўқитишнинг энг муҳим мақсади талабаларда шунчаки тил ва коммуникатив компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш эмас, балки уларни хорижий тилни уларда ўз шахсий, касбий ва ҳаётий маъно, келажаги, тақдирларини белгилашларига бўлган қобилиятни очишдан иборат. Бу хусусан, меҳнат бозорида юқори даражадаги рақобат билан ҳам боғлиқ, зеро кўп ҳолларда Олий Таълим Муассасасининг ҳар бир битирувчиси ҳам ўз ихтисоси бўйича иш топа олмайди. Хорижий тилни билиш ўз рақобатбардошлик даражасини ошириш, ва ўз касбий ютуқларига эришиш учун имкониятларидан бири бўлиши мумкин. Хорижий тилга ўқитишнинг мазмунини касбни ўзлаштириш билан боғланади ва кейинчалик, касбий мотивацияни шакллантириш асосида ўз ҳаётининг маъносини белгилашга бўлган қобилият ҳам ривожланади.

ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларини такомиллаштиришда уларнинг касбий шаклланишининг ҳам энг муҳим қисмига айланади. Хорижий тилни ўрганиш шароитларида талабаларнинг умуминсоний ва маданий қадриятларини ўзлаштиришга ҳам, уларнинг ўз шахсий ва касбий ўз маъқеи, ўрни, келажаги, тақдирини белгилаш имкониятларини очиш ва англаш, тушунишга йўналтирилган. Шу муносабат билан ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларининг такомиллаштиришда хорижий тилнинг педагогик потенциалини ўрганишда, хорижий тилни ва уни қўллашнинг амалий малакаларини ўзлаштириш шунингдек талабаларда коммуникациянинг турли даражаларида маданиятлараро (масалан, педагогик таълим соҳасидаги хорижий мутахассислар билан) мулоқот билан боғлиқ зарур касбий (професионал) кўникмаларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Бунда, педагогик ОТМда талабаларнинг хорижий тил бўйича лисоний, лингвистик таълимининг тайёрлашнинг мақсадига кўра тил шахсининг шаклланишига қаратилган, ва бу тил коммуникатив компетенцияларни шакллантиришдан ташқари, ёш инсонлар-



да уларнинг дунёқараши ва тажрибасини бойитиш, уларнинг қадрият ориентациялари таянчларини кенгайтириш, ва бунинг асосида уларнинг билиш фаолиятининг шахсий маъно-моҳиятини англатади.

Талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларининг такомиллаштиришда хорижий тилнинг ҳар бир талабада шахсий ва касбий ўз мавқеи ўрни, келажаги, тақдирини белгилаш учун муайян воситалар, имкониятлар ва механизмларнинг мавжудлигини назарда тутадиган педагогик потенциали: шахсий, фаолият ва муносабат компонентлардан иборат бўлиб ташкил топган бўлиши мумкин. Ушбу компонентларни батафсилроқ ўрганиб чиқамиз.

**Шахсий компонент.** Хорижий тилни ўрганиш, унинг бўлажак касбий фаолиятидаги ролини тушуниш, англаш ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ўз ўрни, тақдири, келажаги, мавқеини аниқ белгилашга эришишга бўлган мотивацияни ошириш жараёнининг мақсадга йўналтирилганлиги ва анланганлигини белгилаши, детерминация қилиши мумкин.

Бу ерда иккиламчи тил шахснинг шакллантирилиши каби муҳим жиҳатини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бунда хорижий тил дарсларида талабаларда: хорижий манбалардан зарур ахборотни чиқариб олиш ва унинг таҳлилий жиҳатдан фикрлаб тушуниш, мулоқотда ҳаракатларининг мотивини аниқ ифодалаш малакаси, ўз режаларини асослар, далиллар билан тақдим эта олиш, уларда устувор томонларини аниқлаш ва малакаларини шакллантиради. Бундай малакаларнинг шаклланишини, шакллантирилишини шахснинг ўзини мустақил ташкил қилиши жараёни билан ифодалаш, тасаввур қилиш мумкин, ва агар биринчи босқичда бу билиш фаолияти доирасида амалга оширилса, ундан кейинги босқичларда бу умумий маданиятнинг ривожланиши ва ижтимоийлашув доирасида содир бўлиши мумкин [3].

Шу ерда, хорижий тилнинг ОТМ талабаларида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларининг такомиллаштиришда педагогик потенциали уларда таҳлил ва синтез соҳасида интеллектуал, ақлий потенциали ривожланаётганда уларнинг билиш функцияларининг ривожланишига ёрдам беради, яъни тил ҳодисаларини ўрганишда талабалар уларни таҳлил (разбор) қилиш ва уларнинг алоҳида қисмларини ягона бутунликка синтетик бирлаштиришга ўрганадилар. Амалиётда хорижий тилга айнан коммуникатив ўқитиш мавҳумий фикрлашни (тафаккурни) аввал тизимлаштириш (систематизация) кўринишида. Кейин эса – тил материалини фикрлаб тушуниш кўринишида ривожлангтиради. Хорижий тилнинг билиш дааражасида педагогик потенциали талабада хорижий фикр билдириш, нутқ бирлигини қуриш давомида фикрлаш мантиғининг шаклланиши, яъни мантиқан боғланган нутқ бирлигини қуриш, уни баён қилишнинг изчиллиги, сабаб ва оқибатнинг ўзаро алоқадорлиги, жавобнинг (репликанинг) вазиятдан шартланганлиги ва нутқнинг тўлиқлиги ва ҳоказоларнинг шакллантирилишидан иборат бўлади [1].

**Фаолият компоненти** хорижий тилни ўрганиш ёшларни турли табиатдаги амалий фаолиятга тайёрлашнинг муҳим воситасига айланишидан иборат, чунки ўқитишнинг амалиётга йўналтирилганлиги доим ўқув фаолиятининг асосий

маъно-моҳияти ҳисобланади. Талабаларнинг хорижий тилдаги нутқларининг ривожланишига ҳисса қўшган ҳолда, хорижий тил талабаларнинг лисоний дунёқарашини ҳам кенгайтиради.

**Муносабат компоненти.** Хорижий тилга ўқитишни ташкил қилиш ижтимоий тилшунослар нуқтаи назарига таянади. Ижтимоий тилшуносларнинг фикрича, коммуникациянинг турли даражаларида индивидга ўз фаолиятини турли ижтимоий гуруҳларда мавжуд тил воқеликлари асосида амалга оширишга тўғри келиши туфайли, оламнинг алоҳида қисмларини уларнинг барча мавжуд ўзаро алоқаларида кўриш (тушуниш) малакасини шакллантириш тил омили ёрдамида ҳам муваффақиятли мустаҳкамланади.

### НАТИЖАЛАР

Амалиётдан маълум бўлишича, ўқув фани сифатида хорижий тил профилли, ихтисосга ўқитиш нафақат мақсадларини амалга оширишда ёрдам беради, балки, умуман талабаларда ўз ҳаётининг маъносини белгилашга бўлган қобилиятини ривожлантирида имкониятларни ҳам оширади. Бу эса ўз навбатида, тил ўқитиш (лисоний таълим) талаба шахсининг ривожланишининг яққол кўринадиган ва яширин чизиқларини рағбатлантириш ва унда ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини шакллантиришга ёрдам беради.

Бунда хорижий тил талабаларга уларнинг ҳаётий диапазонларини бошқа мамлакатлардан мисоллар, масалан, талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакатдаги тенгдошларининг ўз ҳаётининг маъносини белгилаш вазиятларини келтириш, сўзлаб, кўрсатиб бериш ёрдамида кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий тилга ўқитишни талабалар нафақат тилни ўрганишнинг у ёки бошқа методларига, балки умуман – хорижий тил маданиятини унинг кенг маънода тушунилишида ўрганишга таянадиган (ориентация оладиган) ўрганилаётган тилнинг маданиятини реал (ҳақиқатан ҳам) эгаллаш шароитларида қуриш муҳим ҳисобланади [5]. Ушбу таълим ресурсини тўлақонли амалга ошириш фақат ўқув жараёнининг барча аспектларига бир-бири билан ўзаро алоқадорликда ва методологик жиҳатдан пухта ўйланган ҳажмларда қаралгандагина бўлишини, уларнинг яхлит ва тизимли қўлланилиши талабаларда ижтимоий компетенцияларни шакллантириш имконини беришини таъкидлаш лозим.

**Талабаларнинг ўқув мотивациясини ташхис қилиш методикаси** (А.А. Реан ва В.А. Якунин ишлаб чиққан, олима Н.Ц. Бадмаева модификация қилган)

**Кўрсатма:** Ўқишга/таҳсил олишга бўлган мотивациянинг мотивларини ўзингиз учун аҳамиятини 5-балли шкалада баҳоланг: 1 балл мотивнинг минимал, 5 балл энг максимал даражада аҳамиятли эканлигини англатади”.

#### Сўровнома анкетаси

Ўзим танлаган касб менга ёққани учун таҳсил оляпман.

Бўлажак касбий фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш ў мақсадида таҳсил оляпман.

Мутахассис бўлишни хоҳлайман.

Бўлажак касбий фаолиятга тааллуқли долзарб муаммоларга/масалаларга жавобтопиш учун таҳсил оляпман.

Ўзим танлаган касбда менга табиат, Худо берган иқтидорлар, қобилиятлар ва мойилликлардан тўлақонли фойдаланишни хоҳлайман.

Дўстларимдан ортда қолмаслик учун.

Одамлар билан ишлаш учун чуқур ва ҳар томонлама билимларга эга бўлиш керак.

Энг яъши/илғор талабалар орасида бўлишни хоҳламан.

Ўқув гуруҳимиз институтда энг яхши гуруҳ бўлишини хоҳлайман.

Қизиқарли одамлар билан танишиш ва мулоқот қилишни хоҳлайман.

Чунки олинган билимлар менга барча керакли/зарур мақсадларга эришиш имконини беради.

Танишларимнинг менинг қобилиятли, истиқболи бор инсонлигимни ҳақидаги фикрлари ўзгармаслиги учун институтни тугатишим зарур.

Ёмон ўқиганлик учун ёмон фикрга бормасликлари ва жазо олмаслик учун (жазодан қочиш учун).

Ўқув жамоасида ҳурматли одам бўлишни хоҳлайман.

Курсдошларидан ортда қолишни хоҳламайман, қолоқлар орасида бўлишни хоҳламайман.

Келажакда моддий жиҳадан таъминланганлигим бушгунги кунда ўқишда ютуқларигма боғлиқ.

Муваффақиятли ўқиш ва имтиҳонларни “4” ва “5” баҳоларга топшириш.

Шунчаки менга ўқиш ёқади.

Институтга кирдимми, уни тугатиш ў учун ўқишга мажбурман.

Навбатдаги машғулотларга доим тайёр бўлиш учун.

Аник/конкрет ўқув масалаларига жавоб тегиш учун кейинги курсларда таҳсилни муваффақиятли давом этиш.

Чуқур ва мустаҳкам билимлар олиш учун.

Чунки келажакда касбим соҳасида илмий фаолият билан шуғулланиш ниятим/фикрим бор.

Бўлажак касбда ҳар қандай билимлар керак бўлиб қолади.

Чунки жамиятга кўпроқ нафим тегсин дейман (кўпроқ фойда келтирмқочиман).

Юқори малакакли мтахассис бўлишни хоҳлайман.

Янги нарсаларни билиб олиш, ижодий фаолият билан шуғулланишни хоҳлайман.

Жамиятнинг тараққиёти муаммолари, одамларнинг ҳаёт фаолиятидаги муаммоларга жавоб беришни хоҳлайман.

Ўқитвчиларга яхши кўриниш мақсадида.

Ота-онам ва атрофдагиларнинг маъқуллашларига (ишларим уларга ёқишига) эришишни хоҳлайман.

Ота-онам ва мактаб олдида ўз бурчимни бажариш учун таҳсил оляпман.

Чунки билимлар менга ўзимга ишонч беради.

Чунки менинг бўлажак хизмат мавқеим, ўрним, ҳолатим ўзқишда муваффақиятларимга боғлиқ бўлади.

Бошқалардан кўра устунликка эга бўлиш учун яхши баҳолар билан диплом олишни хоҳлайман.

### **Натижалани қайта ишлаш:**

Тест натижаларига ишлов беришда сўровноманинг ҳар бир шкаласи бўйича ўртача кўрсаткични ҳисоблаш лозим.

## **МУҲОКАМА ВА ТАҲЛИЛЛАР**

Хорижий тилнинг тарбиявий компоненти унинг воситалари ёрдамида фаол шахсни шакллантиришдан иборат бўлиб, шахс учун ўз-ўзини ривожлантириш маъносини белгилашга эришишнинг зарурлигига муҳимдир. Шу муносабат билан, одамлар орасида коммуникациянинг энг муҳим шакли сифатидаги диалогни амалга ошириш малакаси асосида хорижий тилнинг педагогик потенциали ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияларининг такомиллаштиришда жиддий ҳисса қўшиши мумкин [6]. Бундан келиб чиқиб, ўқитувчи талабаларда бошқа маданиятларга ижобий муносабатини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, зеро ОТМда ижтимоий кўп маданиятли муҳит мавжудлиги ва бу муҳитда ҳам она тили ва ҳам бошқа тиллар ҳам биргаликда қўлланилиши жуда муҳимдир.

## **ХУЛОСА**

Хорижий тилга ўқитишни ташкил қилишда, қуйидаги ҳолатлар ва қоидаларни ҳисобга олиш зарур:

ўқитиш жараёнига шахсга қаратилган ўқитиш методлари ва босқичларини жорий қилиш.

фаол метоодларни қўллашнинг устуворлиги (муаммоли вазифалар, ўқув муҳокамалари, ўйин вазиятлари, ижодий характердаги вазифалар ва ҳок.) [3];

ўқитувчи ва талаба орасидаги алоқа тизимини интерфаол, диалогик жараёнга ўтказиш.

талабанинг хорижий тилни лексик бирликларни қўллаш билимлари ва малакаларининг даражасини аниқлашга қаратилган ҳолда ўзлаштириш сифатини назорат қилиш ва баҳолашнинг зиддиятсиз тизимини ташкил қилиш, чунки бу талабаларнинг ижтимоий шаклланиши учун муҳимдир .

ОТМда хорижий тилни ўқитиш доирасида педагогик потенциали даражасини оширишни моҳиятан ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги ижоди шартидагина доим амалга оширса бўлади. Шу муносабат билан, бўлажак мутахассиснинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёни маданий ўз келажаги, тақдирини белгилаш жараёни ҳам хорижий тилда амалга ошириладиган мулоқот реал воқеа, вазият, ҳодиса табиатига эга бўлган таълим жараёнининг барча субъектларининг маҳсулдор маданиятлараро ўзаро фаолияти ҳолатида янада муваффақиятли бўлиши мумкин.

## **АДАБИЁТЛАР**

1. Nutmacher W. Key competencies for.: Europe // Report of the Symposium Berne, switzerland 27-30 march, 1996. Council for cultural cooperation a secondary education for europe. Strasburg., 1997. С.11
2. Акимова М. Индивидуальность учащихся и индивидуальный подход.- М.: Знание., 1992 г. - 80 с.
3. Алиев А. Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантириш. Илмий иш.: Т-2020 й. 128-б
4. Андреев А. Знания или компетенции?. // Высш. образование в России :н.п.ж. – 2005 г. - №2. - С. 3-11.
5. Бударный А. Индивидуальный подход в обучении // А.Бударный // Советская педагогика. - 1965. - №7. - С. 70 - 83.
6. Муслимов Н. “Қасб таълими ўқитувчисини қасбий шакллантириш-нинг назарий-методик асослари.: дис..пед. фан. док. – Т., 2007

## IMPACT OF ESN: UZBEKISTAN IN THE PROFESSIONAL COMPETENCY OF SECONDARY EFL INSRTOURS

**Imomov Inomiddin Abdulkhamidovich,  
Core Trainer of ESN: Uzbekistan  
Researcher of Ferhgana State University,  
EFL Instructor of Tashkent State University of Economics,**

**ABSTRACT.** *In recent decades our country draws special attention to strengthening learning and teaching foreign languages to our youth targeting forming conditions and the chance for fostering international collaboration and communication, widely and effectively using the advanced achievements of the world civilization and the information sources as well as providing their integration into the world mutual society. The professional knowledge and skills of specialists are the key to success in any field of life. In the education system, it is closely connected with the quality of teachers' pedagogical competency. This article discussed the early results of a collaborative project, entitled «English Speaking Nation: Secondary Teacher Training» between American Councils and the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan with the support of TESOL International Organization and the George Mason University of the US on strengthening Professional knowledge and skills of secondary school English language teachers.*

**Keywords:** *professional competency, Core Trainers (CT), Regional Peer Mentors (RPM), English Speaking Nation: Secondary Teacher Training, student-centered approach.*

Currently, in Uzbekistan, the results of nationwide reforms in the sphere of education create an opportunity for our youth to gain qualitative education in the thousands of newly built modern schools. Presidential schools as well as sports, music and art schools, and higher educational institutions.

In turn, prosperous lifestyle quality and the ratio of our nation, flourishing of the country – all of these have been truly recognized to the international extent and upraising our prestige. The activities realized, based on the motto «Reform is not for reform, reform is for people» have created opportunities for improving the natural capability, talent, knowledge, and gained professional skills of each our citizen as well as his creativity and effectiveness. Hence formed conditions in the field of education in our country serve for bringing up a well-educated, modern, intelligently thoughtful, intellectually and harmoniously developed generation, who get complete professional preparation. If an exemplary specialist knows one of the foreign languages, it will open the door to competing in the world arena. In this concern, the professional knowledge and skills of teachers, especially, foreign language teachers working in educational

institutions are very important for providing effective and qualitative education.

In recent years strengthening teaching and learning foreign languages, particularly English has become a prior task of our country. Therefore, the issue regarding the professional skills of foreign language teachers is characterized as a distinctive interest at the government level.

The reform improving learning and teaching foreign languages - English as well as enhancing English language teachers' professional knowledge and teaching skills have started in 2012, with the implementation of the Presidential Decree on «The measures of strengthening the system of learning foreign languages» creates the basis for reforming on teaching foreign languages in the education system of the country.

Since 2012, many significant changes have been implemented, both learning-teaching foreign languages and enhancing foreign language teachers' professional competency. For instance, at the early stages, based on the new National Curriculum, learning foreign languages in the system of continuous (general secondary, secondary-specialized, higher, and postgraduate) education the requirements for obtaining foreign languages to be indicated for gradulators of all stages of education. At the same time, new curricula for systematically teaching foreign languages starting from the first grade have been approved. The requirements for defining the level of language learning competency of learners developed according to the International measures such as the «Common European Framework of Reference for Languages - Learning, Teaching, and Assessment» (CEFR).

Under the tasks specified in the reforms to improve learning foreign languages and support learners and teachers created a new generation of complex textbooks, which include Student's Book, Teacher's Guide, multimedia resources, and other additional materials.

Teaching foreign languages in the 1st grade is implemented through game-based form and directed to formulating speaking skills, from the second grade systematically formulating reading skills, and acquiring communicative grammar.

One of the main directions specified in the implementation process of the reforms of the country is to strengthen and raise the quality of teaching foreign languages up the new stage by improving the professional knowledge and skills number of foreign language teachers, who work in the general secondary schools.

From 2019 to the present significant opportunities and support were created for English language teachers through the collaborative project between American Councils and the Ministry of Public Education. The project entitled «English Speaking Nation: Secondary Teacher Training» (ESN: STT) was funded by the Public Affairs Section of the US Embassy in Uzbekistan. As I have mentioned above, the project is implemented by the American Councils for International Education in close cooperation with the Ministry of Public Education in Uzbekistan. The ESN: STT Program is targeted to achieve the following objectives:

- To improve Uzbek secondary school teachers' English language skills with the goal of increased fluency and better use of English in the classroom by 2022.
- to improve Uzbek secondary school teachers' student-centered pedagogical skills

by 2022.

- to strengthen the positive perception of Uzbek secondary school teachers inside and outside their communities by 2022.

- to cultivate a supportive ecosystem of teaching and training to attain excellence in English-language teaching by 2022.

The project consists of three phases: In the first phase, more than 90 Core Trainers (CTs) participated in the pieces of training delivered by skillful master specialists of the world-recognized, prestigious organization TESOL International Association (TESOL) and George Mason University (GMU). These pieces of training created an opportunity for the participants to gain new knowledge and skills in the scope of implementing a student-centered approach to teaching English as a foreign language environment, through taking part in the 140-hour online and in-person training TESOL Core Certificate Program (TCCP) and 20-hour practicum the Core Trainers Earn a TESOL Core Certificate.

All CTs attend online TETE and a week-long in-person Training of Trainers (TOT) workshop and work closely with Regional Peer Mentors (RPMs) based on the objectives of the ESN: STT program use and share gained knowledge and skills.

Based on the content learned, from the 4th of March, 2022, every Friday CTs start delivering training for about 900 RPMs and create an opportunity to put into practice the activities learned in the process of the Friday sessions in their lessons.

Such type of mechanism for fostering Professional skills and Pedagogical Competency of foreign language teachers focused on a completely new approach to Professional Development of Personnel, that is, without interposing their work, they can update professional knowledge and skills with the help of specially trained teacher-trainers (as CTs and PRMs) by attending constant operating courses.

Constant base learning courses operate in the base of each RPMs and CTs schools in every district (city) of the republic. Foreign language teachers, who work in the general secondary schools upgrade their professional competency by attending the practical sessions delivered once every week-actually, the methodological day is specified once for each week, based on the approved training program presented by TESOL International Association and George Mason University as well as the Ministry of Public Education adapted to our teaching context

In conclusion, we can state that the main purpose of this program is to enlarge the range of skilled teachers, who can teach foreign languages according to up-to-date demands; use the created opportunities by the government effectively by improving the practical teaching skills of the English language teachers.

The activities implemented on fostering the Professional Competency of English language teachers are yielding positive results. Within a year the number of teachers, who got the certificate approved their Professional proficiency and received the additional bonus for their monthly wages increased. At the same time, the results of Olympiads on foreign languages and monitoring of pupils' knowledge proficiency, conducted every year at the national level specified reasonable growth of teaching foreign languages at schools in the country.



THE PROBLEMS OF TEACHING TO EFFECTIVNESS OF SPEECH  
 МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕЧИ  
 НУТҚИЙ ТАЪСИРЧАНЛИККА ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Samigova Khushnuda Botirovna,  
 The Uzbek State World Languages University  
 Doctoral student of the translation theory  
 and practice department

Самигова Хушнуда Ботровна  
 Старшая научная сотрудница кафедры  
 теория и практика перевода УзГУМЯ  
 Самигова Хушнуда Ботровна  
 ЎзДЖТУ таржима назарияси ва  
 амалиёти кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси

**Key words:** *rhetoric, speech culture, teaching methods, eloquent and effective speech, the English and Uzbek languages.*

**Ключевые слова:** *риторика, культура речи, методы обучения, обучать студентов, выразительная и эффективная речь, английский и узбекский языки.*

**Таянч сўзлар:** *риторика, нутқ маданияти, ўқитиш усуллари, ифодали ва таъсирчан нутқ, инглиз ва ўзбек тиллари.*

**RESUME.** *The purpose of this essay is to discuss how to teach rhetorical aspects based on speech culture. The author provides a definition for rhetoric. She also highlights the significance of rhetoric in everyday communication. The purpose of this article is to expose strategies for teaching students to speak more effectively, as well as to promote and broaden students' interest in speech culture and effective speaking.*

**РЕЗЮМЕ.** *В статье автор рассматривает проблему, посвященную к обучению риторического аспекта культуры речи. Автор приведя семантическое значение термина риторики, указывает на важность риторики в повседневном речевом акте. Она высказывает методы обучения риторики студентам для развития их речи, а также делиться с заключениями своей научной работы для развития интереса студентов о риторическом аспекте и культуры речи.*

**РЕЗЮМЕ.** *Мақолада нутқ маданияти риторик аспектини ўқитиш муаммосига эътибор қаратилган. Автор риторику атамасини изоҳлаб ўтиш билан бир қаторда, унинг ҳозирги кундаги аҳамияти борасида ҳам сўз юритиб ўтади. Автор келажак авлоднинг, хусусан талабаларнинг нутқ маданиятига бўлган эътиборини, нутқ таъсирчанлиги борасидаги билимларини янада ривожлантириш борасидаги муаммонинг ечимини топиш мақсадида ўзининг тадқиқот ишининг*

*илмий хулосалари билан ўртоқлашади, мазкур масала бўйича ўз таклифларини бериб ўтади.*

Many linguists have studied the topic of «rhetoric» in other languages, however the teaching methods of the rhetoric element to pupils learning English have not been well studied by scientists. The purpose of this article is to illustrate rhetorical teaching approaches and to demonstrate teaching strategies that will assist students in speaking more eloquently in both English and Uzbek.

We'd like to start by providing some definitions for the phrase rhetoric. This phrase is defined in a variety of ways by various sources. According to dictionaries, rhetoric is: 1) the art of effectively using words in speaking or writing, skill in the effective use of speech; 2) public speaking designed to persuade; 3) showy, bombastic language; 4) artificial eloquence, language that is showy and elaborate but largely empty of clear ideas or sincere motion; 5) the art of swaying an audience through eloquent speech; 6) it can also include the study of writing or speaking as a means [1,70], [2. 554,] [3. 387], and [4].

Rhetoric is the study and practice of effective writing and speaking, as well as the ability to compose successful writing and presentations. The essential skills of advanced learning and higher education are taught through rhetoric. Students learn to think logically, identify false or weak arguments, create a strong case on a contentious topic, and overcome the all-too-common fear of public speaking in order to produce well-prepared speeches in Rhetoric classes. Rhetoric is a critical component of a solid education, whether it is followed by engineering, English, or entomology studies. Academic student achievement in any discipline and field requires clear thinking, good argument, and rational discussion. The higher your grade, the better your essays are. Your academic success is directly proportional to the quality of your presentations. The better your education, the more you will be able to examine and analyze what you read and learn in Music, Mathematics, and Modern Languages.

In its long and illustrious history, rhetoric has been defined in a variety of ways, served a variety of goals, and encompassed a vast range of topics. Despite this, it has retained its core identity as a discipline for student training throughout the most of its history.

In rhetoric, the speaker must be able to persuade listeners by skillfully using words. The rhetor's primary goal is to influence others with his positive thoughts, desires, and intentions.

Rhetoric has been defined in a variety of ways, served a variety of aims, and covered a wide range of themes over its long and storied history. Despite this, for the most part, it has maintained its essential character as a discipline for student training.

In rhetoric, the speaker must be able to persuade listeners through the use of effective language. The basic purpose of the rhetor is to persuade people through his positive thoughts, desires, and intentions. We present the following verbal tactics [5] utilized by rhetors in various settings as an example: «Will you help starving children today by adding \$3 to your shopping bill?» she asks a cashier at the grocery store.

In order to induce a consumer to buy a specific brand of insurance, an insurance advertiser may utilize rhetoric to make it appear like the buyer will receive less service or support in the event of severe property damage. «Can I add some of our excellent sweet potato fries to your meal for a dollar more?» says the server at a restaurant. When a medication commercial claims that more people pick its medicine over a competitor's, it is engaging in hyperbole that is a logical fallacy, because the fact that more people bought the drug does not imply that it is more effective or worthwhile. A commercial for a children's food product that proclaims «Moms who love their children, buy this» employs hyperbole.

A commercial for a children's food product that says, «Moms who love their children, buy this,» use rhetoric to persuade parents that not buying that brand of product implies they don't care as much for their children.

In all of the preceding cases, the speakers attempt to persuade the listeners by employing various types of sentences that can elicit a response from the audience. Rhetoric is where the theory of constructing a compelling speech is learned and taught. Knowing the rules and tactics for delivering an articulate and effective speech allows students to advance successfully in their professional careers.

The above-mentioned term is not well-known among all students, and we currently encounter many students who struggle to articulate their thoughts and opinions. They are unable to communicate properly or eloquently. So, how can we address this problem at our universities? Although the component of Speech Culture is taught at colleges, the lecturers' primary concentration is on the theoretical portion of the course. However, the scientist has yet to adequately sort out the practical side of this element. How can pupils who are unable to communicate successfully in their native tongue provide an impressive speech in English? We've listed several simple solutions to this problem below.


The first approach is to encourage kids to read more texts. A favored and crucial feature of rhetoric is extensive reading. By reading as much as possible in a variety of subjects, kids can improve their reading speed and vocabulary. Choose the identical text in two languages that has anything to do with speech culture, rhetoric, effective speech, politeness phrases, and so on. The students will learn a great deal not only about rhetoric, but also about speech culture and effectiveness in various languages. They will be able to compare these languages' national characteristics in terms of speech culture. In class, compare the national and cultural characteristics of rhetoric and have students identify the distinctions between the two languages.

Allow students to read aloud passages about speech culture or another topic while standing in front of a mirror. Make a recording or videotape of the pupil and critically examine the results. Allow them to focus on their tone, pitch, pauses, signals, projection, enunciation, and posture. Allow students to read as many diverse texts in the English and Uzbek languages as they can to improve their reading speed and vocabulary. Students will improve their reading comprehension and have a better understanding of rhetoric and speech effectiveness as a result of this approach.

Paraphrasing is the following phase. It is a beneficial activity that helps students

improve the mental abilities required for eloquent communication [6]. It compels him or her to read ahead of time and answer issues fast; it also encourages him or her to concentrate on meaning rather than words. Paraphrasing is a good vocabulary-building activity that he should do on a regular basis, even after he feels confident in his ability to talk properly. Furthermore, paraphrasing is a useful problem-solving method; if a person is having problems remembering a word, he or she can paraphrase it. Allow them to mentally paraphrase it in the first language, then in the second. However, it's crucial to keep in mind that paraphrasing is a useful learning tool and mental exercise.

The next step in improving the students' speech is to provide information in both languages on the most commonly used topics or language terms. A speaker and a listener are the two participants in a speech, as we all know. In rhetoric, a speaker strives to utilize eloquent and effective speech in order to persuade his listeners by employing various language tactics or by selecting diverse topics in order to pique the listener's interest in a certain notion or to persuade them to believe in the speech. The following information is based on our research and the findings of surveys administered to native speakers of both languages:



We can see the primary subjects in two languages, as well as their frequency percentages, in the chart above, which the presenters employ in their speeches to persuade the audience. In English, we can see that speakers primarily utilize words and phrases that demonstrate respect for the listener (16 percent) (Mr., Mrs., Miss, would/could/will you, and so on). They always respond to a question from a listener by respectfully using the word please (14%), and they focus on human rights in their discourse (You have no right/I will contact the cops (14%). In their speeches, they primarily mention human rights (You have no right/I will contact the cops (14

percent)). Religious expressions (It is sin (1 percent), blessings (God bless you and ets. (1 percent), and public opinion subjects (What will the neighbors/relatives think / It is a shame and ets. (0 percent) are among the topics they use the least.

Meanwhile the most used topics in Uzbek are the the public opinion topics (Эл-юрт нима дейди? Уят бўлади ва б. (13%)), religious phrases (Савоб бўлади/ гуноҳидан кўрқиш керак ва б. (11%)), blessings (Барака топ, умринг узок бўлсин, тану жонинг соғ бўлсин ва б. (10%)). The least used topic in Uzbek is to remember the human rights in their speech (Полиция чақираман, ҳаққим бор ва б. (2%)).

After providing this type of material, we can ask the students to complete the practical tasks that will assist them in becoming more eloquent in their speech. We've included some short dialogues in both languages below. The students' objective is to locate the key subjects that the speakers used to persuade the audience in these languages:

*One day a gentleman visited us. His name was Mr. Quinion. Mr. Murdstone called me into the room to meet him. "David," he said, "a young boy should not waste time, doing nothing. You must do some useful work. Mr. Quinion manages the wine business of Murdstone and Grinby. He is going to take you to London today and give you a job." So at the age of ten, I began to work for my living [7, 33].*

*Мадрасада ўқиганимизда ҳамма нарса худодан, бой, камбағал бўлиш ҳам худодан деб билардик. Мана, Тожи парини севган эридан жудо қилдилар – бу ҳам худодан, Муҳаммад баччақулоқни дорга осдилар, онаси дор остида жон берди. Сафар чиканакни бошини ерга қилиб осиб қўйдилар – буни ҳам худодан деб билар эдик... Аммо бир кун мен домламиздан сўраб қолдим:*

- Агар ҳамма нарса худодан бўлса, оламни худо яратган бўлса, у ҳолда...
- Хўш, бу билан нима демоқчи бўласан? – деди домла менинг гапимни шартта бўлиб.
- У вақтда худонинг ўзини ким яратган?
- **Шаккоклик қилма, кўфур бўласан!**

*Домланинг жаҳли чиқди. Қаҳр-газаб билан менга ўқрайиб бир дақиқа тўхтаб олди. Сўнг:*

– **Юрсангиз ҳам, ўтирсангиз ҳам худони унутманг, шайтон васвасасига учманлар, – деди домла [8. 543.].**

This type of assignment will aid students in determining which topic to chose in order to make an impression on the listener in both languages.

To summarize, comprehensive reading, paraphrase, and knowledge of the essential issues that may affect the listener are all crucial in rhetoric. Teaching pupils how to do the above-mentioned exercises will make it much easier for them to improve their speaking effectiveness. It will also assist them in overcoming their anxiety of speaking in public and in informal settings, which is all too frequent. Conducting linguistics research like this can help us better comprehend the national and cultural differences between the English and Uzbek languages and speech cultures.

### Literature:

1. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари риторик аспектининг лингвокультурологик хусусиятлари // Филология масалалари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2014. – №

3-4.

2. Ожегов С.И. Словарь Русского языка. – М.: Русский язык, 1987.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007. Ж. 3.

4. William D. Halsey School Dictionary. – New York, Macmillan Publishing Co. Inc. – P. 782; Webster's II New Riverside Desk Dictionary for Home, School, Office. – Boston, New York, Muffin Company, 1988. – P. 360; Webster's New World Dictionary of American English. Third College Edition. – New York, USA. Webster's New World, 1989. – P.1151; Collins Co build English Language Dictionary. – Glasgow, Harper Collins Publishers, 1992. – P. 1245; Webster's Third New International Dictionary of English language. Unabridged. – USA, Merriam Webster Inc. Publishers, 1986. – P. 1120.

5. [studymode.com/course-notes](http://studymode.com/course-notes)

6. [roch.edu/people/nugalde/...](http://roch.edu/people/nugalde/)

7. Dickens Ch. David Copperfield. – United Kingdom: Nelson, 1992.

8. Safarov N. Navruz. – Т.: Adabiyot va san'at, 1977.

## ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ ОШИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РОЛИ

**Қодиров Нажмиддин Неъматович**  
**Тарих фанлари номзоди, доцент**  
**ТДИУ, кафедра муdiri**

**РЕЗЮМЕ:** мақолада мамлакатимизнинг янги тарихи даврида шаклланган сиёсий партияларнинг ислохотлар жараёнидаги фаолияти ва унинг ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқлик жиҳатлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** сиёсий партия, кўппартиявийлик, давлат, ёшлар, фуқаролик жамияти, ижтимоий фаоллик, демократик ислохотлар.

Ўзбекистон Республикаси энг янги тарихи шаклланиши даврида вужудга келган кўппартиявийлик тизими мамлакатимиз ёшлари ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Сиёсий партиялар фаолиятида ёшларнинг фаол иштироки, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар мазмуни, мақсади ва амалга ошириш механизмлари ривожига билан бевосита боғлиқдир. Ёшларни сиёсий партиялар ишига жалб қилиш, партиялар фаолиятининг демократик жамият ижтимоий иқтисодий тизимида чуқур ўрин эгаллашида, ижтимоий қатламлар билан бевосита алоқасининг ривожига ва партиялар орасидаги рақобатбордошликни оширувчи омиллар сирасига киради. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига, партияларнинг жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳалардаги ролининг юксалишига алоҳида эътибор берилди. Бу устувор йўналиш 1991 ва 2016 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунларда ҳамда 2014 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2124-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ЁИХ Васийлик Кенгашининг 2015 йилдаги 40 ва 65-сонли баёнлари билан тасдиқланган дастурларда ўз аксини топди. Мазкур қонунлар, қарор ва дастурларни амалдаги ижроси келажагимиз кафолати бўлган ёшларимизни сиёсий онгини устириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, амалга оширилаётган ислохотларни англашлари, уларда миллий ўзлик ва миллий ғурур тушунчаларни юксалтиришга ҳуқуқий замин яратиш билан биргаликда бу жиҳатларни амалга оширди. Ушбу жараёнларда сиёсий партиялар ва, айниқса, уларнинг ёшлар қанотлари фаол иштирок этиб келмоқда.

Демократик ислохотлар натижасида сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асоси вужудга келтирилди ва мунтазам суратда такомиллаштирилди. Қайд қилиш лозимки, “кўппартиявийлик” тушунчаси бир мамлакат ҳудудида икки ёки ундан ортиқ сиёсий партиянинг мавжуд бўлиши, уларнинг қонуний фаолият олиб бориши ва ҳокимият учун курашда иштирок этишидан иборат сиёсий ҳолат ва жараённи ифодалайди. Ушбу жараён ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва барқарор ривожлантириш, халқ ҳокими-

ятчилигини ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда халқ хоҳиш ва иродасини ифодалаш, фуқаролар, жумладан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир. Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ёшлари фаоллиги, ҳуқуқий имкониятлари асосида сайловлардаги иштироки, давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг муҳим воситаси, қабул қиладиган қарорлар мазмунини демократлаштириш, уларни ёшлар томонидан эътироф этилишини таъминланишга хизмат қиладиган фуқаролик жамияти институти сифатида олиб бораётган фаолияти ҳам кўппартиявийликнинг яққол намунасидир.

Мамлакатимиздаги кўппартиявийлик сиёсий партияларнинг давлат органлари фаолиятини назорат қилишни амалга оширувчи жамоатчилик институти ҳамда ёшлар ижтимоий фаоллиги юксалиши учун ҳаракат қиладиган ва уларни сиёсий жараёнларга иштирок этилишини таъминлайдиган бирлашма эканлигини таъкидлаш лозим. Шунингдек, мавжуд сиёсий партияларнинг демократик сайловларда ёшлардан сайланган вакиллари орқали дастурий мақсадларини амалга ошириш учун парламент фаолиятига, ижро ҳокимияти ишига таъсир кўрсата олиш имконияти ҳам кўппартиявийлик тамойилининг белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз юритиб “Партиялар фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз, деб таъкидлайди.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг фуқаролик жамияти ривожланишида онгли равишда иштирок этишида, унинг маълум ижтимоий, иқтисодий соҳада вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳаракатида намоён бўлади. Ижтимоий фаоллик, ёшларда, ижтимоий онгнинг шаклланиши билан боғлиқ фундаментал тушунча бўлиб, фуқаролик жамиятининг муҳим меъёрларидан бирини ташкил этади.

Фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ёшларининг ижтимоий фаоллиги турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, ушбу жараён мазмунига кўра унинг конструктив ва деструктив турлари учрайди. Ёшларининг конструктив ижтимоий фаоллиги шунда намоён бўладики, улар муайян ижтимоий муаммолар билан учрашганда уларни мавжуд ижтимоий тизим ва ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида ҳал қилади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги мавжуд қонунлар асосида ўз манфаатларини ҳимоя қилишида ифодаланади, шунингдек ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун жамоат бирлашмалари тизимидаги бевосита иштирокида, жумладан сиёсий партиялар фаолиятида ўз аксини топади.

Ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳияти ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда етишиб келаётган ёш авлод-ни глобаллашув даврида турли ёт ғоялар таъсири ва турли таҳдидлардан асраш, уларни замон талабаларига мос шахс сифатида шакллантириш мамлакатимизда устувор йўналиш сифатида белгиланган. Хусусан, мазкур йўналишда 2016 йил 14



сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли қонуни муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур қонун ҳар томонлама бугунги ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилишлари ва қобилиятларига қараб соҳалар бўйича ўз фаолиятларини олиб бориши ва улкан зафарларни қўлга киритишлари, ўз фаолиятини ривожлантиришлари орқали жамият ва давлат раванқига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун катта ҳуқуқий замин яратди.

Демократик ва ҳуқуқий давлатни қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш мавжуд ижтимоий муаммоларнинг тезлик билан бартараф этилишини аниқлатмайди. Бунда шундай ҳуқуқий тизим назарда тутиладики, унинг доирасида вужудга келадиган ижтимоий, иқтисодий муаммолар барча ижтимоий қатламлар манфаатлари мутаносиблиги сақлангани ҳолда, жамият аъзолари, шу жумладан ёшларнинг ижтимоий фаоллиги асосида ҳал қилинади. Демократик ислохотлар чуқурлашуви даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, фуқаролик жамиятдаги ўрнини аниқлаш воситаси ҳисобланади. Ёшлар ижтимоий фаоллиги маданияти, шахс умумий маданиятининг узвий бўлагидир. Ёшларнинг ислохотлардаги иштироки, улар фаолияти жадаллиги, уларнинг ижтимоий фаоллик кўрсаткичи сифатида эътироф этилади. Шундай экан, ижтимоий фаоллик ёшларнинг фуқаролик жамияти шароитида, фуқаролик институтлари фаолиятида иштирок этиб, муайян фаолият тури билан банд бўлишининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар тарихи далолат берадики, кўппартиявийлик туфайли мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларга тенг ҳуқуқий имкониятлар, улар орасида жамиятнинг барча қатламлари вакиллари иштирок этишига шароит яратиб берувчи конструктив рақобат муҳити ва мунтазам сурагда ўзларининг сафига ёшларни жалб қилиш учун тенг ҳуқуқий асос яратилган. Бундай шароитда сиёсий партиялар фуқаролик жамияти ривожланишида муҳим роль ўйнайди ва уларнинг фаолияти келажикда, энг муҳими жамиятда ўтказилаётган ислохотлар қўламида муҳим аҳамият касб этувчи қатлам ҳисобланган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширувчи омиллардан ҳисобланади.

Ёшларни қамрови кенг бўлмаганлиги ҳолатида бўлса-да, айрим сиёсий партиялар ўз фаолиятида ёшларнинг илмий асосланган, ислохотлар мақсадидан келиб чиқувчи мустақил фикрлари, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларда иштирокини таъминловчи, тадбиркорлик, илмий ишланмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш соҳасига доир лойиҳаларини ифодаловчи трибуна ролини бажармоқда. Шунингдек, ёшлар вакиллари томонидан илгари сурилаётган ушбу илғор ғояларнинг ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда ижро этилишини таъминланишига ёрдам берадиган муҳим восита сифатида намойён бўлмоқда. Сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти аъзолари партия пленумлари, қурултойлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида қатнашиб мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини, демократик жараёнларнинг чуқурлашуви эканликларини аниқламоқда. Ёшларнинг сиёсий партиялар сафидаги фаолияти партия матбуотида ёритилиши уларнинг ислохотларда иштирокини фаоллаштирувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Лекин,

шунга қарамасдан партияларнинг мазкур фаолиятлари етарлича кенг қамровга эга бўлмай, уларнинг ёшлар фаоллашуви доирасидаги фаолиятида салмоқли кўрсаткич бўла олмайди .

Мамлакатимиз ёшларининг илғор вакиллари партиялар сафидаги аъзолигидан самарали фойдаланиб, давлатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган қонунларни такомиллаштириш, уларга мамлакат тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, ижтимоий, иқтисодий ривожланиш босқичлари илгари сураётган вазифаларни англаган ҳолда, мавжуд, амалдаги қонунларга янги моддаларни киритиш бўйича таклифлар киритмоқдалар, уларни бозор иқтисодиёти шароитига мос равишда такомиллаштириш ҳақида ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этишга қарор қилган ёшлар вакиллари, сиёсий жараёнлардаги иши билан ўз биографиясидаги ижтимоий фаоллигини такомиллаштириш, уни мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар кўламида дастлабки синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлади. Турли касб эгаларига мансуб бўлган ёшларнинг сиёсий партиялар сафига қабул қилиниши кўшпартиявийликнинг давлатимиз ривожидagi, унинг заминидa содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларда ёшлар иштирокини таъминловчи муҳим бирлашмалигидан далолатдир. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва барча жабҳаларнинг модернизациялашувида муҳим ўрин эгаллайдиган ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ёшларимизнинг доимий эътиборида бўлмоқда . Ёшлар вакилларининг сиёсий партиялар дастурлари, меъёрий ҳужжатлари билан яқиндан танишиши уларнинг фуқаролик жамияти ривожланиши давридаги фаолиятини чуқур ўрганиш учун имконият яратади ва пировард натижада ёшларнинг ислоҳотлар кўламидаги фаоллиги таъминланади.

Сиёсий партиялар фаолиятида ёшларнинг фаоллиги ошиб бораётганлиги, сиёсий партияларнинг электорат билан биргаликда ўтказаетган, маънавий маърифий йўналишдаги тадбирларда, ёшлар фестивалларида, спорт мусобоқаларида, давра суҳбатлари, санъаткорлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ижодий кечаларда намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда атроф муҳит тозаллиги, кўкаламлаштириш, экологик муҳитни соғломлаштириш бўйича ишлар мунтазам амалга оширилади, ёшларнинг бундай мақсадда ташкил этилаётган тадбирларда фаол қатнашиши, уларнинг ижтимоий иқтисодий мазмундаги ислоҳотларга ижобий мунособатини билдиради. Сиёсий партия дастурида ифодаланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида учраётган камчилликларни бартараф этишга мансуб таклифларни киритилаётганлиги улар ижтимоий фаоллигининг юксалаётганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ишига ўзларининг муҳим ҳиссасини кўшади, айниқса жамиятдаги табақалар орасидаги мувозанатни сақлаш, ўзларининг дастурларида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш билан биргаликда, ёшларнинг манфаат, мақсад ва эҳтиёжларини рўёбга чиқиш ишига ҳам хизмат қилади.

Сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жойларда-

ги ижтимоий аҳамиятга молик долзарб вазифаларни ҳал қилишдаги ишига, жумладан ушбу фаолиятда ёшлар вакилларининг иштирокига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятининг очиклигини таъминлашда партияларнинг ахборот хизматларининг ўрни ва ролини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишида ёш ижодкорлар фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги даврда сиёсий партиялар томонидан фуқаролик жамияти ривожланишининг турли жиҳатларига бағишланган тадбирлар ўтказилишида ёшлар асосий роль ўйнади. Илмий изланишлар натижалари кўрсатадики, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда асосий воситачи сифатида иштирок этиши, ёшларнинг ижтимоий манфаатларини амалга оширишга жалб қилишга кўмаклашувчи фуқаролик жамиятининг институтлари сифатида сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни кучаяётганлиги ва мустақамланаётганлиги кузатилмоқда. Фуқаролик жамияти ривожланиши давридаги муҳим ижтимоий, иқтисодий масалаларни ҳал этишда сиёсий партияларининг роли ва аҳамиятининг, давлат органлари, жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганлигининг таъкидлаш лозим .

Ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи мавжуд сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳар сиёсий партияда ёшлар масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлимлари мавжудлиги бунга далил бўла олади. 2016 йил декабрь ойида Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини аниқлаш мақсадида Етакчи ёшлар маркази томонидан 7000дан ортиқ респондент(ёшлар)лар иштирокида социологик тадқиқот ўтказилди. Унинг натижалари таҳлил этилганда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги баҳолар эканлар, аксарият респондентлар (38,8%) улардаги фаоллик даражаси ўртачалигини қайд этиб ўтишган. 18,3% респондент ёшлардаги ижтимоий сиёсий фаоллик фақат ўқув ва иш жойларида намоён бўлаётганлигини эътироф этиб ўтишган. 17,7% респондентлар ёшларнинг фаоллигини юқори баҳолашган. Ёшларнинг фаол бўлишига айнан қандай омиллар тўсқинлик қилаётганини аниқлашда 26,2% респондентларнинг фикрига кўра ёшлардаги сиёсатга нисбатан лоқайдлик уларнинг фаол бўлишларга тўсқинлик қилаётган экан. Иккинчи ўринда сиёсат билан шуғулланаётган сиёсий партиялар томонидан олиб борилаётган тарғибот даражасининг суст даражада эканлигини тўғрисида билдирилган фикрлар диққатга сазавор.

Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда энг катта эътиборни жойларда сиёсий билимни оширишга қаратилган машғулотларни ривожлантириш тўғрисида 31% респондентлар, 27% сўров иштирокчилари сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қаноти фаолиятини кучайтириш лозимлигини таъкидлашган.

Яна бир эътиборли жиҳат 32,9% респондент ёшлар партияларга аъзо бўлишга ҳаракат қилаётганлиги, 32,5% респондент бундай ҳаракатнинг паст эканлигига диққатни қаратмоқчи бўлганлар. 22,9% респондентлар эса ёшлар ўртасида сиёсий партияларга аъзо бўлишга интилиш йўқ, деган жавобни қайтаришган. Тадқиқот давомида ЎзЛиДеП ёшлар орасида оммабоп эканлиги маълум бўлган .

Тадқиқот давомида респондентларнинг 59,8 фоизи сиёсий партиялар аъзоси эмаслиги, бугунги кунда партияларнинг фаолияти ёшларнинг қизиқиш ва манфа-

атларини рўёбга чиқаришда сусткашликка йўл қўяётганлигини, партиялар ёшлар қанотлари фаолиятини тубдан яхшилаш, ёшларга йўналтирилган лойиҳа ва тадбирлар кўламини кенгайтириш зарур эканлиги аён бўлади.

Ўтган давр ичида хорижий давлатларнинг ёшлар сиёсати бўйича илғор тажрибасини Ўзбекистон шароитида қўллаш, ёшлар ўртасида тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 13 та хорижий ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистон 2018 йилда ШХТ Ёшлар кенгашига, 2020 йилда МДХ Ёшлар масалалари бўйича кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда айни пайтда 800 дан ортиқ нодавлат нотажорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, ёшларнинг жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялардаги фаоллиги суст даражада қолмоқда. Ёшларнинг сайлов жараёнлари, сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятидаги иштироки ҳолати бу борадаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда .

Бу борада сиёсий партияларнинг “Ёшлар қанотлари” ўз фаолиятини янада тақомиллаштириб, ушбу жараёнларда зарур бўлса етакчилик қилиши лозим. Шу жумладан, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар ёшларга оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган манзилли ва мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш, вояга етмаганлар, қизлар ўртасида эрта никоҳ ва эрта туғруқларнинг олдини олиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, ёшлар билан, айниқса, уюшмаган ёшлар билан очик мулоқотлар ташкил этиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, музей, театр ва бошқа маданий-маънавий масканлар, илм-фан, спорт ва амалий санъат тўғрақларига фаол жалб этиш орқали баркамол авлодни тарбиялаш масаласига эътибор қаратмоғи даркор .

Сўнгги йилларда ёш авлодга нисбатан эътибор кучайди. Хусусан, 2017–2020 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган 50 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи янги тузилмалар ташкил этилди.

Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Олий Мажлис Сенати қошида 100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат Ёшлар парламентлари, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия шулар жумласидан. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2019 йилда ўтказилган сайловларда сайланган жами депутатларнинг 6 фоизини, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг эса 10 фоизини ёшлар ташкил этди .

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг, миллий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини тақомиллаштиришга, олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосла-

рини кучайтиришга, сиёсий партиялар фаолияти очиқлигини таъминлаш учун шароит яратишга йўналтирилган ислохотларда ёшларнинг иштирокини таъминлашга эътибор қаратилаётганлиги, демократлик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилгандир. Бугуни таҳлиллар сиёсий партиялар томонидан ёшлар ҳаётига бевосита дахлдор бўлган кўпгина масалалар қаторида ёш тадбиркорларни қийнаётган муаммолар ечимида етарлича фаол эмаслигини намоён этмоқда. Бу ҳолат сиёсий партиялар томонида “Ёшлар қанотлари” фаолиятини такомиллаштириш, уларни юртимиз ёшлари муаммоларини ечимларига йўналтиришга жиддий эътибор қаратишга ундайди.

Мазкур ишларни самарали ташкил этиш учун сиёсий партиялар томонидан бошқа нодавлат ноижорат ва давлат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорликни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, “Ижтимоий фикр” маркази билан яқиндан ҳамкорликни амалга ошириш, сиёсий партиялар томонидан ёшлар билан интерактив алоқа ўрнатиш ва шу орқали ёшлар муаммолари ечимида, уларни ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишда ўз иштирокини кенгайтириш ҳамда бу борада кўпроқ самарага эришиш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш принципларини янгилаш, бу борада янгича ёндашувлар асосида алоҳида стратегия ишлаб чиқишлари ва иш олиб боришлари ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги улар фаолиятида юқори самарадорликка эришишга сабаб бўлади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАЛАБАЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Худоярова Зиёда. Маратовна  
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети,  
“Умумий ва аниқ фанлар”  
кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ўз-ўзини ривожлантириши компететциясини такомиллаштиришида хорижий тилни ўқитиши жараёнини талабаларнинг бўлажак касбий фаолиятларида ўз ролини аниқ англашларини ривожлантириши, ва ўз касбининг хорижий тилни ўрганиши билан алоқаларини мустаҳкамлашга бўлган мотивацияни ошириши ҳақида сўз юритилган .

**Калим сўзлар:** Ўқитиши, таълим, психология, компететция, кўникма, шаклланиши, ўқув ва интеллектуал жараён, фикрлаш, инновация, инновацион жараён, инновацион фаолият, педагогик технология, лойиҳа, педагогик жараён.

**Annotation:** This article discusses the process of teaching a foreign language in improving self-development competencies, developing students' clear understanding of their role in future professional activities, and increasing motivation to strengthen the connection of their profession with learning a foreign language.

**Keywords:** Teaching, education, psychology, competence, skill, formation, learning and intellectual process, innovation, innovation process, innovative activity, pedagogical technology, project, pedagogical process.

Маълумки, педагогик шарт-шароитларида шахсни ривожлантириш учун ташкил қилинадиган ташқи омиллар, ўрганилаётган ҳодисанинг ички моҳияти билан табиий равишда бирлашишини муҳимдир.

Инсон ҳаётининг маъносини белгилашга бўлган қобилиятини педагогик қўллаб-қувватлаш тизими куйидагиларни ўз ичига олади: мақсад; вазифалар, методлар (ҳаёт вазиятларини ҳамкорликда башорат қилиш, ҳамкорликда моделлаштириш, ишларни ҳамкорликда лойиҳалаштириш, альтернативалар методи, ташаббус кўрсатиш методи, ва ҳок.), воситалар (фаолиятнинг турли туман турлаидан фойдаланиш, талабанинг ташкилотчилик қодилятларини қўллаб-қувватлаш, масалан, мустақил таълим олишга ижодий ёндашув, талабанинг фаолиятни мустақил башорат қилиш ва мустақил назорат қилиш бўйича фаолиятини ташкил қилиш, талабанинг ташаббусини ва мустақиллигини қўллаб қувватлаш, талабаларда ўз шахсий кадр-қиммати ҳиссини тарбиялаш ва ҳок.); педагогик қўллаб-қувватлашни амалга оширишнинг шарт-шароитлари (талаба билан ўзаро ишонч муносабатларни ўрнатиш, таклиф қилинадиган фаолиятнинг оптимистик чегарасини

қўллаб қувватлаш, талабани унинг мустақил ривожланишида мустақил боришига халақит берадиган тўсиқларни бартараф қилиш, талабанинг ўз фаолиятини танлаш давомида ўз ўрни, тақдири, келажагини белгилаш вазиятини яратиш ва ҳок.); исталган натижага эришиш усуллари (талабага муаммодан қутулиш усуллари)ни излашда ёрдам бериш, ҳар қандай муаммони конструктив (ижобий) томонга йўналтириш, талабанинг ижтимоий ташаббуси вазиятини яратиш, масалан, талабалар ўзини бошқариш доирасида, ҳамкорлик маконини куриш ва ҳок.).

Одатда, талабанинг ўз-ўзини ривожлантириш, педагогик қўллаб-қувватлашни амалга оширишнинг шароитларини яратиш учун бир неча босқичлардан фойдаланилади: тайёргарлик босқичи (потенциал қизиқарли ёки талабалар учун ижтимоий аҳамиятли муаммони танлаб олиш; бу ерга шунингдек қайси бир юзга келган муаммонинг сабабларини талаба билан ҳамкорликда излаш ҳам кирди, масалан, ўқитувчи талабанинг ишларини рағбатларини тушунишга ва ушбу муаммони ечишга психологик ёки бошқа тўсиқлар халақит бераётганлигини аниқлашга ҳаракат қилганда); актуализация босқичи (муаммони идрок қилишни чуқурлаштириш, ўткирлаштириш учун ҳиссий/эмционал кайфият/тайёрлик яратиш; бу муаммоликни қайд этишни, уни ташхис қилишни тақозо этади ва бунинг учун талаба билан алоқани ўрнатишда ўқитувчи талабанинг ушбу муаммонинг аҳамиятлигини кучайтириш мақсадида муаммони қайта айтиб чиқиши, ўзини билиш босқичи (талабанинг муаммо сюжетини бошидан ўтказиши (кечиши) жараёнини фаоллаштириш); ўзи амалга ошириш босқичи (ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил қилиш); фикрлаб тушуниш босқичи (индивидуал ёки гуруҳ бўлиб рефлексия қилиш асосида талабанинг муаммога нисбатан ўз ҳатти-ҳаракатларини белгилаши тажрибасини фикрлаб тушуниши). Фикрлаб тушуниш жуда муҳим ҳисобланади, чунки рефлексия доимо инсоннинг ичида содир бўладиган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади, ва фикрлаб англаш/тушуниш орқали фикрлашнинг стереотиплари енгиб ўтилади, ва шу туфайли талабанинг ўзини англаши ўзини ташкил қила олиш қобилиятини олади. Бу ҳолда рефлексия талабани ўз фаолиятининг усуллари ва воситаларини яхлит тарзда тушуниши/ тасаввур қилишига олиб келади, ҳамда унга ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш имконини беради, ва бу талабани ўз фаоллиги/фаолиятининг реал субъектига айлантиради.

Шу муносабат билан, бундан сўнг ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантиришда хорижий тилни ўқитиш жараёнида қобилиятини ривожлантиришни қўллаб-қуввалашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганишда биз уларнинг қуйидаги йиғиндисини ажратамиз:

- хорижий тилга ўқитиш мақсади ва мазмунини белгилашда ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнларини актуаллаштириш;
- талабага ўз-ўзини ривожлантириш фаол субъекти сифатида муносабатни сингдириш;
- талабаларнинг фаолиятининг шахсий аҳамиятли усуллари ўзлаштиришларида педагогик ёрдам кўрсатиш;
- тил таълимини талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш компететциясини

ривожлантириш контекстида амалга ошириш;

- ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компитетциясини ривожлантиришда хорижий тилни ўрганишда белгилашнинг спецификаси ва қонуниятларини ҳисобга олиш.

Биз педагогик шарт-шароитларнинг ушбу рўйхатининг таҳлилини ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компитетциясини такомиллаштиришда хорижий тилни ўқитиш мақсади ва мазмунини белгилашда актуализация қилишдан бошлаймиз, чунки бугунги кунда олий таълим шахсни шунчаки шахснинг интилишларини қондиришга, балки унда ўз касбий билимлари ва малакаларини такомиллаштириш мақсадида ўз когнитив (билиш) потенциалини оширишга йўналтирилган шахсий ижодий потенциалини очиш контекстида ривожлантиришга қаратилган [3].

Демак, ОТМ талабаларининг ўз-ўзини ривожлантириш компитетциясини ривожлантиришда хорижий тилни ўрганиш жараёнида ўз ҳаётларининг маъноси, келажаги, тақдирини белгилашга бўлган қобилиятларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг биз юқорида ўрганиб чиққан педагогик шарт-шароитлари ОТМ талабаларининг тил таълимини ушбу қобилиятни ривожлантириш контекстида амалга ошириш уларда тилларни ўрганишга шахсий муносабатини шакллантиришни тақозо этиши, ва бунда хорижий тилдан меҳнат бозорида ўз рақобатбардошлик даражаларини ошириш воситаси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ ўз эҳтиёжларини қондиришни англашишни кўрсатди. Айнан мана шу сабабдан ҳам хорижий тилга ўқитиш жараёнини талабаларнинг бўлажак касбий фаолиятларида ўз ролини аниқ англашларини ривожлантириш, ва ўз касбининг хорижий тилни ўрганиш билан алоқаларини мустаҳкамлашга бўлган мотивацияни ошириш билан боғлаш муҳим ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Акимова М. Индивидуальность учащихся и индивидуальный подход.- М.: Знание., 1992 г. - 80 с.
2. Алияров А. Олий таълим муассасалари талабаларида маънавий қадриятларни ривожлантириш. Илмий иш.: Т-2020 й. 128-б
3. Акрамов А.А. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш.: док. Дисс. Автореферати – Тошкент– 2016.
4. Бударный А. Индивидуальный подход в обучении // А.Бударный // Советская педагогика. - 1965. - №7. - С. 70 - 83.
5. Муслимов Н. “Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш-нинг назарий-методик асослари.: дис..пед. фан. док. – Т., 2007



## ҲАЁТИМИЗ ШАМЧИРОҚЛАРИ (Муносабат)

**Гулнора ИБРАГИМОВА,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,  
психология ва педагогика фанлари доктори.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий таълим муассасалари фаолияти билан танишди. “Темурбеклар мактаби” ва Амир Темур номидаги Давлат хавфсизлик хизмати академиясидаги таълим тизими, бу маканларга яратилган замонавий шароитлар ҳамда имкониятларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатда бўлди.

— Мамлакатимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди, ҳаммасининг ривожланиши учун шароит яратяпмиз. Фақат қайси ёш ўзини қийнаб, вақтини бекор ўтказмай, кўпроқ билим олса, келажакда муваффақиятга эришади. Ҳамма буюклик ниятдан келади, меҳнатдан келади, — деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ёшларни чуқур билимли, юксак салоҳиятли, меҳнатсевар ва ҳалол, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш бугунги глобаллашув ҳамда техника асрида ҳар доимгидан-да долзарблашиб бормоқда. Хўш, нега? Бу саволга жавоб бериш учун бугунги дунё манзараларига бир бор назар ташлаш, кифоя. Жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган турли хунрезликлар, жанжал-тўполонлар, террористик ҳаракатлар, қонли тўқнашувларнинг асосий иштирокчилари — бу, шубҳасиз, ёшлар. Ачинарлиси, уларнинг аксарияти қилаётган ишининг мақсадини ҳам, аянчли оқибатларини ҳам яхши билмайди, тушунмайди. Қайси бир кучнинг ёки марказнинг алдови, куткуси билан шунчаки қўғирчоққа айланганини англамайди.

Савол туғилади: келажак эгаларини боши берк кўчага бошлаётганлар уларни қандай ўз домига илинтирмоқда? Бунинг йўли айти интернет замонида анчайин осонлашган. Бугун турли сайтлардан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланмайдиган бирор ёшни топиш мушкул. Уларнинг кўпчилиги содда, ғўр, ҳали ҳаётнинг баланд-пастини кўриб, оқ-қорани таниб улгурмагани, ҳою ҳавасларга ўчлиги эса айти муддао. Бундан йигит-қизларга шоҳона ҳаёт, мўмай пул ёки катта карьера ваъда қилинса, бўлди, чиппа-чин ишонади. Иш ҳамирдан қил суғиргандай олдинга силжийверади. Қолаверса, бугунги замонавий техника нобакорга асл башарасини пардалаш, олабўжини оппоқ кабутардек беозор, сипо кўрсатиш имконини бермоқда.

Мана шундай мураккаб ва таҳликали замонда ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — уларни бегоналар қўлига топшириш, эртамиз эгаларининг душман қуролига айланишига шарт-шароит яратиш деган гап.

Шу боис Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида

эътибор қаратди. “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамыз. Нафақат давом эттирамыз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бугун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз”, деган қарашни барча раҳбар ва мутасаддилар, қолаверса, бутун халқимиз учун устувор мақсад қилиб белгилаб берди.

Ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистонда 30 июнь санаси “Ёшлар куни” деб белгиланди ва ҳар йили муносиб тарзда нишонланадиган бўлди.

Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди. Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига “Темурбеклар мактаби” номи берилди.

Эртამиз эгаларининг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, олий таълим олиб, етук мутахассисга айланиши учун замон андозаларига мос янги боғчалар, мактаблар, институт ва университетлар барпо этилмоқда, мавжудлари таъмирланмоқда.

Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган “Беш муҳим ташаббус” ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бугун улғаяётган ёшлар эртага мустаҳкам таянчга, халқимизнинг асосий маданий-маърифий, бадиий-ижодий, ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, интеллектуал кучига айланади. Шундай экан уларнинг дунёқараши, тафакқури қай даражада илғор бўлиши, ҳозирги даврнинг юксак талабларини ўзига мўлжал қилиб олиш, шунга интилиш салоҳияти мамлакатимиз истиқболини, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини белгилаб беради.

Бугунги воқелик, атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга янгича қараш, уларни бутун мураккабликлари ила тубдан янгича идрок этиш, янгича сиёсий, иқтисодий, маънавий мезонларда баҳолашни талаб этмоқда. Шу боис янги жамият барпо этиш жараёнида инсонга ва жамиятга, бутун борлиққа муносабатни ўзгартириш, ижтимоий онгни янгилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар жамият эътиборида турган ижтимоий қатламлардан бири сифатида бўй чўзаётган экан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, имкониятларидан фойдаланиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш чора-тадбирларини янада кучайтириш — давр талабидир.

Ёш авлоднинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратиш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб

этиш, ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини, китобхонлик маданиятини ошириш, бандлигини таъминлаш, шу билан бирга, йигит-қизларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, келажак ворисларида мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган ишлар ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Ёшлар таълим-тарбиясида оиланинг ўрни бекиёс. Ҳар бир хонадондаги муҳит, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабат, шаклланган тарбия тизими болаларда ҳаётга дастлабки қарашларни шакллантиришда муҳим омилдир. Шу маънода маҳалла идоралари оилаларда соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшлар онгу қалбига миллий менталитетимиз, азалий маънавий-ахлоқий қадриятларимизни сингдириш борасида энг таъсирчан механизмларни жорий этиши лозим.

Ота-оналар ҳам ўз жигарбандларининг кун тартиби, қандай иш билан машғуллиги, кимлар билан қаерда юргани, орзу-мақсадлари билан яқиндан қизиқиши, қисқача айтганда, бурчларини, масъулиятини унутмаслиги шарт. Оилада муҳит ўзаро ҳурмат, олижаноблик, ҳалоллик асосига қурилган бўлса, оила бошлиқлари ўз вазифаларига сидқидилдан қарасалар, жамиятнинг бундай ячейкасида яхши фуқаролар етишиб чиқади.

Миллий қадрият ва анъаналаримиз, бебаҳо меросларимиз, оила-мактаб-маҳалла ўртасидаги боғлиқлик эртамиз эгаларининг онгли ва кучли тафаккур эгаси қилиб вояга етишларида кўмакчи вазифасини ўтайди.

Ватанимиз ўзининг улуғ алломалари, мутафаккирлари билан дунёга донг таратган. Истиклол берган кенг имкониятлар туфайли миллий қадриятларимиз, боқий анъаналаримиз қайта тикланди. Айниқса, диёримизда туғилиб-ўсган, ўз даврида дунё илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган алломаларимиз номи улуғланиб, фахру ифтихоримизга айланди. Биз ана шундай буюк тарихга эга халқимиз, донишманд-алломалар, даҳолар етишиб чиққан юрт фарзандларимиз. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси бугун янада теранроқ, чуқурроқ ўрганилиши, ёш авлод онги ва қалбига чуқур сингдирилиши керак. Бинобарин, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши туфайли одамлар онгу тафаккурида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй беради. Маънавий-маърифий жараёнлардаги янгиланишлар ёшларимиз қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка, ўз кучи ва имкониятига ишонч, Ватанга муҳаббат, садоқат ҳиссини тарбиялайди.

Аҳолининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга олиб, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масаладир.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Биринчи ташаббус — ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Иккинчи ташаббус — ёшларни жисмоний чиниқтириш,

уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Учинчи ташаббус — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Тўртинчи ташаббус — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Бешинчи ташаббус — хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Ушбу беш ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бу тажриба Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида янада кенг жорий қилиниши мақсадга мувофиқдир. Жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолати ўрганилиб, фаолияти янада яхшиланиши, Маданият ва Халқ таълими вазирликлари ҳокимликлар билан биргаликда туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча тўгараклар ташкил этиши, маданият марказларида ташаббускор истеъдодли ёшлардан иборат бадий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва “Ёшлар клублари” тузилиши бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи ташаббусга доир масалаларни ривожлантириш ишлари ҳам янада жадаллашса, соз бўларди. Бу мақсадда туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда бу йўналишни такомиллаштириш устида иш олиб бориши зарур.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ва коммуникациялар ривожланган бир пайтда илғор халқаро тажрибалар асосида барча шаҳар ва туман марказларида рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда. Бу марказларда электрон тижорат ва дастурлаш ўргатиляпти. Ёшларда ахборот технологиялари соҳасида бизнес бўйича инновацион кўникмалар шакллантирилса, “стартап” лойиҳаларига ёрдам кўрсатилса, ёш иқтидор соҳибларининг орзу-умидлари янада тезроқ рўёбга чиқади.

Ёшларда болалик чоғидан китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади. Лекин кўплаб қишлоқ ва маҳаллаларда бунинг учун зарур шароитлар ҳали ҳам етарли эмас. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали оталиққа олган вазирлик ва ташкилотлар маҳаллаларда замонавий кутубхоналар ташкил этиши, мазкур зиё масканларидан маҳалла ёшлари бепул ва бемалол фойдаланишига имкон яратилиши бу борадаги муаммоларга истиқболли ечимдир. Зотан, фарзандларимиз қанчалик маънавий баркамол бўлса, уларнинг турли ёт ғоя ва иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади.

Хотин-қизлар масаласи, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар ўргатишга қаратилган ишлар ҳам “Беш муҳим ташаббус” доирасида янада такомиллашиб бораётганини қайд этиш лозим. Жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, касбга ўргатиш, рўзғорга тайёрлаш масаласига эътибор янада

кучайса, халқимизнинг ҳаётдан розилиги янада ортади.

Ёшлар ташкилотларининг дабдабали, баландпарвоз тадбирлар ўтказиши эмас, балки ёш авлод билан бевосита ишлаши, амалий мулоқотни йўлга қўйиши, уларни ўйлантираётган ҳаётини муаммоларни ҳал этиши юртдошларимизни қўзланган эзгу мақсадлар сари янада яқинлаштиради.

Ёшларни бежиз ниҳолга менгзашмайди. Бугун эътибор ва ғамхўрлик оғушида ўсаётган ниҳоллар кун келиб, албатта, забардаст чинорларга айланиши, шириндан шакар мевалар беришига шубҳа йўқ.

## РОЛЬ ТАМОЖЕННОЙ СТОИМОСТИ ПРИ ВЗИМАНИИ ТАМОЖЕННЫХ ПЛАТЕЖЕЙ (На примере города Ташкент).

**А.А.Шадманкулов – начальник кафедры “Таможенное регулирование и таможенные платежи” Таможенного института ГТК РУЗ, подполковник таможенной службы, к.э.н., доцент;**

**Ш.Т.Ташов – курсант 4-курса Таможенного института ГТК РУЗ.**

***Аннотация:** область таможенно-тарифного регулирования внешнеэкономической деятельности, а именно влияние таможенной стоимости на начисление и взимание таможенных платежей с научной точки зрения считается малоизученной областью экономической науки. В условиях тенденций развития мировой экономики изучение данного вопроса является особо актуальным. На основе проведенного анализа, раскрыта важность осуществления контроля над правильным определением таможенной стоимости и ее роли для начисления и взимания таможенных платежей. В ходе исследования изучены причины и последствия проблемных вопросов, препятствующих совершенному функционированию контроля таможенной стоимости.*

***Ключевые слова:** таможенная стоимость, фискальная функция, таможенно-тарифное регулирование, методы определения таможенной стоимости, таможенные платежи, импортная пошлина, экспортная пошлина, особые таможенные пошлины, сезонные пошлины, ставки таможенных пошлин.*

В условиях глобализации рыночной экономики и устойчивого развития торговых отношений, роль государства занимает особое место, как активного регулятора, являющегося ключевым составляющим совершенствования мировой экономики. Таможенные органы Республики Узбекистан в лице государства, осуществляя свободную таможенную политику, для достижения таможенных целей и выполнения функциональных обязанностей, принимают роль основного инструмента, в интенсивном развитии мирового товарооборота и увеличения финансовых операций, тем самым поддерживая балансовую цепь между интересами государства, предпринимательства и конечных потребителей.

Исходя из того, что фискальная функция таможенных органов, направленная на обеспечение финансовой стабильности и пополнения бюджета государства, путем начисления и взимания таможенных платежей, роль таможенной стоимости в совершенствовании потенциала международной экономической среды является требованием сегодняшнего дня. Следовательно, основной целью данной статьи является определение таможенной стоимости и её роль в механизме взимания таможенных платежей.

В условиях перехода страны к рыночной экономике возникла необходимость в создании устойчивого таможенно-тарифного регулирования внешнеэкономической деятельности, как составной части системы государственного управления. Под таможенно-тарифным регулированием внешнеэкономической деятельности

(ВЭД) понимается комплекс организационных, экономических, правовых мероприятий, осуществляемых в установленном законодательством порядке государственными органами и направленных на регулирование внешнеэкономической деятельности. [ ]

Таможенно-тарифное регулирование – это важный и трудоемкий процесс, который включает в себя несколько взаимосвязанных операций: определения страны происхождения товара; определение таможенной стоимости товара; уплата таможенных платежей.

Целями применения мер таможенно-тарифного регулирования могут быть:

1. Протекционистская функция – это защита национальных товаропроизводителей от иностранной конкуренции;
2. Фискальная функция – это обеспечение поступления средств в государственный бюджет;
3. Регулирующая - оказывает определенное влияние на формирование структуры производства, на механизм ценообразования, поощряет развитие одних отраслей и сдерживает развитие других;
4. Торгово-политическая (которая может рассматриваться также как элемент регулирующей функции) - является инструментом косвенного воздействия на экономическую политику других государств, играет определенную роль в достижении баланса экономических интересов между странами. [ ]

Из вышеизложенного исходит, что основным базовым элементом для выполнения одной из основных задач таможенных органов, которая осуществляется посредством тарифного регулирования по обеспечению формирования доходной части республиканского бюджета за счет начисления и взимания таможенных платежей, является контроль таможенной стоимости. Процедура определения таможенной стоимости общепринята, базируется на общих для всех стран принципах, прописанных в Международном соглашении о тарифах и торговле 1994 года (ГАТТ). Статья 7 ГАТТ касается оценки товаров для целей взимания таможенных пошлин. Она устанавливает общее для всех стран-участниц принципы определение таможенной стоимости товаров и говорит о том, что таможенная стоимость товаров должна основываться на его фактической стоимости и не может определяться на базе произвольных фиктивных оценок или стоимости товаров отечественного происхождения. Понятия таможенная стоимость, определяется как стоимость сделки, т.е. цена действительно уплаченная или подлежащая уплате за товары, проданные на экспорт в страну импорта скорректированная с учётом возможности добавления.


Определение таможенной стоимости товаров, применяемое в Республике Узбекистан, основывается на общих принципах, применяемых в международной практике. Согласно Таможенному Кодексу Республики Узбекистан, таможенной стоимостью товара, ввозимого на таможенную территорию, является стоимость товара, определяемая одним из методов определения таможенной стоимости товаров и используемая в целях начисления таможенных платежей.

Определение таможенной стоимости товаров производится для обложения товара таможенными платежами, ведения статистики внешней торговли и специальной таможенной статистики, применения иных мер государственного регулирования внешней экономической деятельности, включая осуществление валютного контроля.

Определение таможенной стоимости ввозимого товара производится путем применения следующих методов:

- по стоимости сделки с ввозимым товаром;
- по стоимости сделки с идентичным товаром;
- по стоимости сделки с аналогичным товаром;
- на основе вычитания стоимостей;
- на основе сложения стоимостей;
- резервного.

Основным методом определения таможенной стоимости ввозимого товара является метод по стоимости сделки с ввозимым товаром. В случае если основной метод определения таможенной стоимости ввозимого товара не может быть применен, последовательно применяются вышеизложенные методы. При этом каждый последующий метод применяется, если таможенная стоимость не может быть определена путем использования предыдущего. Методы вычитания и сложения стоимостей могут применяться в обратной последовательности. [ ]



**Рисунок 1. Применение методов определения таможенной стоимости по УГТК Ташкент за 2020-2021 гг. (% от количества ГТД).**

Исходя из таблицы, мы можем наблюдать что основная доля ГТД приходится на 1, 6.1, 6.3 методы (за 2020 год 92.47% и за 2021 год 93.42%), где 1 метод уверенно занимает лидирующее место (за 2020 38,61% и за 2021 42,79%). 3 метод определения таможенной стоимости в отличии от 2, 4, 5, 6.2, 6.4, 6.5 методов занимает среднюю планку (за 2020 год 7,14% и за 2021 год 6,29%), тогда как последние имеют низкие показатели. Количество ГТД за 2021 год увеличилось в 1 и 6.1 методах по соотношению к 2020 году (на 4.18 % и 2.12 % соответственно), тогда как за период 2020 года показатели 3 и 6.3 методов были выше, чем за 2021 год. Из этого следует, что основная доля метода определения таможенной стои-




мости оформляемых товаров при приходится 1, 3, 6.1, 6.3 методы ОТС.

Таким образом, при начислении и взимании таможенных платежей основой является таможенная стоимость товаров, которая определяется методами определения таможенной стоимости.

Согласно Таможенному кодексу Республики Узбекистан, при перемещении товаров через таможенную границу и в других случаях, предусмотренных настоящим Кодексом, уплачиваются следующие таможенные платежи:

- таможенная пошлина;
- налог на добавленную стоимость;
- акцизный налог;
- таможенные сборы.

**Рисунок 2. Структура таможенных платежей УГТК по г. Ташкент за 2021 год. (%)**



Анализ таблицы состоит из того, что за период 2021 года УГТК по городу Ташкент таможенные платежи превысили 48% от суммы платежей таможенных органов по всей республике. Из них большую долю соответственно занимают таможенные пошлины и НДС (19,97% и 76,86%), низкие показатели имеются у акцизного налога, таможенных сборов, утилизационного сбора и прочие (0,89%, 0,92%, 1,14% и 0,22% соответственно).

Исходя из вышеизложенного, стоит упомянуть о важности контроля таможенной стоимости для начисления и взимания таможенных платежей. Таким образом, таможенная стоимость применяется в качестве основы для обложения товаров таможенными пошлинами и налогами, исчисляемыми по адвалорной ставке, либо по адвалорной составляющей комбинированной ставки таможенных пошлин и налогов.

Таможенная стоимость косвенно влияет и на конкурентоспособность товара. Занижение таможенной стоимости ведет к занижению таможенных платежей и, как следствие, к занижению стоимости товара на внутреннем рынке Республики Узбекистан по сравнению со стоимостью товара, по которому платежи были


уплачены в полном объеме. Это приводит к увеличению конкурентоспособности товара, ввезенного недобросовестным участником ВЭД, по сравнению с другими товарами. [ ]

В ходе осуществления контроля правильности определения таможенной стоимости таможенные органы вынуждены прибегать к использованию средней рыночной цены на соответствующий товар. В условиях, когда ввозом специфических товаров занимается достаточно ограниченное количество участников ВЭД, возможно возникновение сговора между поставщиками, что приводит к появлению недостоверных сведений у таможенных органов относительно средней таможенной стоимости.

Важность правильного заявления таможенной стоимости товаров, ввозимых на территорию Республики Узбекистан заключается в том, что при перемещении через таможенную границу партий товаров, хоть и небольших, не исключено недобросовестное отношение декларантов к определению таможенной стоимости перемещаемых товаров. В результате государство терпит существенные убытки в виде не пополнения государственного бюджета. Ведь следует помнить, что весомая доля средств в государственный бюджет происходит в результате деятельности таможенных органов. В следствии чего государство недополучает денежные средства и не может полноценно развиваться в дальнейшем.

В нижеуказанном рисунке можем наблюдать, суммы доначисленных таможенных платежей, по тем или иным направлениям деятельности таможенных органов. Стоит отметить, что таможенная стоимость хоть и занимает низкий показатель по сравнению с другими направлениями, но данный показатель в конечном счете приводит к большим недоборам таможенных платежей, занижению таможенной стоимости товаров в базе таможенных органов, которая приводит к нарушениям таможенного законодательства.

**Рисунок-3. Структура доначисленных таможенных платежей в УГТК по городу Ташкент. (% , 2021 г.).**



На величину таможенной стоимости прямое влияние оказывают: мировые и государственные тенденции социально-экономической конъюнктуры, ставки таможенных пошлин, рисковое поведение участников ВЭД и должностных лиц таможенных органов, содержание и качество процесса определения и контроля таможенной стоимости, следует сделать вывод о том, что контроль правильности определения таможенной стоимости при начислении и взимании таможенных платежей имеет особое место.

На сегодняшний день на практике существует целый комплекс проблем, связанных с неправильным определением таможенной стоимости, например, манипуляции с таможенной стоимостью, а также множество вопросов в применении установленных в законодательстве методов её исчисления. Со стороны участников внешнеэкономической деятельности стали применяться различные схемы недостоверного декларирования, когда недобросовестными декларантами представляются сведения, не отражающие фактическую стоимость сделки, и заявляются недостоверные сведения о таможенной стоимости товаров, целью которых является уклонение от уплаты таможенных платежей. В современной терминологии появилось понятие «серый импорт», означающее ввоз товаров с занижением таможенных платежей за счет их недостоверного декларирования либо ввоза товаров помимо таможенного контроля. Последствия которых привело к практике занижения таможенной стоимости товаров. В качестве таковых используется фальсификация внешнеэкономических контрактов, инвойсов и других товаросопроводительных документов, представляемых в обоснование таможенной стоимости, или декларирование товаров под другим наименованием. Решением данного вопроса может стать ведение реестра недобросовестных таможенных брокеров, кроме того в автоматизированном порядке фиксировать факты предоставления недостоверной информации в единый реестр недобросовестных декларантов.

Однако в настоящее время, основываясь на показатели 2020-2021 годов используются практически только два из них: первый и шестой. Данный случай приводит к уменьшению возможности наиболее точного определения действительной таможенной стоимости товара, что, соответственно, снижает эффективность деятельности таможенных органов. Данный вопрос имеет актуальную значимость в процессе определения таможенной стоимости, начисления таможенных платежей и порядка осуществления таможенного оформления товаров, решением которого может выступать рассмотрение вопросов по совершенствованию и упрощению требований и условий методов определения таможенной стоимости.

Проблема курсовой разницы, возникающая при несовпадении валюты цены и валюты платежа. На практике таможенного оформления, мы можем наблюдать как из-за изменения курса валюты контракта, отраженных в коммерческих документах, по отношению валюты платежа (сумм), система управления рисками выдает риск по факту занижения таможенной стоимости товаров, в большинстве случаев методов определения таможенной стоимости, где осуществляется ссылка на ранее оформленную импортную декларацию. Такие обстоятельства не

являются нарушением таможенного законодательства, но приводят к уменьшению эффективности распределения времени сотрудником таможенных органов на процесс таможенного оформления, а также отразятся на неприменении упрощения таможенных процедур при оформлении ГТД. Решением данной задачи послужит, совершенствование АИС СУР по определению таможенной стоимости, путем осуществления форматно-логического контроля при изменении курса валют. На основе механизма, действие которого будет заключаться в принципе связи и сравнении фактурных стоимостей, страны отправления, транспортных средств при отправлении, стоимости за единицу товара поданной таможенной декларации с декларацией на которую та ссылается либо с товаром на которую предъявляемый товар ссылается при определении индекса таможенной стоимости за единицу товара.

Кроме того, одной из основных проблем по осуществлению определения и контроля таможенной стоимости является то, что в эпоху цифровизации межгосударственное партнерство по обмену информацией и сведениям по товаросопроводительным и транспортным документам, не достигла нужного уровня, которая приводит к отсутствию возможности проверки правильности предоставленных сведений, а также отсутствие практики предоставления документов в электронной форме, что пресекает возможность осуществления над ними форматно-логического контроля, тем самым оставляя данную задачу на человеческий фактор. Решением данного, вопроса является внедрение единых систем связи между таможенными органами иностранных государств, в первую очередь со странами с которыми Узбекистан имеет тесные межгосударственные торгово-экономические отношения, закрепленные двусторонними и многосторонними соглашениями, результаты которого сопровождаются большим потоком товарообмена, по обмену и информатизации предоставляемых документов и сведений. К числу таких государств можно отнести Китай, Турцию, страны Европы и СНГ.

Результаты проведенного исследования позволили выявить качественный и количественный анализ актуальности темы влияния таможенной стоимости товара на правильное начисление и взимание таможенных платежей. В ходе изучения предложены идеи по цифровизации таможенных операций, а также интеграции таможенных органов Республики Узбекистан с другими иностранными институтами контроля внешнеторговых отношений, которые послужат результатами направлений и задач стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы.

#### **Список использованных литератур:**

1. Таможенный кодекс Республики Узбекистан
2. Таможенно-тарифное регулирование в условиях экономической интеграции <https://knowledge.allbest.ru>
3. А.Шадманкулов, Т.Пардаев, Б.Турдиев, Ш.Алимухамедов. Таможенный стоимость. Учебник (на узб. языке). Т.: Lesson-press – 2021.
4. Таможенно-тарифное регулирование <http://www.ved.gov.ru/mdb/>

restrictive\_measures/customs\_regulation/

5. Официальный сайт Комиссии таможенного союза. Режим доступа: World Wide Web. URL: <http://www.tsouz.ru>.

6. А.Шадманкулов. От регулирования до стимулирования экспорта: опыт узбекской таможни и приоритетные направления. Научный электронный журнал: Экономика и Юриспруденция. №6. 2020 г. (РИНЦ) <http://7universum.com/ru/economy/archive/item/9448>

7. Генеральное соглашение по тарифам и торговле (ГАТТ 1947) статья VII. оценка товара для таможенных целей <https://www.hse.ru/>

8. Таможенные платежи - расчет, уплата, обеспечение, виды и их стоимость. Официальный сайт: <https://ucsol.ru/>

9. Т.Пардаев, А.Шадманкулов, З.Маккамов. Таможенные платежи. Учебник (на узб. языке). Т.: Таможенный институт – 2021.

10. А.Шадманкулов. Основы регулирования внешнеэкономической деятельности (часть I). Уч.пос. (на узб. языке). Т.: Таможенный институт – 2021.

11. А.Шадманкулов. Процесс формирования таможенных платежей в Узбекистане: история, реформы, прогнозы. Научно-практический журнал: Таможенный вестник Узбекистана. №1, 2019 г. с. 19-24.

12. А.Шадманкулов. От регулирования до стимулирования экспорта: опыт узбекской таможни и приоритетные направления. Научный электронный журнал: Экономика и Юриспруденция. №6. 2020 г. (РИНЦ) <http://7universum.com/ru/economy/archive/item/9448>

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

С.Ш.Юсупов, Божхона институти,  
 “Иқтисодий фанлар” кафедраси доценти, (PhD)  
 Л.С.Азимова, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти,  
 “Корпоратив бошқарув” кафедраси катта ўқитувчиси

*Ушбу мақолада SWOT-таҳлил асосида тўқимачилик корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Яъни, тўқимачилик корхоналарини кучли ва заиф жиҳатлари ҳамда уларнинг имкониятлари, ташқаридан бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар баҳоланган.*

*В данной статье рассматриваются ключевые тенденции развития текстильных предприятий на основе SWOT-анализа. Другими словами, были оценены сильные и слабые стороны текстильных предприятий, их возможности и потенциальные угрозы извне.*

*This article explores the key trends in the development of textile enterprises based on SWOT analysis. In other words, the strengths and weaknesses of the textile enterprises, their opportunities and potential threats from outside were evaluated.*

*Калит сўзлар: стратегия, рақобат, SWOT-таҳлил, кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва таҳдидлар, аҳамиятлилик коэффициенти, экспертлар, хом ашё, ресурслар.*

Республикамизда тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантиришда инновацион бошқарув усулларини қўллаш, инновация ва инвестицияларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали халқимизни сифатли тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш” [3] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда корхоналарни ривожлантириш бўйича, узоқ муддатга мўлжалланган стратегияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Корхоналарнинг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда ички муҳитни таҳлил қилиш орқали уларнинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, ташқи муҳитни таҳлил қилиш орқали имкониятлар ва таҳдидларни аниқлаш асосий шартлардан ҳисобланади.

SWOT-таҳлил бозордаги рақобат ҳолатини баҳолаш, корxonанинг устунликлари ва камчиликлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Таҳлил натижалари корxonанинг ривожланиш йўналишларини танлаш, унинг кучли томонларидан фойдаланиш, заиф томонларини ҳисобга олиш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, бозор томонидан берилаётган имкониятлардан фойдаланиш ва турли ҳавф, таҳдидларни четлаб ўтишга ёрдам беради. Шундай таҳлилга асосланиб, бозордаги корxона тўғрисида маълумотларни бир тизимга солиш, эътиборни янги истикболларга қаратиш мумкин.

Шуни эътиборга олишимиз зарурки, бозорнинг битта имконияти ёки таҳдиди омили турли корxonалар учун турлича баҳоланиши мумкин. Баъзи корxonалар учун имконият бўлса, бошқа корxonалар учун таҳдид бўлиши мумкин.

Бугунги кунда стратегик режалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қиладиган SWOT-таҳлилни амалга оширишнинг жуда кўп услублари мавжуд. Бу эса корxonаларга бозордаги стратегик фаолиятлари вариантларини ишлаб чиқиш учун жуда кенг имкониятлар яратади. SWOT-таҳлил – бу корxonанинг ва муҳитнинг тавсифларини таркибий ёритиб берувчи қулай воситадир. SWOT-таҳлилни ўтказишнинг у ёки бу методикасини қўллаганда, ушбу жараённинг умумий схемаси ўзгаришсиз қолади, аммо омиллар сони жуда кўп бўлиши мумкин. Бу эса уларни табақалаштириш бўйича махсус усулларни қўллаш заруриятини келтириб чиқаради. Бунда жараёни таҳлил қилишда иштирок этувчилар (одатда экспертлар) томонидан аниқланадиган субъектив омилларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир [2].

SWOT-таҳлилни ўтказиш учун объект сифатида “Ўзтекс Ташкент” ҚК, “Кўкча Текстил” МЧЖ, “Сиркечи Текстил” тўқимачилик корxonалари танлаб олинган. Шунингдек, ушбу корxonаларни баҳолаш кўрсаткичлари асосида сўровнома жадвали ишлаб чиқилди ҳамда тўқимачилик корxonалари фаолиятига энг кўп таъсир кўрсатадиган турли омилларни тўлароқ ҳисобга олишга имкон берадиган қулай услубдан фойдаланилди.

Омилларнинг аҳамиятлилик коэффициенти биз томонимиздан қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$K_{ij} = \sum_{(i=1)^n} x_i : \sum_{(j=1)^n} x_j$$

Бу ерда,  $K_{ij}$  – аҳамиятлилик коэффициенти;

$x_i$  – экспертлар томонидан кўрсатилган параметрларни тавсифловчи омиллар сони;

$x_j$  – параметрларни тавсифловчи омилларнинг умумий сони.

Аҳамиятлилик кўрсаткичи қанчалик юқори бўлса, мазкур параметр корxона учун шунчалик кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Сўровнома натижалари бўйича “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги учта тўқимачилик корxonалари, жумладан, “Ўзтекс Ташкент” қўшма корxonаси, “Кўкча Текстил” МЧЖ ва “Сиркечи Текстил” МЧЖ тўқимачилик корxonаларининг кучли ва заиф томонлари аниқланди (1, 2 ва 3 – жадваллар).

1-жадвал

“Узтекс Ташкент” кўшма корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш

“Узтекс Ташкент” кўшма корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш

Баҳолаш параметрлари	Кучли томонлари	Заиф томонлари
<b>1. Ташкил этиш</b>	<u>Ходимларнинг корхонани ривожлантиришдан манфаатдорлиги, бўлимлар ўртасидаги алоқанинг юқори даражада ўрнатилиши</u>	<u>Ходимлар малакаси даражасининг пастлиги, ташки муҳит ўзгаришлари ва ностандарт ҳолатларга секин мослашиш</u>
Коэффициент	0,42	0,58
<b>2. Бозор кўрсаткичлари</b>	<u>Корхонадаги юқори ўсиш суръатлари ва бозордаги улушнинг раҳбарият кутган натижаларга мос келиши</u>	<u>Бозордаги улушнинг паст даражаси ва корхонанинг бозордаги мавқеи мустаҳкам эмаслиги</u>
Коэффициент	0,42	0,5
<b>3. Ишлаб чиқариш</b>	<u>Дастгоҳларнинг яхши ҳолатда эканлиги, ишлаб чиқарилаётган товар сифатининг юқори даражаси, ресурсларни етказиб берувчи ишончли каналларнинг мавжудлиги</u>	<u>Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик</u>
Коэффициент	0,71	0,09
<b>4. Молиялар</b>	<u>Капиталнинг айланиш тезлиги, фойдаланиш, молиявий барқарорлик</u>	<u>Ишлаб чиқариш харажатларининг юқори даражада бўлиши, молиявий ресурслар, капитал киритиш имкониятлари</u>
Коэффициент	0,5	0,5
<b>5. Инновациялар</b>	<u>Янгиликларни ишлаб чиқаришга тез жорий этиш</u>	<u>Илмий-тадқиқот ишлари учун харажатларнинг юқорилиги ва уларни оқлаш муддатининг узок бўлиши</u>
Коэффициент	0,2	0,6
<b>6. Маркетинг</b>	<u>Талаб бор ассортимент, сотиш ва сервис сиёсати</u>	<u>Товар маркасининг нуфузи, нарх сиёсати ва товарни бозорга ҳаракатлантириш сиёсатининг йўқлиги</u>
Коэффициент	0,26	0,07

Манбаа: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот натижаларига кўра, “Узтекс Ташкент” кўшма корхонасининг кучли томонлари бўлиб, ишлаб чиқариш параметри (0,71 коэффициент) ҳисобланади. Энг кучсиз томони бўлиб эса маркетинг параметри (0,07 коэффициент) ҳисобланади.

“Кўкча Текстил” МЧЖ корхонасининг кучли томони корхонада ходимларнинг корхонани ривожлантиришдан манфаатдорлиги, бўлимлар ўртасидаги алоқанинг



юқори даражада ўрнатилиши, ташқи муҳит ўзгаришлари ва ностандарт ҳолатларга тез мослашиши (0,83 коэффициент) бўлса, заиф томони нарх сиёсати ва товарни бозорга ҳаракатлантириш сиёсатининг йўқлиги (0,85 коэффициент) ҳисобланади.

“Сиркечи Текстил” МЧЖ тўқимачилик корхонасининг кучли томони дастгоҳларнинг яхши ҳолатда эканлиги, ишлаб чиқарилаётган товар сифатининг юқори даражаси, ресурсларни етказиб берувчи ишончли каналларнинг мавжудлиги (0,71 коэффициент) бўлса, заиф томони товар марказининг нуфузи, нарх сиёсати ва товарни бозорга ҳаракатлантириш сиёсатининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир.

## 2-жадвал

**“Кўкча Текстил” МЧЖ корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш**

<b>Баҳолаш параметрлари</b>	<b>Кучли томонлари</b>	<b>Заиф томонлари</b>
<b>1. Ташкил этиш</b>	<u>Ходимларнинг корxonани ривожлантиришдан манфаатдорлиги, бўлимлар ўртасидаги алоқанинг юқори даражада ўрнатилиши</u>	<u>Ходимлар малакаси даражасининг пастлиги, ташқи муҳит ўзгаришлари ва ностандарт ҳолатларга секин мослашиши</u>
Коэффициент	0,83	0,17
<b>2. Бозор кўрсаткичлари</b>	<u>Корxonалаги юқори ўсиш суръатлари ва бозордаги улушининг раҳбарият кутган натижаларга мос келиши</u>	<u>Бозордаги улушнинг паст даражаси ва корxonанинг бозордаги мавқеи мустаҳкам эмаслиги</u>
Коэффициент	0,42	0,58
<b>3. Ишлаб чиқариш</b>	<u>Дастгоҳларнинг яхши ҳолатда эканлиги, ишлаб чиқарилаётган товар сифатининг юқори даражаси, ресурсларни етказиб берувчи ишончли каналларнинг мавжудлиги</u>	<u>Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик</u>
Коэффициент	0,47	0,38
<b>4. Молиялар</b>	<u>Капиталнинг айланиш тезлиги, фойдаланиш, молиявий барқарорлик</u>	<u>Ишлаб чиқариш харажатларининг юқори даражада бўлиши, молиявий ресурслар, капитал киритиш имкониятлари</u>
Коэффициент	0,44	0,55
<b>5. Инновациялар</b>	<u>Янгилликларни ишлаб чиқаришга тез жорий этиш</u>	<u>Илмий-тадқиқот ишлари учун харажатларининг юқорилиги ва уларни оқланиш муддатининг узок бўлиши</u>
Коэффициент	0,13	0,53
<b>6. Маркетинг</b>	<u>Талаб бор ассортимент, сотиш ва сервис сиёсати</u>	<u>Товар марказининг нуфузи, нарх сиёсати ва товарни бозорга ҳаракатлантириш сиёсатининг йўқлиги</u>
Коэффициент	0,15	0,85

Манбаа: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бозорни (ташқи муҳитни) баҳолаш учун параметрларнинг ҳар бири корхона учун имкониятлар ва таҳдидлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилади (4, 5 ва 6 – жадваллар).

“Узтекс Ташкент” кўшма корхонаси ривожланиши учун жамиятдаги шаклланган анъаналар, истеъмол маданияти, талаб омиллари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш параметрлари (коэффициентлар мос равишда 0,84, 0,78 ва 0,76 га тенг) асосий ўринни эгаллайди. Энг катта таҳдидни бозордаги юқори даражадаги рақобат (0,72) келтириб чиқаряпти.

“Кўкча Текстил” МЧЖ корхонасининг ривожланиши учун имкониятлар бўлиб, илмий техника тараққиёти (0,88), юқори корхона томонидан тартибга солиш (0,83) ва бозор талаби (0,66) ҳисобланади. Корхонага рақобат (0,89) ва валюта курси ўзгаришлари кўринишида иқтисодий омиллар, солиқ ставкаларининг юқорилиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва ривожланмаган бозор инфратузилмаси таҳдид солиши мумкин.

**3-жадвал**  
**“Сиркечи Текстил” МЧЖ корхонасининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш**

<u>Баҳолаш параметрлари</u>	<u>Кучли томонлари</u>	<u>Заиф томонлари</u>
<b>1. Ташкил этиш</b>	<u>Ходимларнинг корхонани ривожлантиришдан манфаатдорлиги, бўлимлар ўртасидаги алоқанинг юқори даражада ўрнатилиши</u>	<u>Ходимлар малакаси даражасининг пастлиги, ташқи муҳит ўзгаришлари ва ностандарт ҳолатларга секин мослашиш</u>
Коэффициент	0,56	0,42
<b>2. Бозор кўрсаткичлари</b>	<u>Корхонадаги юқори ўсиш суръатлари ва бозордаги улushiнинг раҳбарият кутган нагизаларга мос келиши</u>	<u>Бозордаги улushiнинг паст даражаси ва корхонанинг бозордаги мавқеи мустаҳкам эмаслиги</u>
Коэффициент	0,42	0,5
<b>3. Ишлаб чиқариш</b>	<u>Дастгоҳларнинг яхши ҳолатда эканлиги, ишлаб чиқарилаётган товар сифатининг юқори даражаси, ресурсларни етказиб берувчи ишончли каналларнинг мавжудлиги</u>	<u>Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик</u>
Коэффициент	0,71	0,09
<b>4. Молиялар</b>	<u>Капиталнинг айланиш тезлиги, фойдалилик, молиявий барқарорлик</u>	<u>Ишлаб чиқариш харажатларининг юқори даражада бўлиши, молиявий ресурслар, капитал қиритиш имкониятлари</u>
Коэффициент	0,5	0,5
<b>5. Инновациялар</b>	<u>Янгиликларни ишлаб чиқаришга тез жорий этиш</u>	<u>Илмий-тадқиқот ишлари учун харажатларнинг юқорилиги ва уларни оқлатиш муддатининг узок бўлиши</u>
Коэффициент	0,2	0,6
<b>6. Маркетинг</b>	<u>Талаб бор ассортимент, сотиш ва сервис сўёсати</u>	<u>Товар маркасининг нуфузи, нарх сўёсати ва товарни бозорга ҳарақатлантириш сўёсатининг йўқлиги</u>
Коэффициент	0,26	0,69

Манбаа: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.  
“Сиркечи Текстил” МЧЖ тўқимачилик корхонаси учун маҳсулотга нисба-

тан талабнинг юқори даражада эканлиги (0,65), янги технологияларнинг жорий этилганлиги (0,72), истеъмол маданияти ва мода (0,8) ривожланишдаги имкониятлардир. Бозорда товарлар ўрнини босувчи аналогик товарларнинг мавжудлиги, рақобатчилар товарлари нархининг пастлиги корхона ривожланиши учун асосий таҳдид ҳисобланади.

Шундай қилиб, “Узтекс Ташкент” қўшма корхонаси ўзининг ривожланишида яхши ишлаб чиқариш базасига ва ишончли молиявий ҳолатга асосланса бўлади. “Кўкча Текстил” МЧЖ корхонаси маҳсулот ассортименти ва сифатини яхшилаш, янги техника ва технологияни жорий этиш йўналишида ўз ривожланиш стратегиясини амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

## 4-жадвал

**“Узтекс Ташкент” қўшма корхонасининг имкониятлари  
ва таҳдидларни аниқлаш**

Баҳолаш параметрлари	Имкониятлар	Таҳдидлар
<b>1. Талаб</b>	Бозорнинг ўсиш суръатлари юқорилиги, бозор сигимининг ва маҳсулотга талабнинг юқорилиги	Бозор сигими
Кoeffициент	0,78	0,11
<b>2. Рақобат</b>	Рақобатчилар товарлари баҳосининг юқорилиги	Рақобатчилар сонининг кўплиги, бозорда товарлар ўрнини босувчи аналогик товарларнинг мавжудлиги, бозорга чиқиш учун тўсиқларнинг пастлиги, рақобатчилар товарларининг устунлиги
Кoeffициент	0,22	0,72
<b>3. Маҳсулотни сотиш</b>	Ишончли воситачилар сони, товарларни тақсимлаш тармоқларининг ривожланиши	Воситачилар сони ва уларнинг ишончилиги, товарларни тақсимлаш тармоғининг ривожланиши
Кoeffициент	0,67	0,33
<b>4. Иқтисод</b>	Валюта курси, аҳолининг яшаш даражаси, инфратузилманинг ривожланганлиги	Инфляция даражасининг юқорилиги, солиқ ставкалари, меҳнат унумдорлигининг пастлиги
Кoeffициент	0,61	0,39
<b>5. Юқори корхона томонидан тартибга солиниши</b>	Тармоқ корхоналари билан ўзаро алоқаларнинг характери	–
Кoeffициент	0,33	–
<b>6. Сиёсат ва ҳуқуқ</b>	Юқори даражадаги сиёсий стабиллик, қонунга риоя қилишлик	Аҳолининг ҳуқуқий саводхон эмаслиги
Кoeffициент	0,55	0,22
<b>7. Фан ва техника</b>	Янги технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларининг корхона томонидан қўллаб-қувватланиши	Илм-фаннинг ривожланиши
Кoeffициент	0,66	0,33
<b>8. Ижтимоий муҳит ва демография</b>	Аҳоли сони, ёши ва жинси бўйича таркибий тузилиши, туғилиш ва ўлиш ҳолатининг даражаси, оилаларнинг тавсифлари	Миграция даражасининг юқорилиги, аҳолининг бандлиги ва таълим даражасининг пастлиги
Кoeffициент	0,76	0,24
<b>9. Жамият ва маданият</b>	Анъаналар, истеъмол маданияти, мода	–
Кoeffициент	0,87	0

Манбаа: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

“Сиркечи Текстил” МЧЖ корхонаси эса ишлаб чиқаришни самарали ташкил

**“Кўкча Текстил” МЧЖ корхонасининг имкониятлари  
ва таҳдидларини аниқлаш**

<b>Баҳолаш параметрлари</b>	<b>Имкониятлар</b>	<b>Таҳдидлар</b>
<b>1. Талаб</b>	Бозор сигимининг юқорилиги, бозорнинг ўсиш суръатлари юқорилиги	Бозорнинг ўсиш суръатлари
Кoeffициент	0,66	0,11
<b>2. Рақобат</b>	Бозорда ўрнини босувчи товарларнинг этишмаслиги, рақобатчилар товарининг камчиликлари	Рақобатчилар сонининг кўплиги, бозорга чиқиш учун тўсиқларнинг пастлиги, рақобатчилар товарлари нархининг пастлиги
Кoeffициент	0,11	0,89
<b>3. Маҳсулотни сотиш</b>	Ишончли воситачилар сони, товарларни тақсимлаш тармоқларининг ривожланиши	–
Кoeffициент	1	0
<b>4. Иқтисод</b>	Инфляция, аҳолининг яшаш даражаси	Валюта курсининг ўзгариши, солиқ ставкалари, меҳнат унумдорлиги, инфратузилма
Кoeffициент	0,44	0,56
<b>5. Юқори корхона томонидан тартибга солиниши</b>	Тармоқ корхоналари билан ўзаро алоқаларнинг характери	–
Кoeffициент	0,83	–
<b>6. Сиёсат ва ҳуқуқ</b>	Юқори даражадаги сиёсий стабиллик, қонунга риоя қилишлик	Аҳолининг ҳуқуқий саводхон эмаслиги
Кoeffициент	0,55	0,22
<b>7. Фан ва техника</b>	Янги технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларининг корхона томонидан қўллаб-қувватланиши	Илм-фаннинг ривожланиши
Кoeffициент	0,88	0,11
<b>8. Ижтимоий муҳит ва демография</b>	Аҳоли сони, ёши ва жинси бўйича таркибий тузилиши, туғилиш ва ўлиш ҳолатининг даражаси, аҳолининг бандлиги	Таълим даражасининг пастлиги
Кoeffициент	0,76	0,09
<b>9. Жамият ва маданият</b>	Истеъмол маданияти, мода	–
Кoeffициент	0,33	0

Манбаа: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

“Узтекс Ташкент” кўшма корхонаси ва “Сиркечи Текстил” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омил маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлигидир. Биринчи корхонанинг заиф томони унинг инновацияларни жорий этишдаги сустлиги бўлса, иккинчи корхона учун бозордаги ҳолатининг ишончли эмаслиги ҳисобланади.

Тавсифлаш ва таҳлил қилишнинг қулай бўлиши учун корхоналарнинг куч-

ли ва заиф томонларини баҳолаш маълумотларини, шунингдек, қулай имкониятлар ва таҳдидларни алоҳида жадваллар кўринишида ифодаладик. Параметрларни аҳамиятлилик коэффициентларининг камайиб бориши тартибида табақалаштириш шуни кўрсатадики, корхонанинг ривожланиш йўлларини ишлаб чиқишда энг аввало, унинг кучли ва заиф томонларига, шунингдек, имкониятлари ва таҳдидларга эътиборни қаратиш зарур.

## 6-жадвал

**“Сиркечи Текстил” МЧЖ тўқимачилик корхонасининг имкониятлари ва таҳдидларини аниқлаш**

Баҳолаш параметрлари	Имкониятлар	Таҳдидлар
<b>1. Талаб</b>	Маҳсулотга талабнинг юқорилиги	Бозор сигими
Кoeffициент	0,65	0,2
<b>2. Рақобат</b>	Маҳсулот сифатининг юқорилиги	Бозорда товарлар ўрнини босувчи аналогик товарларнинг мавжудлиги, рақобатчилар товарлари нархининг пастлиги
Кoeffициент	0,47	0,65
<b>3. Маҳсулотни сотиш</b>	Ишончли воситачиларнинг мавжудлиги	Воситачилар сони ва уларнинг ишончлилиги, товарларни тақсимлаш тармоғининг ривожланиши
Кoeffициент	0,59	0,35
<b>4. Иқтисод</b>	Аҳолининг яшаш даражаси, хом ашё ва материаллар нархи	Инфляция даражасининг юқорилиги, солиқ ставкалари
Кoeffициент	0,48	0,49
<b>5. Юқори корхона томонидан тартибга солиниши</b>	Тармоқ корхоналари билан ўзаро алоқаларнинг характери	–
Кoeffициент	0,4	–
<b>6. Сиёсат ва ҳуқуқ</b>	Юқори даражадаги сиёсий стабиллик, қонунга риоя қилишлик	Аҳолининг ҳуқуқий саводхон эмаслиги
Кoeffициент	0,6	0,4
<b>7. Фан ва техника</b>	Янги технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларининг корхона томонидан қўллаб-қувватланиши	Илм-фаннинг ривожланиши
Кoeffициент	0,72	0,3
<b>8. Ижтимоий муҳит ва демография</b>	Аҳоли сони, ёши ва жинси бўйича таркибий тузилиши, туғилиш ва ўлиш ҳолатининг даражаси, oilаларнинг тавсифлари	Миграция даражасининг юқорилиги, аҳолининг бандлиги ва таълим даражасининг пастлиги
Кoeffициент	0,5	0,2
<b>9. Жамият ва маданият</b>	Анъаналар, истеъмол маданияти, мода	–
Кoeffициент	0,8	0

Манбаа: Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юқорида келтирилган жадваллардан олинган маълумотлар асосида қуйидагилар бўйича хулосалар қилишимиз мумкин:

– корхонанинг тахдидларни минималлаштиришга ва қулай имкониятлардан фойдаланишга имкон берадиган энг асосий устуворликлари (“Узтекс Ташкент” ҚК учун булар – ишлаб чиқариш омиллари, дастгоҳлар ҳолатининг яхшилиги, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг юқори сифати, ресурсларни етказиб беришнинг ишончли каналлари) ҳақида;

– пастроқ рейтингли, аммо шу билан бирга корхонанинг рақобатбардошлигини оширишда аҳамиятга эга бўлган ички имкониятлар (молиявий барқарорлик кўрсаткичлари: фойдалилик, капиталнинг айланувчанлиги; бозор кўрсаткичлари: корхонанинг ўсиш суръатлари, тўғри келаётган бозор улуши; ташкил этиш кўрсаткичлари: манфаатли менежмент) ҳақида;

– корхонанинг асосий камчиликлари (кучсиз маркетинг, юқори сарф-харажатлар, илмий-тадқиқот ишлари, инновацияларнинг қопланиш муддатининг узоклиги) ҳақида;

– имкониятлар (бозорнинг ўсиш суръатлари юқорилиги, бозор сиғимининг ва маҳсулотга бўлган талаб даражасининг етарлича юқори даражаси; анъаналар, истеъмол маданияти, мода, аҳолининг сони, жинси ва ёши бўйича таркиби, туғилиш ва ўлиш ҳолатининг даражаси, оилаларнинг тавсифи) ҳақида;

– эътибор қаратилиши лозим бўлган тахдидлар (кўп сонли рақобатчилар, бозорда ўрни ни босувчи аналогик товарларнинг борлиги, бозорга кириб бориш учун тўсиқларнинг камлиги, рақобатчилар товарининг устунлиги) ҳақида.

Тадқиқот натижаларини яққолроқ ва аниқроқ ифодалаш учун устунликлар, камчиликлар, имкониятлар ва тахдидларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ўртача баллар йиғиндисини аниқлаш лозим. Корхонанинг кучли ва заиф томонларининг (устунликлари ва камчиликлари) максимал қиймати 6 баллга тенг, яъни баҳолаш учун қабул қилинган бандлар сонига тенг. Бунда ҳар бир банд бўйича максимал баҳолаш 1 баллга тенг бўлади. Худди шунингдек, имкониятлар ва тахдидлар бўйича умумий баҳолаш қиймати 9 баллга тенг. SWOT-таҳлилнинг ҳар бир йўналиши бўйича умумий ўртача балл бандлар бўйича умумий баллни тадқиқ этилаётган йўналиш бўйича бандлар сонига бўлиш орқали аниқланди.

$$S\ddot{y}rt. (W\ddot{y}rt., O\ddot{y}rt., T\ddot{y}rt.) = \sum_{(j=1)}^{(i=1)} K_{ij} \div \sum_{(i=1)}^n M_i$$

Бу ерда,  $M_i$  – ҳар бир банднинг максимал қиймати;

$n$  – бандлар сони.

“Узтекс Ташкент” ҚК учун устунликларнинг ўртача баҳоси ( $S\ddot{y}rt.1$ ) қуйидагига тенг:

$$S\ddot{y}rt.1 = (0,81+0,8+0,52+0,51+0,4+0,3) : 6 = 0,56$$

Камчиликларнинг ўртача баҳоси ( $W\ddot{y}rt.1$ ) қуйидагига тенг:

$$W\ddot{y}rt.1 = (0,69+0,6+0,58+0,5+0,5+0,09) : 6 = 0,49$$

Имкониятларнинг ўртача баҳоси ( $O\ddot{y}rt.1$ ) қуйидагига тенг:

$$O\ddot{y}rt.1 = (0,88+0,81+0,78+0,77+0,78+0,71+0,65+0,43+0,33) : 9 = 0,68$$

Тахдидларнинг ўртача баҳоси ( $T\ddot{y}rt.1$ ) қуйидагига тенг:

$$T\ddot{y}rt.1 = (0,72+0,39+0,33+0,33+0,24+0,22+0,11) : 9 = 0,24$$

“Кўкча Текстил” МЧЖ корхонаси учун SWOT-таҳлилнинг йўналишлари бўй-

ича ўртача баҳолаш кўрсаткичлари куйидагига тенг:

$$S\text{ўрт.2} = (0,83+0,47+0,44+0,42+0,15+0,13) : 6 = 0,41$$

$$W\text{ўрт.2} = (0,85+0,58+0,55+0,53+0,38+0,17) : 6 = 0,51$$

$$O\text{ўрт.2} = (1+0,88+0,83+0,76+0,66+0,55+0,44+0,33+0,11) : 9 = 0,62$$

$$T\text{ўрт.2} = (0,89+0,56+0,22+0,16+0,11+0,11+0,09) : 9 = 0,26$$

“Сиркечи Текстил” МЧЖ корхонаси учун SWOT-таҳлилнинг йўналишлари

бўйича ўртача баҳолаш кўрсаткичлари куйидагига тенг:

$$S\text{ўрт.3} = (0,56+0,42+0,71+0,5+0,2+0,26) : 6 = 0,44$$

$$W\text{ўрт.3} = (0,42+0,5+0,09+0,5+0,6+0,69) : 6 = 0,47$$

$$O\text{ўрт.3} = (0,65+0,47+0,59+0,48+0,4+0,6+0,72+0,5+0,8) : 9 = 0,61$$

$$T\text{ўрт.3} = (0,2+0,65+0,35+0,49+0,4+0,3+0,2) : 9 = 0,33$$

“Устунликлар” ва “камчиликлар” йўналишлари бўйича ҳисобланган ўртача коэффициентлардаги фарқ корxonанинг нисбий рақобатбардошлиги даражасини, шунингдек, рақобат мавқеини баҳолаш учун зарурдир. “Имкониятлар” ва “таҳдидлар” йўналишлари бўйича ўртача коэффициентлар фаркига асосланиб, корхона учун, шунингдек, рақобатчилар учун ҳам ташқи муҳитдаги шарт-шароитларга мувофиқ ҳолда нисбий имкониятлар ва таҳдидларни аниқлаш ва баҳолаш мумкин.

Корxonанинг ички ҳолатини тавсифловчи омилларни (кучли ва заиф томонларини) баҳолаш натижалари ва бозор конъюнктураси омиллари (имкониятлар ва таҳдидлар) табақалаштирилади ва корxonанинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида уларнинг ҳаққоний интерпретацияси ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш учун таққосланади.

Тадқиқ этилаётган корxonалар бўйича салбий рақобатбардошлик ҳолатини кузатишимиз мумкин, яъни корxonаларнинг кучли томонлари умуман олганда, улар учун рақобат устунликларини ярата олмайди. “Ўзтекс Ташкент” ҚК учун нисбий рақобатбардошлик даражаси 0,07 ни, “Кўкча Текстил” МЧЖ корхонаси учун 0,1 ни, “Сиркечи Текстил” МЧЖ корхонаси учун эса 0,03 ни ташкил этади. Бозор конъюнктураси имкониятларнинг таҳдидларга нисбатан устунлигини кўрсатади. “Ўзтекс Ташкент” ҚК учун ташқи муҳитнинг қулай имкониятлари даражаси 0,35 га, “Кўкча Текстил” МЧЖ корхонаси учун 0,38 га, “Сиркечи Текстил” МЧЖ корхонаси учун эса 0,28 га тенг.

Ўтказилган таҳлил натижаларига асосланиб, корxonалар салоҳиятининг рақобатбардошлигига нисбатан хулосалар қилишимиз мумкин. Экспертлар томонидан максимал даражада юқори баҳоланган устунлик омиллари бизнеснинг мустаҳкам асосини яратади, улар ҳисобига рақобатчилар корxonани синдира олмайдилар. Нисбатан пастроқ баҳоланган устунлик омиллари эса мазкур омилларни кучайтиришга йўналтирилган фаолият ҳисобига рақобатбардошликни ошириш ички имкониятлари ҳисобланади. Бунда берилган баҳо қанчалик паст бўлса, рақобатбардошликни ошириш ички имониятлари шунчалик юқори бўлади.

Экспертлар томонидан нисбатан юқори баҳоланган камчиликлар омиллари рақобатбардошликнинг пасайишига энг кучли таъсир кўрсатади. Уларга нисбатан биринчи навбатда, рақобатбардошликка салбий таъсирини камайитиришга

қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Камчиликларнинг нисбатан пастроқ баҳо олган омиллари рақобатбардошликка унчалик юқори даражада салбий таъсир кўрсатмайди, аммо мазкур йўналишда ҳам рақобатбардошликни ошириш ички имкониятлари мавжуд.

Максимал бўлиши мумкин бўлган тахдидлар экспертларнинг энг юқори баҳосини, минималлари эса энг паст баҳо олдилар. Корхонанинг ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда корхона менежментининг вазифаси – имкониятлардан фойдаланиш ва тахдидлардан қочишдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Йўлдошев Н., Юсупов С., Захидов Ғ. Менежмент асослари ва бизнес режа. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология”, 2016, –244 б.
2. Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари. Монография. –Т.: “Фан ва технология”, 2013. –152 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).



## БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ КАМАЙТИРИБ КЎРСАТИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ.

Алимухамедов Ш.

Давлат божхона қўмитаси Божхона институти

**Аннотация:** Мазкур мақолада божхона соҳасида божхона тўловларининг ундириши борасида асос сифатида олинадиган божхона қиймати тўғрисида сўз юритилиб, унинг божхона органларида аниқлаш, ТИФ қатнашчилари томонидан уни камайтириб кўрсатишига бўлган уринишларини олдини олиш, унинг таъсирлари, келиб чиқиши сабабларини аниқлашга ва келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритилган.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается таможенная стоимость как основание для взимания таможенных платежей, ее идентификация в таможенных органах, предотвращение попыток ее снижения участниками ВЭД, ее влияние, причины и дальнейшая работа.

**Annotation:** This article discusses the customs value of customs payments as a basis for collection, its identification in the customs authorities, the prevention of attempts to reduce it by participants in foreign economic activity, its impact, causes and further work.

**Калит сўзлар:** божхона тўловлари, божхона қиймати, бюджет, солиқ имтиёзлар, тариф ставкалари, бож, хавф гуруҳи, хавф.

**Ключевые слова:** таможенные пошлины, таможенная стоимость, бюджет, налоговые льготы, тарифные ставки, пошлина, группа риска, риск.

**Keywords:** customs duties, customs value, budget, tax benefits, tariff rates, duty, risk group, risk.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш, ички ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва улар учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратишда божхона хизмати муҳим аҳамият касб этади. Ташқи иқтисодий фаолиятда божхона сиёсатини тўғри амалга ошириш ташқи иқтисодий фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, экспорт товарларини жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлик даражасини ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимида самарали интеграциялашувини таъминлаш билан бирга, давлат бюджети даромадлар қисмини бойитишга ҳамда иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашга имконият яратади. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларида “Товарларнинг божхона қийматини тезкор аниқлаш имконияти бўлмаганда, тадбиркор тўлов қилиб ўша заҳоти маҳсулотини олиб кетадиган, бунга аниқлик киритилганидан кейин фарқни тўлайдиган тизим жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.. [1]

Бож тарифини қўллашнинг асосида божхона қийматини аниқлаш ётади. То-

варларни божхона қийматини аниқлашни оптималлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишига таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларга божхона қийматини тўғри аниқлаш орқали мамлакат бюджетига даромадлар қисмига пул маблағларни тўлиқ тушишига олиб келиб, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштиради, иқтисодиётни ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашнинг энг кенг тарқалган схемаларидан бири товарларнинг божхона қийматини камайтиришдир. Бугунги кунда Ўзбекистонда товарларнинг божхона қийматини камайтириш муаммоси давлатнинг иқтисодий манфаатларига жиддий таҳдид солмоқда. Божхона қиймати божхона тўловларини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилганлиги сабабли, у қонуний солиқ юкини камайтиришни истаган кўплаб ноҳалол ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) иштирокчилари томонидан манипуляция қилинадиган объектга айланади.

Турли давлатлар божхона хизматларининг амалий тажрибасини ўрганишга асосланган экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қийматга боғлиқ ҳуқуқбузарликлар давлат бюджетига ундириладиган божхона тўлови тушумларининг 50% га камайишига олиб келиши мумкин. Мисол учун, ривожланган мамлакатлар мисолида кўрадиган бўлсак, фақат 2004 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларидан Россияга импорт қилинган товарларнинг божхона қийматини нотўғри кўрсатилиши оқибатида давлат бюджети 4,5 миллиард АҚШ долларини юқотди. Финляндия божхона хизмати маълумотларига кўра, Финляндиядан Россияга товарларни экспорт қилишда «иккиламчи» инвайслардан фойдаланиш оқибатида божхона даромадларининг йўқотилиши йилига 500 миллион еврога етган. [2]

Молиявий йўқотишлар масаласи Ўзбекистон Республикасида учун жуда долзарб бўлиб, унинг бюджети божхона ва солиқ имтиёзлари ҳисобига даромад келтиради. Ҳозирги вақтда давлат бюджетнинг даромад қисмида божхона тўловларининг улуши ўртача 21% ни ташкил қилади.

Давлатнинг бюджетдаги зарарлари ушбу турдаги иқтисодий жиноятнинг ягона салбий оқибати эмас. Товарларнинг декларацияда божхона қийматининг нотўғри кўрсатиш умуман мамлакатнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади, бу эса адолатли курашнинг бозор тамойилини бузади. Мамлакат ички бозорида товарлар қийматни камайтириб кўрсатиб декларация қилиш натижасида арзон импорт қилинадиган товарлар ва маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар ўртасида мувозанат бузилиши ҳосил бўлади.

Сохта шартнома нархларидан фойдаланган ҳолда божхона тўловларини минималлаштириш орқали номутаносиб импортчилар рақобатбардош нархларни қўлга киритадилар, бу эса ички бозордан арзон импорт билан рақобатлаша олмайдиган ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини сиқиб чиқаришга олиб келади. Натижада мамлакатимиз корхоналарининг даромадлари қисқаришига, рақобатбардош бўлмаган товарлар ишлаб чиқариш ҳажми камайиб боришига, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида иш ўринлари камайиб боришига олиб келади,

ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодий диверсификация қилиш секинлашади.

Божхона қийматини камайтириб кўрсатишнинг ижтимоий оқибати боғхона органлари ва бошқа назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларининг коррупциясида намоён бўлади. Импорт қилувчининг йирик расмий боғхона тўловлари ва текширувчи инспекторга нисбатан арзимаган ноқонуний “бонуслар” ўртасидаги фарқ туфайли ўз маблағларини тежаш истаги давлат ҳокимияти органларида коррупция ҳолатларининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Товарларнинг боғхона қийматини нотўғри декларация қилишнинг мамлакат учун салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳолатнинг кўламини ўлчаш масаласи жуда долзарб бўлиб қолади. Бундан ташқари, ушбу масала маълум бир илмий қизиқиш уйғотади, чунки ҳозирги вақтда ноқонуний импорт ҳажмини комплекс баҳолашнинг ягона методологияси мавжуд эмас.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, бундай қиёсий таҳлилни ўтказишда Финландия иқтисодчилари турли мамлакатлардаги ташқи савдо статистикасини ўтказиш методологиясидаги фарқларни ҳисобга олмадилар. Статистик маълумотлар ўртасидаги келишмовчиликлар статистик валюта курслари ва ҳисобот саналари ўртасидаги фарқ экспорт ва импортни баҳолаш методологиясидаги фарқлар билан боғлиқ (товарларни халқаро савдо статистикаси қоидаларига мувофиқ товарларни экспорт қилиш ФОВ нархларида, CIF баҳосидаги импортда баҳоланади) келиб чиқади. Шу муносабат билан статистик маълумотлардаги бундай номутаносиблик фақат боғхона қийматини камайтириш ва контрабанда билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас.

Рўйхатга олинмаган импорт улушининг камайишига сабаб сифатида боғхона кодексининг кучга кириши, боғхона тарифининг «ноль» ва тариф ставкаларининг пасайиши, боғхона органларининг хафни бошқариш тизими фаолиятини амалиётга жорий этиш, товарларни шахсий мақсадлар учун боғсиз олиб киришда боғхона қийматидан 30 фоиз, лекин ҳар бир килограми учун 3 АҚШ долларида кам бўлмаган миқдорда ягона боғхона тўлови ставкаси белгиланиши ва бошқалар киради. [3]

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда товарларни нотўғри декларация қилиш ва уларнинг боғхона қийматини камайтиришнинг ҳисобини юртишнинг ягона методологияси мавжуд эмас. Бироқ, турли давлат муассасалари ва илмий доираларда қўлланиладиган ноқонуний импортни баҳолашнинг бир неча усуллари мавжуд:

- экспертларни ёки экспертларни баҳолаш усули;
- «Зеркальная» (ойна) статистикаси усули;
- ички бозор ва талабни ўрганиш ва таҳлил қилиш усули.

Биринчи усулдан фойдаланиш – экспертлардан сўров ўтказиш усули-ноқонуний импортни товарлар савдосининг алоҳида сегментида баҳолаш учун хосдир. Бу ерда, қоида тариқасида, ушбу товарларни сотиш қоидаларини яхши биладиган йирик импортчилар, турли ассоциациялар ва профессионал бирлашмалар мутахассислари бўлиши мумкин.

Ушбу усулнинг салбий томони унинг тор доирадаги маҳсулотларга қўлланиши ва статистик таҳлил маълумотларига мос келмаслиги мумкин бўлган эксперт баҳоларининг субъективлиги ҳисобланади.

Шунинг учун, импорт операциялари бўйича божхона органларига эълон қилинган маълумотларнинг тўғрилигини баҳолаш учун илмий муассасалар ва давлат органлари кўпинча «ойна» статистикаси усулидан фойдаланадилар.

“Зеркальная” (Ойна) статистика усули моҳияти Ўзбекистонда шу товарларни экспорт қилиш бўйича ҳамкор мамлакатлар маълумотлар билан товарларни Ўзбекистон импорт божхона статистика маълумотларни солиштиришдир.


Хозирги кунда Давлат божхона қўмитаси томонидан 33 та хорижий давлатнинг божхона органлари билан ҳамкорлик тўғрисида 137 та халқаро шартнома имзоланган. Ҳозирда бир қатор хорижий давлатларнинг (Россия, Беларус, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон) божхона органлари билан реал вақт режимида экспорт товарлари тўғрисида ўзаро электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. [4]

Таққослаш ҳар бир товар оқимини икки нуқтаи назардан кўриб чиқишга имкон беради: юкни жўнатувчи ва унинг қабул қилувчиси томонидан. Қабул қилинган тахминлардан ташқари ҳисоб-китоблардаги келишмовчиликлар хорижий давлатларда статистик ҳисоботнинг номувофиқлигини кўрсатиш мумкин.


Таъкидлаш жоизки, “Зеркальная” (ойна) статистикаси усули кўпинча илмий муассасалар ва давлат органлари томонидан божхона органларига импорт ва экспорт операциялари бўйича эълон қилинган маълумотларнинг тўғрилиги даражасини баҳолаш учун фойдаланилади. Бундай баҳолашлар жуда аниқ ва объектив кўрсаткич сифатида қаралмаслиги керак. Бу импорт ва экспорт давлатларида статистик ҳисоб-китоб усулларининг фарқлари туфайли ўлчов хатолари билан эмас, балки экспорт мамлакатларидаги статистик маълумотларнинг ҳақиқийлиги билан боғлиқ.

Хитой давлати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алмашилган маълумотлар мисолида кўрамиз:

2018,2019,2020 йилларда Ўзбекистондан Хитойга экспорт қилинган



## 2018,2019,2020 йилларда Ўзбекистонга Хитойдан импорт қилинган



Расм 2.

Бунинг сабаби шундаки, экспорт импортга нисбатан анча соддалаштирилган ва божхона органлари томонидан тақдим этилган нарх маълумотларининг ишончлилигини назорат қилишнинг етарли эмаслиги эҳтимоли юқори. Бундан ташқари, дунёнинг аксарият мамлакатларида экспорт божлари ва солиқлари қўлланилмайди. Шу нуқтаи назардан, экспорт қилинадиган товарларнинг божхона қиймати солиқ базаси сифатида белгиланмайди ва статистика мақсадлари учун FOB шартларига олиб келадиган статистик қиймат қўлланилади.

Экспортда статистик маълумотларнинг ишончлилигини таъсир қилувчи яна бир салбий омил-ҚҚСни ноқонуний қайтариб олиш мақсадида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда экспортчилар томонидан қўлланиладиган «сохта экспорт» каби уринишлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 27 июль куни яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда божхона ва солиқ тизимига доир масалалар ҳам кўриб чиқилиб, инсон омилига чек қўйиш орқали контрабанда ва маҳсулотларнинг божхона қийматини сунъий пасайтириш ҳолатлари устидан божхона назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасига импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. [5]

Шундай қилиб, божхона қийматини нотўғри декларация қилиш ҳажмини баҳо-

лашнинг турли усулларидадан фойдаланиш имконияти, давлат томонидан қабул қилинган божхона тартибга солиш ва ташқи савдо фаолиятини назорат қилиш чора-тадбирларининг самарадорлигини аниқлашга имкон беради. Бугунги кунда ушбу муаммонинг кўлами давлатдан божхона тўловларини тўлашдан ноқонуний равишда бўйин товлашга қарши курашиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни қабул қилишни талаб қилиб, хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратмоқда.

Қуйидаги тадбирларни амалга ошириш божхона қийматини камайтириш ва нотўғри декларацияга қарши самарали курашда тизимли чоралар ҳисобланади:

- божхона органлари ўртасида хавф гуруҳига кирувчи товарларнинг қиймати тўғрисида олдиндан хабардор қилиш технологиясини жорий этиш;

- нотўғри декларация қилиш хавфини текшириш ва таҳлил қилиш усулларига асосланган товарлар чиқарилгандан сўнг божхона қийматини назорат қилиш;

- танланган назорат тамойилини қўллаган ҳолда божхона расмийлаштируви жараёнида божхона қийматини назорат қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш;

- энг кўп солиқа тортиладиган товарлар учун нархлар маълумотлар базаси яратиш;

- ваколатли иқтисодий операторлар институтининг дастлабки ва кейинги назорат босқичларида божхона қийматини назорат қилишни жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи институтни ташкил этиш, уларнинг қонунга бўйсунуш мезонларини баҳолаш;

- қўшма текшириш тадбирларини ўтказишда божхона органларининг солиқ ва бошқа назорат органлари билан яқин ҳамкорлигини ташкил этиш;

- ташқи савдо битимларининг товарлар нархининг «сунъий» пасайишига таъсир қилувчи омиллар мавжудлиги ва шартларини ўрганиш бўйича божхона органларининг аналитик ишининг сифатини ошириш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда божхона қийматини аниқлашнинг мантиқий назорат дастурларини яратилиши мазкур йўналишда олиб борилаётган назорат ишларини онсонлантиришга олиб келишини ва бу орқали факолатли иқтисодий операторларни кўпайтиришга эришишнинг ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун сарф қилинадиган вақтни қисқартириш учун эришилишга олиб келадиган яна бир омил сифатида қараш мумкин бўлади.

### Адабиётлар:

1. (Шавкат Мирзиёев ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислох қилиш бўйича йиғилиш) (05.02.2020) [1]

2. T I M S P r i c e a n a l y s i s a n d v a l u a t i o n d a t a b a s e : t a c k l i n g v a l u a t i o n f r a u d a n d a s s i s t i n g w i t h a d o p t i o n o f W T O r u l e s . S u t t o n , U n i t e d K i n g d o m , 2 0 0 0 . [ 2 ]

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада тако-

миллаштириш тўғрисида” ПҚ-4508-сон қарори. [3]

4. Мажлиса депутатлар Давлат божхона қўмитаси раиси М.Азимовнинг “2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси ижроси тўғрисида”ги ахбороти/ [4]

Тилга оид қизиқишлари эса қуйидагича ифодаланди:

- тил билган эл билади;
- инглиз тили жуда ёқади;
- инглиз тили жуда қизиқарли;
- тил билиш жуда керак, зарур ва ҳоказо.

Инглиз тили фанини ёқтирмайман, тушунмайман деган ўқувчилар ҳам бор (ўғил болалар). Улар 2-3% ни ташкил этади.

Кўринадики, бугунги кун ўқувчиси чет тилларни ўрганиши ва билиши ҳаётий зарурат эканлигини, ҳар томонлама комил инсон бўлиши учун муҳим аҳамият касб этишини тушунади.

### 2. Инглиз тилини ўрганишда қайси тилга суянасиз?

Бу савол

орқали ўқувчининг тил тажрибаси, қайси тил кўпроқ ёрдам беришини аниқлаш кўзда тутилган. Ушбу саволга 50% ортиқ ўқувчи рус тили деб жавоб берган, чунки рус тили инглиз тилига яқин эканлиги ҳисобга олинган бўлиши мумкин.

3. Инглиз тилини ўрганиш қийинчиликлари қаторига ўқувчилар қуйидагиларни киритишган:

- тиллар бошқача бўлганлиги;
- гапириб бериш қийинлиги;
- таржима қилиш қийинлиги;
- инглиз ва ўзбек тилларида анча фарқлар борлиги;
- ҳар бир тилнинг ўз қўшимчалари борлиги;
- у бизнинг она тилимиз эмаслиги;
- инглиз тилига ўрганмаганлиги, (яъни табиий муҳит йўқ демоқчи);
- тилимиз келишмайди ва бошқалар.

Сўровнома натижаларига асосланиб қуйидагича ҳулоса қилиш мумкин.

5-6 синф ўқувчилари берилган топшириқларни мустақил бажаришга қийналишади, айниқса уй вазифаларини кўпчилик ўқувчилар бошқалар ёрдамида ёки қўшимча дарсларда бажаришади, улар хато қилишдан, оқибатда паст баҳо олишдан кўрқишади, ўзларига бўлган ишонч етарли эмас. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ўқувчини чет тилда мустақил ижодий фикрлашга ўргатувчи машқ ва топшириқлардан кенг фойдаланиш зарурати туғилади. Инглиз тилини ўрганишда

ўқувчилар санаб ўтган ва бошқа қийинчиликларни, интерференция, ва хатолар олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўриш керак бўлади; хусусан, ўзбек ва инглиз тилларидаги фарқ ва ўхшашликларни аниқлаш, қиёслаш, фарқлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатиш зарур.

Бунинг учун такрорлаш, тақлид қилиш, ёдлаш каби машқлар ўрнига мустақил, танқидий, ижодий фикрлашга йўналтирилган, муаммоли вазиятларда мулоқот қила оладиган ўқувчи шахсини тарбиялайдиган машқ ва топшириқлар, технологиялардан кенг фойдаланиш жуда зарур деган хулосага келиш мумкин.

5-6 синф ўқувчилари инглиз ва рус тилларидан маълум даражада тажрибага эга эканликларини ҳисобга олган ҳолда саволномадаги топшириқлар уч тилда берилди.

Ўқувчилар билан ўтказилган суҳбат, саволномалар, кузатув натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, турли мактаблар 5-6 синфларида когнитив компетенциялар шаклланганлик ҳолати нисбатан бир хил ТГ ва НГ ўқувчилари ўртасида ҳам фарқ катта эмас ва бу ҳолат тажриба–синовда объектив кўрсаткичлар олишга имкон беради деб ҳисоблаш мумкин.

Ўқувчилар когнитив компетенцияси шаклланганлик ҳолати, яъни мотивацияси, хотираси, қиёслаш олиши, фаҳмлаш, таҳлил ва умумлаштира олиши, мустақил, танқидий, ижодий фикрлай олиши ва бошқа малакаларни аниқлаш мақсадида анкета – сўровномалар ўтказилиб, натижалар бўйича хулосалар умумлаштирилиб тавсиялар ишлаб чиқилди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.**

**2. Умумий ўрта таълим мактаблари учун инглиз тили ўқув дастури. Тузувчилар: Ж.Ж.Жалолов, М.Т.Ирискулов, - халқ таълими. Илмий методик журнал 4-сон 2013 й.**

**3. Lutfullo Jo'rayev, Svetlana Xan, Ludmila Kamalovna "New Fly High 5." "O'qituvchi" Nashriyot-Matbaa Ijodiy Uyi. Toshkent-2017.**

**4. Svetlana Xan, Ludmila Kamalova, Lutfullo Jo'rayev "Teens' English 6." "O'qituvchi" Nashriyot-Matbaa Ijodiy Uyi. Toshkent-2018.**

**“БИЗНИ ЖАҲОЛАТ – ЖАҲЛИ МУРАККАБ” –  
“ТАРАҚҚИЙ”НИНГ БИРИНЧИ СОНИДА БОСИЛГАН ВА  
ТАЪҚИБГА УЧРАГАН МАҚОЛА ХУСУСИДА**

**Акбар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎзЖОКУ мустақил тадқиқотчиси**

***Аннотация.** Мақолада XX аср бошларида Туркистон ўлкасида жадиidlар томонидан чоп этилган биринчи миллий матбуот – “Тараққий” ва унда берилган мақолалар мазмуни ҳақида ёзилган. Шунингдек, мақолада маърифатсизликнинг жадиd матбуотида танқид қилиниши, таълим соҳасидаги янги гояларнинг жадиd матбуотида тарғиб этилишига оид муаммолар ва уларнинг ечимларини очиб беришига ҳаракат қилинади.*

***Калит сўзлар:** миллий уйғониш, миллий гоя, маърифат, жадиd, жадиd матбуоти, ҳурофот, янги усул мактаблари, маориф, метрополия, колония, тарбият, рус-тузем мактаблари.*

1905 – 1907 йиллар - биринчи рус инқилоби. Дастлабки миллий матбуотнинг пайдо бўлиши ана ўша даврларга тўғри келади. Чунки ҳокимиятни қўлга киритаётганлар ҳам, уни қўлда сақлаб қолишга ҳаракат қилаётганлар ҳам матбуотнинг жиловини бўшатишган эди. Бундай имкониятдан фойдаланган Туркистоннинг тараққийпарварлари ўз дунёқарашлари ва фикрларини оммага тарғиб қила бошлади. Бу жараёнда матбуот уларга қўл келди.

Жадиdlар томонидан босилган матбуотда мақола ва хабарларнинг мазмуни асосан илғор гояларни тарқатиш, мустамлакачи ҳокимият томонидан маҳаллий аҳолининг камситилиши ва Туркистонни мустақил давлатга айлантириш йўллари тўғрисида эди.

Дастлабки ўзбек тилида чоп этилган “Тараққий” газетасида босилган мақолалар тўғрисида Исмоилбек Гаспринский “Тараққий” газетасининг маслағи тараққийпарварлик эканлиги таъкидланади .

Биринчи сониданоқ очикчасига халқни ҳурликка, озодликка чорловчи материаллар босган “Тараққий” газетаси расмий матбуот органи бўлган “Туркистон вилоятининг газети” томонидан қаттиқ таъқиб остига олинган. Жумладан, унинг биринчи сониданоқ чоп этилган Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг “Бизни жаҳолат - жаҳли мураккаб” номли мақоласи танқид остига олинди, унда анъанавий мактабларнинг баъзи муаллимларини жоҳил, нодон ва жаҳолатда қолган дейиш уларга нисбатан ҳурматсизлик эканлиги таъкидланган .

Мақола синчиклаб ўрганилса, муаллиф бутун жамиятда талимнинг йўқлиги, саводсизликнинг энг аянчли ботқоғига тушиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бунда муаллиф нафақат ҳукуматни, балки, маҳаллий аҳолининг ҳам юзига оина тутади.

*Ҳар миллатни мактаб ва мадрасаси ўлдиги каби бизни ҳам мактаб ва мадра-*

саларимиз гарчи бенизом ва беусул бўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмасдур. Ҳар миллат авлодини тарбият ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва гайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва гафлат зулматида қолмоқига ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганича таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар, дейилади мақолада.

Мақоланинг биринчи сатрларидаёқ сезиш мумкинки, бунда аччиқ хўрсиниш, киноя бор. “Бенизом ва беусул бўлса ҳам”, дея гапини давомлайди муаллиф. Яъни XX асрнинг бошларида дунёда бўлаётган ўзгаришлар, илм-фандаги ютуқларга ишора қилиб, бизда ҳам мактаблар номига бўлсада, йўқдан кўра бор маъносида гапиради. Шунингдек бу мактабларда дарс берадиган саводсиз муаллимларнинг нимадир билим беришига ишониб-ишонмай ёзади.

Ва лекин дунёга нима учун келгани билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай жонидин ширин болаларини кўча-бақўча кездуриб бечора маъсумни умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедийнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўб диндошларимизни кўрамизки, ўз фарзандларини асло мактабга бермай, орқаларидин эргаштуриб руслар эшикида ўзлари каби хизматчиликга ўргатуб дунёи ва охиратни саодати ўлгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибод қилмаслар. Мақолада энг аччиқ, инсонни ўйлантирадиган, уйғотадиган ва Чор ҳукуматининг ғашига тегадиган жойи ана шу жойда. Бу гап билан муаллиф Туркистон халқига “тарсаки” тортиб юборади. Бу гап билан, руслар хизматида бугуни ва эртасини илмсизлик билан ўлдираётганини очикчасига ёзади. Нега айнан “Руслар эшикида”, деб ёзади? Ахир маҳаллий бойлар ҳам бўлганку. Чунки муаллиф айнан “руслар” сўзини киритиш билан халққа зуғум ўтказган, хурлиги, эрки ва озодлигини тортиб олган одамлар хизматини қилишдан кўра, истилочиларга илм-маърифат билан қарши курашиш лозимлигини айтади.

Баъзи азизларимиз бордурки, ўглини қўлидин тутуб мактабга олиб борур. Муаллимдин талаб қилурки, “Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники, устухони бизники, бир илож қилиб тезлик ила нақд ва насиё ёзмоқни ўргатиб берурсиз” дер. “Эшакка ярашур тушови” деган сатрларни мақолича, муаллимларни ҳам аксарлари қонунни таълим ва тарбиятдин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари вазҳидин бечора маъсумларни истеъдод уз-зотиясига назаран икки йил зарифида ҳеч лавозимоти динийни билдурмоқ мумкин ўлгон ҳолда тўрт-беш йилгача ҳижжа усули бирла дунёи ва охиратга фойдаси ўлмагон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедиллар каби мушкул манзума китобларга умри азизини барбод этарлар.

Ушбу жумлаларда саводсиз муаллимларва эски усул мактабларини қаттиқ қоралайди. Дунёвий билимларни ўрганиш, ҳисоб-китоб, савдо-сотик ва бошқа билимларни эгаллаш ўрнига, фақат одамнинг умрини ўтказиб, болалар тушунмайдиган диний китобларни ёд олиб юришини ёзади.

Мақоланинг кейинги жумлаларида одамларга илтижо билан мурожаат қилади: *Эй ватандошлар! Диққати назар ила боқинг! Бир болани мактабга бермакдин мақсуд ва ижобати диниямиз ўлгон илми қироат, масоили эътиқодийя, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаби ҳаром, макруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларини*

ва ҳам зарурияти дунёвиямиз ўлгон илми ҳисоб, жузрофия, таворих, хусусан тарихи ислом каби фойдалиқ илмларни билдурмоқ ўлгон жоҳил домлаларни таълими “Фалоннинг қоши қаро, кўзи қаро, юзи оқ, сўзи ширин” деб болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладургон манзума китоблар ўлмиш, деб таълимдаги нуқсонларга урғу берилади.

Мақола муаллифи Мунаввар қори Абдурашидхонов 1901 йилда ўз ховлисида, кейинчалик Тошкентнинг турли даҳаларида жаид мактабларини очади. У эски усул мактабларининг нақадар нотўғри йўл эканлигини яхши билган. Шу боисдан, усули жаид мактабларида таълим олишни, дунёвий билимларга кўпроқ урғу беришга ундаган.

Мақолада муаллиф иқроқ бўлиш, ўзига ва ўқувчига тасалли бериш йўли билан муштарийларни мушоҳада қилишга, фикрлашга ундайди: *Бу хусусда отада ҳам айб йўқ. Чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмақ ёлғиз нақл ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ. Чунки бу зикр қилингон умуми заруриятларни бечора муаллимни ўзи ҳам билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшиткон эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам, мактабларда болаларга ўқитгудек булардин бошқа бир китоб топилмагон замонларда ўзи ўқуб билгон китоблари шу китоблар ўлдиг-чун эски ўрунларда эски тушларини кўрмакдадур. Мани бу сўзимдин Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуг зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани гаразим бу китобларни зотини бефойда демак эмас. Балки ёи болаларга бу китобларни таълими бефойда демакдур. Масалан, бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий ўрнида масоили эътиқодийя, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалига илми ҳисоб ўқутулса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб мусулмон ўлур. Бу гап билан у Навоий, Фузулий каби мутафаккирлар асарларини бола тушунмайди ва мағзини чақишга ақли ва илми ҳали етмайди, дейди.*

Шунингдек, Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқумагунча болаларни саводи чиқмас. Бу ҳам эътиқоди фосид ва давоъи бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятининг бошқа вилоятларда ҳеч кимни саводи ўлмас эди. Ваҳоланки, бошқа вилоятларда ҳам билмайдургон киши юздан ўн ўлса, Туркистон вилоятида юздин тўқсондур.

Мақолада эски давр мактабларининг ўқитиш усули, золим ва жоҳил муаллимлар ҳақида аччиқ истехзо билан ёзилган.

*Кўргуси ва билгуси келган киши бизни Тошкент мактабларининг бирига кириб, икки соат истиқомат қилсун. Чунки, демак мумкиндики, муаллим афанди қўлида зўр бир таёқ, қайси болани боши ҳаракатдан қолса, ушбу таёқ шу болани бошида ўлур. Аммо ўқугон-ўқумагон ила ҳеч кимни иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтурса, кифоя қилур. Ҳаттоки, ўткан йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёқини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим ва бадхўлқ жоҳил муаллимларни тарбиясида ўскан болалардин нима умид қилмоқ керак. Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид этдуклари нақд ва насия ёзмоқ ҳам танҳо ўндир бир, йигирмадин бир болага ҳосил ўлуб, бошқалари*

эса “Мақтабда ўқумоқ игна ила чоҳ қазимоқдан ҳам қийин (мушкул) экан”, дея-дея қочар-кетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиги, мактабни бенизомлиги ўлур. Агар бизларни мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низома қўйилуб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик кишилардин муаллимлар тайин қилинса эди”, маъсум авлодаримизни руҳоний ҳаётига, дунё ва охиратини саодатига биринчи сабаб ўладургон ҳам ва маорифин бу даражада маҳрум ўлмоқиға сабаб ўлмас эдук. Эй қардошлар ва эй миллатдошлар!! Кўзумизни гафлат уйқусидин очиб атрофимизга назар солмакимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодати, ҳол ва истиқболни муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмоқиға қаноат ҳосил қилуб, илм ва маорифға ортуқ даражада кўшиши қилгон бу замонда бизлар бу гафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб, ҳамма оламга масхара ва кулгу ўлмоғимизда шубҳа йўқдур. Балки бу жаҳолат зулматида саодати охириядан ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидур.

Мақола сўнггида яна бир марта босқинчилар номини тилга олади. Илм-фан ўрнига маишатда юрган эр йигитларга мурожаат қилади. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдуғимиз ҳолда, мусофир ва рус ва яҳудийлар эшикида мардикор ва хизматчи ўлдук. Ва бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоқға лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқариб, истеъдод ва гайратларини чойхона фивахоналарга сарф этмакдадурлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бехбудий, Фитат, Мунавварқори каби миллат жонкуярлари мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалар ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатар эдилар. Бу йўлда ҳатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ғоялар айна давр учун ҳам ниҳоятда зарур. Биз эркин фуқаролик жамияти куришни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Бу улуғвор вазифаларга эришишда Президентимиз айтганларидек “... ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин». Кўриниб турибдики, жадидлар бундай бир аср илгари миллатни уйғотиш учун таълимни ривожлантириш ва замонавийлаштириш учун ҳаракат қилди. Бу ҳақда профессор Бегали Қосимов қуйидаги ҳақ гапни айтган эди: “Жадидларнинг ўлмас ғоялари, айниқса, улардан учтаси бугунги кун учун ҳам сув билан ҳаводек зарур. Булар: жасорат, маърифат, фидойилик!”

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мунаввар қори Абдурашидхонов “Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб” Тараққий газетаси – 1906 йил 14 июн 1-сон.
2. Маҳмудхўжа Бехбудий “Миллатлар қандай тараққий этарлар”, Самарқанд газетаси — 1913 йил 30 июль 2-сон
3. Холбоев С. Жадидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фао-

лияти ва тақдири //Жадилчилик: ислохот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш-Т.: “Университет”, 1999 йил, 18-бет

4. А.Қодирий “Маъориф шўроси диққатиға” (Жу-бой) Иштирокиюн газетаси — 1919 йил, 23 сентябр, 180-сон

5. Махмудхўжа Беҳбудий “Муҳтарам ёшларға мурожаат”, Ойна журнали — 1914 йил 41-сон

6. Мунавварқори Абдурашидхонов. “Туркистон шўролар жумҳуриятидаги маорифпарвар ёшларға хитоб”, Туркистон газетаси — 1923 йил, 1 январь

7. Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, иаърифат, фидойилик. – Тошкент, “маънавият”, 2002

## O'QUVCHILARDA IJODIY FIKRLASH QOBILYATINI MUSTAQIL TOPSHIRIQLAR ORQALI RIVOJLANTIRISH.

**Alimova Komila Dekanovna**

**Toshkent davlat stomatologiya instituti**

**O'zbek tili va pedagogika kafedrasida katta o'qituvchisi .**

**Annotatsiya:** Ushbu maqola ijodiy fikrlash, mustaqil topshiriq, mustaqil ishlash ko'nikmasi, ijodiy qobiliyat, o'quv jarayonida mustaqil topshiriqlarni bajarish orqali o'quvchilarda ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish imkoniyatlari haqidagi so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** ijodiy fikrlash, mustaqil topshiriq, mustaqil ishlash ko'nikmasi, ijodiy qobiliyat, hayotiy ko'nikmalar.

**Аннотация:** Эта статья о творческом мышлении, самостоятельном задании, самостоятельной работе навыки, творческие способности, через самостоятельные задания в процессе обучения обсуждает возможности развития навыков творческого мышления учащихся творческие способности, жизненные навыки.

**Ключевые слова:** творческое мышление, самостоятельное задание, навыки самостоятельной работы.

**Abstract:** This article discusses creative thinking, independent assignment, independent work skills, creative ability, and opportunities to develop creative thinking skills in students through independent assignments in the learning process.

**Keywords:** creative thinking, independent assignment, ability to work independently, creative ability, life skills

Mamlakat iqtisodiyotining yuksalishi, rivojlanishi o'sha mamlakat ta'lim tizimining rivojlanganligiga bog'liqdir. Hozirda yangilanayotgan jamiyat uchun hamda erkinlashayotgan iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy munosabatlar uchun, avvalo, shu sifatlarga mos tarzda faoliyat ko'rsatishga qodir ta'lim tizimi zarur. Shuning uchun ham ta'lim tizimiga O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy taraqqiyoti sohasida ustuvor yunalish deb yondashiladi. Mustaqil ta'lim olish jarayonida kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish dolzarb masala ekanligini e'tirof etar ekanmiz, ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma'naviy-

axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, boshlang'ich ta'lim ta'limni modernizatsiya qilish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida qabul qilingan barcha hukumat qaror, farmonlari mazkur muammolarni bartaraf etishga qaratilganligini e'tirof etish mumkin.



O‘quv jarayonida o‘quvchilarning ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish muammolarini hal etish doimiy dolzarb hisoblangan masala hisoblanadi. Shu bois, “Ta’lim to‘g‘risida” gi Qonunda mustaqil fikrlaydigan, yuqori malakali mutaxassis kadrlar tayyorlash tizimi aks ettirilgan. Shuningdek, mazkur muammolarni tizimli hal qilish borasida Respublikada huquqiy me‘yoriy asoslar yaratildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi «O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PF-5712-sonli Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 08.12.2018 dagi 997-son “Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot Tashkiloti tomonidan o‘tkaziladigan PISA va TALIS xalqaro tadqiqotlarida ishtirok etishi to‘g‘risida”gi Qarori, shuningdek, o‘quvchilarga bilim berish, ularda ko‘nikma va malakalarni rivojlantirish va hayotiy kompetensiyalarni tarkib toptirishga oid bo‘lgan yondashuvlarni tahlil qila turib, shuni aytish mumkinki, o‘quv jarayonida mustaqil ishlarni tashkil etish zarurligining ahamiyatini avvaldan anglab yetganlarini ko‘rish mumkin.

F.A.Disterveg o‘quvchilarni aqliy kuchlarini rivojlantirish g‘oyasini ko‘rib chiqib, shuni ta’kidlagan: “rivojlanish va ta’lim hech bir insonga berilishi va yetkazilishi mumkin emas. Har kim bunga shaxsiy faoliyati bilan erishishi kerak. Inson o‘zining mustaqil yo‘l bilan egallamagani - uniki hisoblanmaydi” deb fikr bildirgan. Buyuk mutafakkirimiz Abdulla Avloniyning fikricha, -«Fikr tarbiyasi eng kerakli, ko‘p zamonlardan taqdir(orzu) qilib kelingan, muallimlarning diqqatlariga suyalgan va vijdonlariga yuklangan muqaddas bir vazifadir. Fikr insonni sharofatlik, g‘ayratlik bo‘lishiga sabab bo‘lur»-deb yozadi o‘zining «Turkiy guliston yoxud axloq» asarida. Yana shu asarida badan tarbiyasi bilan bir qatorda fikr tarbiyasiga ham alohida ahamiyat beradi. Uning takidlashicha, fikr tarbiyasi “muallimning yordamiga so‘ng darajada muxtojdir” va insonhayotida muhim ahamiyatga ega: “Fikr agar yaxshi tarbiyat topsa, Xanjar olmosdan bo‘lur o‘tkur. Fikrning oynasi olursa zang, Ruhi ravshan zamir o‘lur benur” deb aytib o‘tganlar.

L.V.Golish va D.M.Fayzullayevalar o‘zining olib borgan ilmiy tadqiqot ishlarida ta’lim oluvchilar tomonidan mustaqil ishni bajarishda ularning faoliyati tizimida ko‘rsatilgan har bir elementlarning muvaffaqiyatli rejalashtirish, tashkillashtirish, monitoring va baholash zarur ekanligini asoslab berishgan.

O‘zbekiston Respublikasida a’limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlarini belgilash, zamonaviy bilim va yuksak ma’naviy-axloqiy fazilatlariga ega, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish, ta’limni modernizatsiya qilish, ilg‘or ta’lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish borasida katta ishlar olib borilmoqda. Jumladan, dars va darsdan tashqari jarayonlarda o‘quvchilarning mustaqil ish ta’lim soatlari ulushini oshirish, talabalarda mustaqil ta’lim olish, tanqidiy va ijodiy fikrlash, tizimli tahlil qilish, tadbirkorlik ko‘nikmalarini shakllantirish, o‘quv jarayonida kompetensiyalarni kuchaytirishga qaratilgan metodika va texnologiyalarni joriy etish, o‘quv jarayonini amaliy ko‘nikmalarni shakllantirishga yo‘naltirish, buborada o‘quv jarayoniga xalqaro ta’lim standartlariga asoslangan ilg‘or pedagogik texnologiyalar, o‘quv dasturlari va o‘quv uslubiy materiallarni keng

joriy etish masalalarida o'quvchilarning mustaqil ishlash ko'nikmalarini uzluksiz ta'minlash orqali ulardagi zaruriy kompetensiyalar, ijodiy yaratuvchanlik, tadqiqotchilik, mantiqiy tafakkurini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilgan. Bugungi kundagi ta'lim tizimida olib borilayotgan islohotlar o'quvchilarni mustaqil fikrlashini rivojlantirish, individual ta'lim trayektoriyalariga asoslangan, ularda kreativ fikrlash, amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga oid muammolarni bartaraf etishga qaratilgandir.

Zamonaviy sharoitda ta'lim jarayonining barcha imkoniyatlariga ko'ra shaxsni rivojlantirish, ijtimoiylashtirish va unda mustaqil, tanqidiy, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashga yo'naltirilishi talab qilinmoqda. O'quvchilarning fikrlash darajasini faol rivojlantirish, tabiiy sikl mavzulariga qiziqish uyg'otish va o'quvchilarda ekologik dunyoqarashni shakllantirishga men dars uslublariga eng yangi pedagogik texnologiyalarni kiritish orqali erishaman. Hatto Ushinskiy: «Bilimlar to'planmasdan rivojlanish -bu sovun pufagi», degan. Talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlanishiga ko'maklashish uchun darsni o'qitishning shakllari va usullarini o'zgartirish, ularni diversifikatsiya qilish va o'quvchini o'quv jarayonining faol ishtirokchisiga aylantirish zarur. O'qituvchi va talabaning darsdagi birgalikdagi ishi bu darsni interaktiv qiladi. Shunday qilib, ta'limning yangi, nostandart (interaktiv) shakllari, o'quvchilarga shaxsiy yondashuv-ta'lim va tarbiya vazifalarini samarali hal qilishga, o'quvchilarning kognitiv faolligini oshirishga va har bir o'quvchining ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan ta'lim faoliyatini takomillashtirish usullari. Har qanday dars qiziqarli va ma'lumotli bo'lishi uchun, men har bir mavzuni rejalashtirishda, noma'lum, sirli joy qoldirishni muhim deb hisoblayman, shunda har bir dars katta fan olamiga kichik oyna bo'ladi. Buning uchun har qanday vazifaga mantiqni rivojlantirish, sabab-oqibat munosabatlarini aniqlash bilan bog'liq elementlarni kiritaman. Va bu erda eng qiyin narsa -bu reproduktiv emas, balki rivojlanuvchi va dars turidan qat'i nazar, hatto darsda ham, men dars beradigan vazifalarni o'z ichiga oladigan vazifalarni tanlash -bu nafaqat o'rgatibgina qolmay, balki «diqqatga sazovor joylarni» ham o'z ichiga oladi. ijodiy fikrlashni rivojlantirishga hissa qo'shadi. Ijodiy fikrlash-insonning o'z oldida turgan muammoni aniq maqsad va vazifalarni belgilagan holda o'z bilimi hamda hayotiy tajribalariga tayanib, o'z intellektual imkoniyati darajasida turli yo'l, usul, vositalar yordamida, ijodiy ravishda hal qilishdan iborat bo'lgan aqliy faoliyatidir. Ushbu faoliyatning aynan boshlang'ich sinflardan boshlab o'quvchilarda shakllantirish ularda kelajakdagi ta'lim olish va kasbiy kompetensiyalarining rivojlanishida muhim omil bo'lib hisoblanadi. Boshlang'ich ta'lim jarayonida mustaqil topshiriqlar berish orqali o'quvchilarda ijodiy fikrlashni

rivojlantirish shartlari quyidagilardan iborat:

- tanqidiy fikrlash;
- sifatni tahlil qilish qobiliyati;
- noan'anaviy munosabatlarni shakllantirish qobiliyati, voqealarning mumkin bo'lgan rivojlanishini tushunish;
- mantiqiy zanjir yaratish qobiliyati, yangi g'ayrioddiy g'oyalarni taqdim etish;

- an'anaviy sxemalar, qarorlar, harakatlar bilan chegaralanib qolmaslik;
- muammoli vaziyatlarni tezda hal qilish;
- yetarli echimni tanlash;

▪muammoga tinch yondoshish. Boshlang'ich ta'lim jarayonida mustaqil topshiriqlar berish orqali o'quvchilarda ijodiy fikrlashni rivojlantirish natijasida o'quvchida mustaqil ishlash, ijodkorlik, tadbirkorlik, faollik kabi xislatlar tarkib topadi. Mustaqil ishni muvafaqqiyatli bajarish o'quvchidan sabr-toqat va mashaqqatlardan qo'rqmay o'z ustida ishlashni talab etadi. Ushbu muammo Sharq muttafakkirlarining ta'limiy-tarbiyaviy merosida ham o'z aksini topgan bo'lib, ularning asarlarida o'quvchiga sifatli ta'lim-tarbiya berishda ustozning muloqot madaniyati va munosabati ham alohida ahamiyatga egadir.

Yuqordagilarni inobatga olgan holda shuni ta'kidlash joizki, talabalarga dars va darsdan tashqari jarayonlarda o'quvchilarga mustaqil topshiriqlar bajartirish orqali ularning ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish uchun o'qituvchilardan yuqori pedagogik mahorat va kasbiy kompetenlik talab etiladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, hozirgi paytda ham nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarga ega, o'zgarishlarga moslanuvchan, erkin fikrlaydigan, kasbiy hamda hayotiy muammolarini mustaqil hal qila oladigan mutaxassislar, kadrlarga ehtiyoj katta. Shu bilan birga, bugungi davr yoshlardan har tomonlama bilimdonlik, mustaqil fikrlay oladigan, tashkilotchilik qobiliyatiga ega shaxs darajasini talab etadi. Bunday talablarning bajarilishi albatta ularni butun hayoti davomida bilim olishga o'rgatish orqali ta'minlanadi. Faol ta'lim sharoitida o'zlashtirilgan bilim, egallangan ko'nikma va malakalar mazmunan tizimli va mantiqan tugallangan tarzda shakllantirilib turli ishlab chiqarish vaziyatlarida qo'llashga imkon beradi.

Ta'lim oluvchilarni faollashtirish ularning mustaqil ishlash va o'rganish qobiliyatlarini rivojlantirish imkonini beradi. Mustaqil topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchilarning tashkilotchilik qobiliyatlarini rivojlantirishdagi muammoni yechimi sifatida o'qitishni innovatsion ta'lim texnologiyalari asosida olib borish, ta'limga yangicha munosabatda bo'lish, mehnat bozori talabidan kelib chiqib, zaruriy va chuqur nazariy bilimlarni egallash, amaliy ko'nikmalarini shakllantirishga o'rgatish zarur.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Дилова Н.Ф. (2018). Буюк ажодларимизнинг таълимотларида мужассамлашган ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг педагогик хусусиятлари. *Замонавий таълим. №3, 63-68 б.*
2. Компьютер воситасида технология дарслари самарадорлигини ошириш. -397бетлар.
3. Расулова З. (2021). Бўлажак технология фани ўқитувчисининг билим, кўникмасини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларининг ўрни. *Science and Education. Vol. 2, Issue 10, 370-379 бетлар.*

4. K.D.Alimova. Til bilish dunyoni bilishdir. SCIENCE AND EDUCATION. SCIENTIFIC JOURNAL ISSN 2181-0842. VOLUME 3, ISSUE 4 734 -737 betlar.

5. K.D. Alimova. Zamonaviy texnologiyalardan ta`lim jarayonida foydalanish. "INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING 2022/5" Page No.: 57-61 betlar.

6. Расулова З.Д. (2021). Инновацион педагогик технологиялар асосида

олий таълим муассасаси ўқув жараёнларини такомиллаштириш мазмуни.

Science and Education.Vol. 2, Issue 10, 460-469 бетлар.

7. Dilova N.G. (2021). O'qituvchi-o'quvchi hamkorligini vujudga keltirishning pedagogik ahamiyati. Science and Education.Vol. 2, Issue 10, 567-576 betlar.

## СИФАТЛИ ВА ХАВФСИЗ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ХАССП ҲАЛҚАРО ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Файзибоев Пирмамат Нормаматович**

**т.ф.н. Умумий гигиена ва экология кафедраси доценти**

**Самарқанд Давлат Тиббиёт Институтини.**

**Р.Б.Асқаров**

***Аннотация:** Аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири саналади. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси кўп тармоқли бўлиб, у сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва тиббий жиҳатларни ўз ичига олади.*

*Ҳозирги кунда қандолат маҳсулотлари аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган истакларини тўла тўқис қондириши имконини беради. Аммо, шуни ҳам такдлаб ўтиши жоизки бугунги кунга қадар, НАССР халқаро тизимидан фойдаланиб, қандолат маҳсулотларининг оғиз бўйлигида келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларининг инсон саломатлигига таҳдидни камайтириши оқибатлари, шу билан бирга новвот, зар новвот каби миллий турдаги қандолатчилик маҳсулотларининг оғиз бўйлигида ва тишининг қариес касаллигини келтириб чиқаришига сабаб бўлувчи таъсири ўрганилмаган.*

*Қандолат маҳсулотларидан бактериал заҳарланиши эпидемиология ва овқатланиши гигиенаси соҳасидаги энг муҳим муаммолардан бири саналишини ҳам такдлаб ўтиши жоиз ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:** озиқ-овқат қандолат маҳсулотлари, НАССР халқаро тизими, корхоналар новвот.*

***Мавзунинг долзарблиги.** Ҳозирги янги Ўзбекистонни Жоҳон бозорларига олиб чиқишининг долзарб масалалардан бири НАССР халқаро тизимини қўллаш йўли билан сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборатдир [1].*

«Хавфлар таҳлили ва критик назорат нуқталари» тизими - хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини бошқаришни мукамал тизимидир. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида НАССР халқаро тизимининг қўлланилиши (Hazards Analyzis and Critikal Control Point – нозик назорат нуқталарида таҳлика омилларига баҳо бериш) [2], Ўзбекистонда қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати агросаноат мажмуасининг энг муҳим тармоғларидан бири саналади. БМТ озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти (ФАО) ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) томонидан ҳамкорликда молиялаштириладиган ҳукуматлараро идора - Озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича «Кодекс Алиментариус» комиссияси (Codex Alimentarius Commission) томонидан 1993 йили ХАССП тизими ва уни жорий қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилди. ХАССП, ишлаб чиқаришни бутун занжири, яъни дастлабки хом ашёдан якуний маҳсулотгача

қўлланиши мумкин бўлган, озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлигини таъминлаш тизими талабларини белгилайди. Бу тизим талабларини мустақил ёки ИСО 9000 стандартлари асосидаги сифатни бошқариш тизимлари билан биргаликда қўллаш мумкин. [6].

Ҳозирги кунда қандолат маҳсулотлари аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган истакларини тўла тўқис қондириш имконини беради. Аммо, бугунги кунга қадар, НАССР халқаро тизимидан фойдаланиб, қандолат маҳсулотларининг оғиз бўшлиғида келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларининг инсон саломатлигига таҳдидни камайтириш оқибатлари, шу билан бирга новвот, зар новват каби миллий турдаги қандолатчилик маҳсулотларининг оғиз бўшлиғига ва тишнинг кариес касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлувчи таъсири ўрганилмаган.

Қандолат маҳсулотларидан бактериал заҳарланиш эпидемиология ва овқатланиш гигиенаси соҳасидаги энг муҳим муаммолардан бири саналишини ҳам тақдлаб ўтиш жоиз ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади:** Қандолат маҳсулотлари ифлосланишининг хавф омилларини баҳолаш, уларнинг сифат ва хавфсизлигини керакли даражада таъминлаш ва сақлаш учун замонавий критик назорат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ХАССП халқаро тизимини озиқ-овқат корхоналарда ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

**Тадқиқот объекти ва усуллари:** Тадқиқот объекти қилиб Тошкент ва Гулистон шаҳри ҳудудларида жойлашган 4-та қандолат тайёрлаш корхоналари олинди. Қандолат тайёрлаш корхоналарида хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг лабораторияда текширишда гигиеник ва бактериологик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари:** НАССР халқаро тизимини қўллаш орқали, иш жараёнида танкидий фикрлар, технологик жараённинг хусусиятларини, ишлатиладиган асбоб-ускуналарни, хом-ашёларнинг сифати ва ҳудудларнинг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда хавф берувчи назорат нуқталари аниқлаб борилди.

Шу нарса аниқ бўлдики, Ўзбекистонда СанПиН №0257-08 [4] га асосан ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган гигиена талаблар, қандолат маҳсулотлари ифлосланиши хавфини баҳолаш ва таҳлил қилишга асосланган эмаслиги аниқланди.

Яна шуни айтиш жоизки, технологик кўрсатмалар асосида ишлаб чиқарувчилар томонидан жойларда қабул қилинган рецептлар илмий асосга эга эмаслиги ва ўзбошимчалик билан киритилганлиги аниқланди.

Олиб борилган радиологик ва лаборатория тадқиқотлари натижаларига асосан хом ашё ва тайёр маҳсулотлар таркибида бўлган заҳарли элементлар СанПиН № 0366-19 “Озиқ-овқат хавфсизлиги бўлган гигиеник талаблар” да кўрсатилган меъёрлардан фарқи аниқланмади [5].

Микробиологик кўрсаткичларга кўра, тайёр маҳсулотнинг хавфсизлиги мезонлари белгиланган стандартлардан сезиларли фарқ қилишини кўрсатди (Жадвал-1).

(Жадвал-1): Қандолат саноатида тайёр қандолат маҳсулотларининг микробиологик кўрсаткичлари

Маҳсулот номи	Кўрсаткичлар	Рухсат этилган заража, мг/кг,	Тадқиқот натижалари
Очилмаган конфет ва ширинликлар; сўл кўшилмаган:	Микробиологик кўрсаткичлар:		
	КМАФАнМ, КОЕ/г	$5 \times 10^3$	$5 \times 10^4$
	БГКП (колиформалар) ичида 1,0г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патогенли, шу жумладан <u>салмонелла</u> 25г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Ачити, КОЕ/г, кўп эмас	10	12
Моҳор, КОЕ/г, кўп эмас	50	55	
Ҳалва: кўшилган	КМАФАнМ, КОЕ/г	$1 \times 10^4$	$1 \times 10^5$
	БГКП (колиформалар) 0,01г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патогенли, шу жумладан <u>салмонелла</u> 25г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Ачити, КОЕ/г, не более	50	53
	Плесени, КОЕ/г, кўп эмас	50	50
Кўшилмаган	КМАФАнМ, КОЕ/г	$5 \times 10^4$	$1 \times 10^6$
	БГКП (колиформалар) в 0,01г ичида	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патогенли, шу жумладан <u>салмонелла</u> 25г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Ачити, КОЕ/г, кўп эмас	50	62
	Моҳор, КОЕ/г, кўп эмас	50	53
Шарқ ширинликлари Козинак	КМАФАнМ, КОЕ/г	$5 \times 10^3$	$5 \times 10^4$
	БГКП (колиформы) в 0,1г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Патогенли, шу жумладан <u>салмонелла</u> 25г	Рухсат берилмаган	Аниқланмади
	Ачити, КОЕ/г, не более	50	60
	Плесени, КОЕ/г, юкори эмас	50	52
-Новвот	КМАФАнМ, КОЕ/г	Меёрлар ёйк.	$5 \times 10^4$
	БГКП (колиформалар) 0,1г		Аниқланмади
	Патогенли, шу жумладан <u>салмонелла</u> 25г		Аниқланмади
	Ачити, КОЕ/г, кўп эмас		61
	Моҳор, КОЕ/г, кўп эмас		50

Олиб борилган бактериологик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, тайёр маҳсулот таркибида хамиртуруш ва моҳор КМАФАнМ талаблари бўйича қабул қилинган меёрларга жавоб бермайди. Шарқона ширинликлар ҳисобланмиш «новвот» да эса хавфсизлик мезонлари белгиланмаган.

Хулоса:

1. Хавфсизликни бошқариш ва уни назорат қилиш давомийлиги, маҳсулот хавфсизлигини тўлиқ таъминлай олмайди. Қандолат маҳсулотлари (ҚМ) хавфсизлигини фақат ишлаб чиқариш босқичида унинг шаклланиш жараёнини назорат қилиш орқали таъминлаш мумкин. Бунинг учун шаклланиш жараёнини тех-

нологик жараён давомида ўрганиш керак.

2. Қандолат маҳсулотларининг микробиологик хавфсизлигини шакллантириш жараёнлари, уни бошқариш усулларини аниқлайди, шунингдек ҳар қандай ҳаракатлардан фойдаланиш ва микрофлоранинг миқдорий ва сифат таркибини ўзгартириш имкониятини беради.

3. НАССР халқаро тизимини амалиётда қўллаш учун микрофлоранинг динамикасини ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг қайси босқичларида микроорганизмлар сонининг камайиши ёки кўпайишини аниқлаш, қайси жараёнлар микроорганизмларнинг кўпайишига ёрдам беради, қайси бири эса ўз фаолиятини тўхтатиши кераклигини билиш зарур.

#### **Изоҳ:**

Тадқиқотнинг мақсади замонавий критик назорат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали қандолат маҳсулотлари ифлосланишининг хавф омилларини баҳолашдан иборат эди. Санитария-гигиеник ва микробиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Тошкент ва Гулистон қандолатчилик корхоналарида тайёр маҳсулотлар таркибида хамиртуруш ва моғор миқдори КМАФАНМ талабларига тўғри келмаслигини кўрсатмоқда. Шарқона ширинликлар ҳисобланмиш «новват» да эса хавфсизлик мезонлари белгиланмаган. Таъсис эътилган микрофлоранинг динамикасини ўрганиш, ишлаб чиқаришнинг қайси босқичларида микроорганизмлар сонининг камайиши ёки кўпайиши аниқлаши, қайси жараёнлар микроорганизмларнинг кўпайишига ёрдам беради, қайси бири эса ўз фаолиятини тўхтатиши кераклигини билиш бу - НАССР халқаро тизимини амалиётда қўллаш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Худайберганов А.С. Аҳолида соғлом овқатланишни шакллантириш омиллари ва мавжуд муаммолар. Сборник научно-практической конференции (с международным участием) «Современные достижения и перспективы развития охраны здоровья населения». - Ташкент, 2019. - С.194-196.

Комиссия Codex Alimentarius // Руководство по процедуре. Девятнадцатое издание. ВОЗ\ФАО. – Рим. 2010. – С. 213.

Гигиена пищевых продуктов.Базовые тексты.Совместная программа ФАО/ВОЗ по стандартам на пищевые продукты.КОМИССИЯ CODEX ALIMENTARIUS, второе издание.Рим 2005,245 с.

СанПиН №0257-08 «Гигиенические требования к производству хлеба, хлебобулочных и кондитерских изделий».www.minzdrav.uz

СанПиН №0366-19 «Гигиенические норматив безопасности пищевой продукции».www.minzdrav.uz

М.М.Турдиалиева, Х.Ахмаджонов, Ш.Э.Умидов “Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сифатини бошқариш соҳасидаги халқаро стандартлар”



## ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРНИ

**Файзибоев Пирмамат Нормаматович**  
Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети  
т.ф.н. Умумий гигиена ва экология кафедраси доценти  
**Р.Б.Асқаров**

*Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг туб, яъни миллий қадириятларимизга амал қилувчи аҳолиси, ўзларининг узоқ умр маҳсулоти эканлигига ишондилар.*

Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг таъкидлашча, бу ширинликдан мунтазам фойдаланиш қўйидаги ҳолатларда ёрдам беради: овқат ҳазм қилиш муаммоларини бартараф этишда, организмдаги яллиғланиш жараёнларини даволашда (айниқса, «аёллар» муаммоларида); лактацияни яхшилаш ва онадаги сут миқдорини оширишда. Новвот қандли диабетга чалинганлар учун қимматли маҳсулотлардан бири саналади. Ўзбекистон аҳолисининг миллий қандолат маҳсулотлари билан озиқланишида “Новвот” алоҳида ўрин тутади. Новвот Ўрта Осиё (Ўзбекистон) ва Эрон мамлакатларида кенг тарқалган анъанавий ширинликлардан бири ҳисобланади. У кристалланган ҳолатдаги шакар сиропи ҳисобланади. Унинг турли ҳудудларда ўзига хос кўплаб номлари бор - навог, кинва - шакари, набот ва навог ёки оддийгина ўзбек қанди деб ҳам атаса бўлади.

Новвот ишлаб чиқариш технологияси тўхталадиган бўлсак, у узум шарбатига шакар сиропини ва зираворлар қўшиш йўли билан тайёрланади. Қайнатиш орқали уларнинг ўз шаклини мустаҳкам сақлаши мақсадида қўшилган ипларга ва таёқчаларга шакар кристалланади. Илмий нуқтаи назардан, бу маҳсулот тўйинган сахароза сиропининг қайта кристалланган маҳсулотидир.

Новвотнинг ранги бир – биридан фарқ қилган ҳолда: оқдан тўқ жигарранггача бўлиши мумкин. Бундай турли хилдаги ранглар кўринишига келтириш уни пишириш вақтида турли хил қўшимчалар заъфарон ёки асал қўшилиши туфайли эришилади.

Ўзбекистон ва Эроннинг маҳаллий аҳолиси камдан - кам ҳолларда новвот тайёрлаш ёки пишириш билан шуғулланади. Аммо деярли ҳар бир қишлоқда новвот тайёрлаш ҳунарини авлоддан - авлодга ўтказиб келаётган, маҳаллий бозорларда маҳсулотларини сотаётган усталар бор.

**Тадқиқот мақсади:** Сифатли ва озуқабоп қандолат маҳсулотларидан бўлмиш новвотни ишлаб чиқариш ва сотишда кимёвий,микробиологик, санитария-гигиена ва радиологик усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг барча назорат нуқталарда таҳлика берувчи омилларни мунтазам равишда кузатиш ва таҳлил қилиш тизимини, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва усуллари:** Тадқиқот объекти сифатида новвот ишлаб чиқарувчи ва технологик ишлов берувчи корхоналар бўлиб, новвот хом ашёларини лабораторияда текширишда гигиеник ва бактериологик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари:**

Новвот таркиби моносахаридлардан ҳисобланмиш, фруктоза (40%), глюкоза (60%), оқ лавлаги қанди ва ягона дисахарид сахарозадан иборатдир. Анъанавий ширинлик иборат бўлган новвот қуйидагичи рецепт асосида тайёрланди.

Қозонга 1 кг оқ шакар ва 400 мл янги сиқилган узум шарбати солиниб аралаштирилади, ушбу аралашма намлиги 16 - 18% бўлган шакар сиропи ҳосил бўгунча қайнатилади (бу аралашманинг оғирлиги асл ҳолатининг деярли ярмини ташкил қилади). Кичик тирқишли элак орқали сизиб олинади. Сиропни иплар тортилган махсус идишга қуйилади. Бу ерда ҳарорат доимий бир меъёрда сақланиб турилиши натижасида кристалланиш жараёни содир бўлади. Бу жараён камида 3 кунгача давом этди. Кристаллар ажратиб олинади ва очиқ ҳавода қуритилди. Иплар кесилди. Анъанавий технологиялар ёрдамида новвотга фақат иккита ёрдамчи ингредиент қўшилди: Масалан,

Заъфарон – новвот кристалларига тўқ олтин ранг ва хуштаъмлик, озгина тахирроқ таъм бериши учун қўшилди.

Табиий асал камдан-кам ҳолатларда қўлланилиб маҳсулотга таъм, юмшоқлик ва озгина ранг беради.

100 г новвот маҳсулоти 390 ккал энергия ҳосил қилади.

Таққослаш учун, шакарнинг бошқа турларининг энергия таркибини кўрадиган бўлсак:

Шакар тури 100 г ҳисобидаги ккал

Оқ ёки лавлаги шакари 360 ккал

шакарқамиш шакари 380 ккал

заранг дарахти шираси 260 ккал

Мева (фруктозаси) 399 ккал

Кандис (новвотга ўхшаш инглиз обакидантони) 394 ккал энергия ҳосил қилади.

Ўзбек ширинликларидан ҳисобланмиш шакарни оладиган бўлсак, у руслар учун таниш бўлган оқ ёки қамиш шакарларига қараганда анча фойдалироқ саналади.

Табиий фруктоза - сўрилиши учун инсулинни талаб қилмайдиган, алмаштириб бўлмайдиган табиий энергия манбаи ҳисобланади. Глюкоза эса миянинг меъёрда ишлаши ва ҳужайраларнинг регенерацияси учун муҳим саналади. У қуйидаги касалликлар ва ҳолатларда фойдалидир:

Сурункали чарчаш ва гипогликемия (глюкоза етишмаслигида).

Ўзбек қандида осон ҳазм бўладиган углеводлар кўп бўлганлиги сабабли организм энергия билан тезда тўйинади.

Анемия. Ширинликлар таркибидаги узум шарбати қондаги гемоглобин да-

ражасини оширади.

Ангина. Новвот бўлакларининг сўриб (шимиб) юуриш бу тери шиллиқ қаватларини юмшатувчи ва яллиғланишларга қарши ижобий таъсир кўрсатади, томоқ оғриғини енгиллаштиради.

Бронхит. Бунда, заъфарон ёки ари асал қўшилиши билан тайёрланган новвот бўлиб, у максимал даражада ўзига хос бўлган шифобахш хусусиятларини намоён қилади. Яллиғланишни камайтиради ва йўтални йўқ қилади.

Новвот тери тошмаларига мойил бўлган ёш болалар учун фойдалидир. Маҳсулот моносахаридлардан иборат бўлганлиги учун у камдан - кам ҳолатларда ножуя таъсир ҳам кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, унда бўёқлар ва консервантлар ҳам мавжуд эмас.

Новвот таркибининг деярли ярми фруктозадан иборат бўлиб, у ассимиляция қилиш учун инсулинни талаб қилмайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, сифатли ва озуқабоп новвот ширинлигини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хавфсиз шароитларда ишлаб чиқариш ва сотишни яхшилашга бағишланган илмий тадқиқот ишларини амалётга тадбиқ этиш. Новвотнинг ўртача миқдоридан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат дўконларида сотиладиган саноат ширинликларидан кенг кўламда фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш.

## СИЙДИК-ТАНОСИЛ ТИЗИМИ ХАВФЛИ ЎСМАЛАРИНИНГ КЎПЛАБ ОСТЕОГЕН МЕТАСТАЗЛАРИНИ КОМБИНИРЛАНГАН ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шаханова Ш.Ш., Рахимов Н.М.  
Самарқанд давлат тиббиёт университети

**Аннотация:** *Метастатик ўсмалар бирламчи ўсмаларга қараганда кўп учрайди ва скелет тизимининг барча ўсмаларининг 96% ни ташкил қилади. Ўтказилган аутопсия маълумотларига кўра, буйрак саратонида (БС) суяк метастазлари 33-60% ҳолларда ривожланади ва простата ҳамда сут бези саратонидан кейин учинчи ўринда туради. Диагностика усуллари такомиллашганига қарамай, простата бези саратони ва буйрак ҳужайрали саратонида кўплаб остеоген метастазларни аниқлаш ва даволаш замонавий онкоурологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.*

**Калит сўзлар:** *простата бези саратони, буйрак саратони, таргет терапия, радионуклид терапия, озриқ.*

**Тадқиқотнинг мақсади** *тизимли нур терапияси билан таргет терапияси комбинациясини такомиллаштириш ҳамда жорий қилиш орқали буйрак ва простата бези саратонининг кўплаб остеоген метастазларини даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.*

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** *2015 йилдан 2020 йилгача Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида, шунингдек РИО ва РИАТМ Самарқанд вилояти филиали бўлимларида стационар ва амбулатор даволанган буйрак ва простата бези саратони кўплаб остеоген метастазлари бўлган 110 нафар беморлар киритилди.*

«Материалларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган, клиник материалларнинг умумий тавсифи, клиник ва инструментал тадқиқот усуллари берилган. Тадқиқот иши Самарқанд давлат тиббиёт институтининг онкология кафедрасида олиб борилди ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида, шунингдек РИО ва РИАТМ Самарқанд филиалида стационар ва амбулатор даволанган буйрак ва простата бези саратони кўплаб остеоген метастазлари бўлган 110 нафар беморларнинг даволаш натижаларига асосланди. Беморлар ўз навбатида уч гуруҳга бўлинган. 1-гуруҳ – 46 (41,82%) беморлар (ретроспектив гуруҳ, назорат гуруҳи) бисфосфонатлар (золендрон кислота) билан биргаликда специфик ўсмага қарши терапия олган, бу ҳозирги кунда республикада хавфли ўсмаларнинг остеоген метастазларини даволашда стандарт ҳисобланади, 2-гуруҳ – 33 (30%) беморлар (проспектив гуруҳ) деносумаб ва радионуклид терапияси (153-самарий-Оксабифор) билан золендрон кислотали мақсадли остеопротектив терапия билан биргаликда специфик ўсмага қарши даволаш олган, 3-гуруҳ – 31 (28,2%) беморлар

(проспектив гуруҳ) специфик ўсмага қарши терапиясини ҳамда остеопротектив терапия қабул қилган, стандарт усул (золендрон кислотаси) самарасиз бўлган, деносумаб терапияси ва радионуклид терапияси (153-самарий-Оксабифор) олган беморларни ўз ичига олди.

**Муҳокама:** Беморларнинг умумий ҳолати беморларнинг субъектив маълумотларига кўра баҳоланди: жисмоний ва руҳий маълумотлар. Аналгетикларни қабул қилишнинг ўзгариши тиббий ходимлар ва беморларнинг ўзлари томонидан объектив равишда аниқланди. Оғриқ қолдирувчи таъсир беморларнинг аналгетикларга бўлган эҳтиёжининг ўзгаришига қараб субъектив баҳоланди (доимий оғриқ, тунги оғриқ, оғриқ ҳаракат пайтида пайдо бўлади ва ҳоказо).

## 1-жадвал

## Беморларни даволанишгача Карновский шкаласи бўйича тақсимланиши

Карновский шкаласи бўйича баллар	Нозология											
	Буйрак саратони n=48			P	Простата беzi саратони n=62			P	Итого			P
	abs	M(%)	m		abs	M(%)	m		abs	M(%)	m	
40	3	6,25	3,4 9	Хи-квадрат = 8,750; p = 0,119	5	8,06	3,4 6	Хи-квадрат = 8,258; p = 0,143	8	7,27	2,4 8	Хи-квадрат = 16,873; p = 0,005
50	8	16,67	5,3 8		10	16,13	4,6 7		18	16,36	3,5 3	
60	10	20,83	5,8 6		12	19,35	5,0 2		22	20,00	3,8 1	
70	11	22,92	6,0 7		14	22,58	5,3 1		25	22,73	4,0 0	
80	12	25,00	6,2 5		15	24,19	5,4 4		27	24,55	4,1 0	
90	4	8,33	3,9 9		6	9,68	3,7 5		10	9,09	2,7 4	
Итого	48	100,00	0,0 0		62	100,0 0	0,0 0		110	100,0 0	0,0 0	
P	Хи-квадрат Пирсон = 0,219; p = 0,999											

Беморларнинг асосий контингентиди беморнинг тўлиқ мустақиллиги сақланиб қолганда, унинг нормал фаолияти чекланган эди, бу 73 (66,36%) беморни ташкил этди. 64 (58,2%) беморга комбинирланган терапия, шу жумладан кўплаб остеоген метастазларни даволашда радиофармтерапия (самарий Оксабифор) билан таргет терапия (деносумаб) буюрилди.

56 беморда таргет терапия ва радиофармтерапия ёрдамида комбинирланган терапиядан сўнг умумий ҳолатнинг яхшиланиши қайд этилди, бу 87,5% ни таш-

